



ШУХРАТ

МАШРАБ

РОМАН

ТОШКЕНТ
"ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА
КОНЦЕРНИНИНГ
БОШТАҲРИРИЯТИ
1998

«... ҚОШИ ҚАРОСИНИ КҮРУНГ»

Омади келган йигитнинг севгани ҳам олдидан чиқади.

Баҳор нафаси қайта бошлабди. Аммо саратон яллиги ҳали олисда. Қамиш бўғотларга баҳор кўркини баҳш этган кўкатлар орасида унган муинчоқкўз сариқ чечаклар ва лолақизғалдоқлар қорамтири тортиб, ял-ял ёнган гулларини тўкканлар. Болаларнинг чўнтағида ҳовуч-ҳовуч гўра, тиши йўқ кексалар оғзининг сувини келтириб, касиркасир чайнайдилар. Барра ўту турли-туман гул-чечагини кўз-кўз қилмаган бوغу хиёбон йўқ.

Бу пайтда жажжи шаҳар — Наманганинг тили чуҷук қизлари-ку, жуда очилиб кетадилар. Қирқ кокил қилиб соч ўришу сатанг қилиб фарқ очишни ўшаларга чиқарган! Хипча белларни янада хипча ва нозик қилиб чиқсан беқасам нимчалар уларни самбитқомат қилиб юборади. Уларнинг бу пайтдаги юриш-туришлари ва гап-сўзларида ўзгача бир латофат ва назокат бор. Токзору олмазор, анжирзору анорзорлардан янграган, завқ-шавқقا тўлиб тошган ашулаю яллалари баҳор нафасини туркиратиб, олис-олис умид манзилларига чорлади. Кампирлар ёшлигини қўмсаб, димогига ялпиз тутса, чоллар неварасига ясаб берган варракларининг учшини ҳассага энгаҳини тираб томоша қиласидилар. Фақат дала бошида дәхқоннинг иши жадал. Айни тут пишиги.

Машраб жиддини бўйнига осиб, тор кўчани ёқалаб бораракан, бир тўда қизларнинг бегубор ва шўх қийқириги диққатини тортиди. Товуш келган томонга қараб эди, аввалон кўзига тарвақайлаб ўстган тут ва таги билан битта бўлиб тўкилган марварид тутлар кўринди. Тутнинг қалин шоҳлари орасида бир одамнинг шарпаси кўзга чалингандай ҳам бўлди. Тутнинг бир шоҳи кўча томонга қанотини ёзиб тушган, баҳор ёмгирида ивib нураган деворга тиркалиб туради. Устидаги одам шу шоҳни силкиган шекилли кўча томонда ҳам тут ер билан битта бўлиб ётибди!

Йигитнинг кўнгли суст кетди-ю, лекин териб ейишга журъят этмай турган эди, яна қизлар чугил-

лашиб бердилар. Машраб уларнинг сўзларини аниқ эшилди:

— Ҳой, сал тўхтаб тур, ердагиларни териб олайлик, ахир.

— Вой, ўл, бошимни гурра қилдинг!

— Вой-вой-вой, бўйнимдан ичимга тушиб кетди. Бунча муздай экан!

Тут устида шериклари қотиб-қотиб кулар, тепадан уларга таъна қиласарди:

— Мен тутнинг устида қаққайиб, сенларнинг териб бўлишларингни кутиб тураманми! Кетмайди! Чодир топларинг! Бўлмаса ҳозир тушиб кетаман!

Ораларида тутта чиқадиган «азамат»лари йўқ шекилли, қизларчувиллашиб қолди.

— Жон Арзигул, бу шахтингдан қайт, ўзинг яхши қизсан-ку.

— Ақлли қизсан, доносан!

— Чиройлисан, жиблажибонсан!

Кулги орасида бошқа бири кекса хотинлардек салмоқлади:

— Илойим, яхши жойлардан ато қилсин!

Яна чуввос кулги-қийқириқ кўтарилиди. Ховлида қизларнинг ўзидан бошқа ҳеч ким йўқ шекилли, улар бегубор ҳазиллашар ва беҳадик кулишарди.

Тутдан туриб Арзигул «кеекса хотин»га пичинг қилиди:

— Ўзингга тила, ўзингга, мингяшар ойим! Менини тайёр!

— Вой, ўлмасам!! — бу кутилмаган гапдан қизлар ҳайрат аралаш чувиллашли. Уларни биттаси босди:

— У бир қоп ёнгоқ-ку, шунга ишониб ўтирибсизларми, сүф-е, ҳаммаларингга!

— У ичидан пишган! — деди барибир қайси бири унинг оҳангиди.

Шу маҳал жиiddий товуш янграб қолди:

— Чодир йўқ, Арзигул, чойшаб топиб чиқдим, мана.

— Нима бало, ачангни ўлимлигини олиб чиқдингми? — тепадан тегищди ўша Арзигул дегани.

Арзигулнинг гапига кимдир пастдан жавоб қайтарди, лекин уни Машраб эшитолмади. Яна кулги кўтарилиди. Тепадаги қиз уларга қўшилиб хандон солаётган бўлса ҳам, товуши алоҳида ажralиб турарди, худди бўғиқ қувурдан отилиб чиқкан баҳор тошқинидек жарангдор ва шўх эди. Машраб бу алоҳида кулги келган

томонга ялт этиб қараб, бўз кўйлакли, сочини бошига ўраб тангиган, ялангоёқ, дуркунгина бир қизни кўрди. Ўнинг юз-кўзи қалин барглар орасида яхши кўринмас, бунинг устига ёни билан турарди. Шу баҳорда товуши дўриллаб, қиз деса, қулоги қимирлайдиган бўлиб қолган йигитнинг шундай ёқимли товуш эгасини кўриш иштиёқи шу онда уйгониб қолди. Йўлнинг у бетидан бу бетига ўгри юриш қилиб ўтди. Бўйнини чўзиб аста мўралади. Эшиқдан бирор чиқиб қолса ё бирон қиз кўриб қолса нима бўлади, деган андиша хаёлига ҳам келмади. Хуллас, у ёққа ўтиб аста қаради, бу ёққа ўтиб барглар орасидан мўралади — ахийри, башарасини кўрди. Кўрди-ю, илон авраган қурбақадай қотди-қолди. Умри бино бўлиб бунақа истарали қизни кўрманган! Ҳалигина ердан териб олган тутнинг қўлидагиси қўлида, оғзидағиси бўғзида қолди.

Оламнинг бу ташвишларидан бехабар қиз ҳамон шўхлик билан ўртоқларига гап отар, гоҳ у шохни, гоҳ бу шохни силкиб, гоҳ кичкина оёқлари билан гурс-гурс тепиб, ўртоқларини шоширади. Марварид тутлар дув-дув тўкиляпти.

Ана шунда тут устидаги қиз торгина кўччанинг четида бақа бўлиб турган йигитни кўриб қолди.

— Вой, ўлмасам, кўчада бир киши қараб турибди! — деди-ю бир қўлини юзига парда қилди. Шу заҳотиёқ бир қиз кўча эшигини очиб қаради ва уни кўрибок эшикни тарс ёнди, ичкаридан товуш келди:

— Ўпкангни бос! Киши эмас, ёшгина бола-ку!

Шу гап сабаб бўлдими ёки бояги ҳаракати бир ҳазилмиди, тут устидаги қиз қўлини юзидан олиб, пешанабогининг бир учини қайириб тишлади ва қиё боқиб йигитта гап қотди:

— Силкитиб берайми, тут ейсизми?

— Майли, — деди Машраб оёқ-кўли бўшашиб.

Қиз икки шохни ҳатлаб ўтиб, кўча томон шохига оёғини қўйди ва гурс-гурс тепди. Марваридек тут, гарқ пишиб, бир имо-ишорага илҳақ турган экан, дув тўкилди. Ярми кўчага, деворнинг у ёғига, ярми ҳовлига тушди.

Машраб миннатдор қараб, саралаб-саралаб тера бошлиди. Тут чиндан ҳам роса пишган экан, қўлида шираси қолиб, бармоқлари бир-бирига ёпиша бошлиди. Гарчанд қўзи ерда, тўкилган тутларда бўлса ҳам хаёли тепада, тўғриси, тут устида турган соҳибжамолда эди. Хаёлида у қиз кўзини узмай кузатиб тур-

гандек туюларди. Шу сабаб бошини күтариб юқорига қарашга ботинолмас эди. Вужудида аллақаңдай майин титроқ ва қалбидан шу замонгача бўлмаган алланечук ҳаяжон бор эди. Уни тизгинлаб, ерга қаратиб турган куч ҳам шу титроқ ва шу ҳаяжон эди. Йўқ, бу куч ҳам эмас, бошқа бир нарса. У нарсанинг нималигини Машрабнинг ўзи ҳам ҳали билмасди. Хуллас, у бошини күтаришга, қалби интилган қизга қарашга журъат этолмас, аммо хаёли унда, унинг ёнган кўзларида, қўнгироқ овозида эди.

Қиз чиндан ҳам уни кузатиб турган эканми, Машраб ердан сал бошини күтариши билан яна гап қотди:

— Тўйдингизми, ё яна силкиб берайми?

— Бўлди, раҳмат, тўйдим, — деди Машраб ва қизнинг кўзига кўзи тўқнашиб, бутун аъзойи бадани ловиллаб ёниб кетди. Унинг қаршисида ўн гулидан эндиғина бир гунчаси лаб кўрсата бошлаган нав-ниҳол қиз турарди! Қиз эмас, пари, дейсиз: қош-кўзи келишган, гунча даҳан, оғзидан шакар тўклилади.

Шу ҳушини олиб қочдими ёки йигитлик журъати жўш уриб кетдими, Машраб бирдан луқма отди:

— Сиз қоқсангиз, қанча бўлса, еганим бўлсин!

— Вой, ўлмасам! — деган қиз тутнинг устида шошиб қолди. Тапир-тупир шоҳдан-шохга ўтиб, ўзини ерга «гуп» этиб отди. Унинг кўзи Машрабнинг кўзига қамти бўлган, унинг қаршисида калп-катта йигит, йигит бўлганда ҳам кўзлари алланечук ҳаяжон билан ёнган чиройли йигит турарди. «Сиз қоқсангиз, қанча бўлса еганим бўлсин!» деган сўзни ҳам шунаقا чертиб айтдики, унинг юрагига ўқдек санчилди. Маъноси ялт этиб, ҳозиргача бепарво бўлган қизнинг қўзини мошдек очиб юборди. У келишган бир йигит билан ҳазил-мутойиба қилаётган экан! Ана, холос!

Арзигулнинг юраги гуп-гуп урар, хаёлида тут тагидаги йигит ҳамон ўша сўзини такрорлаб турарди.

— Ҳа, бунча! — деди дугоналари у томонда. — Ёв қувдими? Ўзингни бос.

— Ё даданг келиб қолдими?

Қизлар бири олиб, бири қўйиб сўроққа тутар, лекин Арзигул нимадир деб жавоб беришдан ожиз эди. Фақат:

— Бола эмас, калп-катта йигит экан-ку! — дея олди.

Қизлар яна жонланиб, бир нечтаси яна кулгига олди, бир нечтаси эшикка чопди.

— Йўқ, кетиб қолибди! — деди биттаси. Бошқаси гап қўщди:

— Келишгангина эканми? Балки қисматингдаги йигит ўшадир.

— Яхшилаб кўриб олдингми, тагин йўқотиб қўйиб, қидириб юрма! — деб кулди бошқаси.

— Ҳей, ўл, ҳазилинг қурсин! — деди Арзигул ва лекин бу сўзидан қалбининг аллақаери ғалати бўлиб кетди. Ичидан «Ҳа, шунақами, ҳали, ўйлаб гапир», деган нидо келди. Бу нидони унинг ўзигина эшитиб турарди. Шу боис гапни ҷалғитди:

— Менга териб қўйганларинг қани?

— Мана шу чодирдагининг ҳаммаси сеники, ўртоқжон! — деган қиз унинг башарасига қараб, Арзигулнинг ранги кўрқсан кишиникига ўхшамай, ўзи ҳам тил билан айтиб беролмайдиган аллақаңдай ҳис-туйгулар тўфонида эканини аниқ кўрди. Ниманидир фаҳмлабандек бўлиб, пастки лабини аста тишлади. Буни Арзигул фаҳмлаби ва қўзини олиб қочди.

Бу пайтда кутилмаган учрашувдан караҳт бўлиб қолган Машраб тўрвасини йўқотган гадойдек талмовсираб, бошини қуий солиб боради. Ўзи нима гап? Бутун вужуди ўт бўлиб ёниб кетялти. Умрида ҳеч бунақа бўлган эмас. Ҳа, тиззасида ҳам жиндай титроқ бор-а! Оғир юқ кўтаргани йўқ-ку, ё чарчадими? Нимадан чарчайди? Тутта чиққани йўқки, оёғи толиққан бўлса! Тутда қиз, Арзигул эди-ку! Ҳа, ростданам, қиз нима деди-ю, у нима деб жавоб қилди, нега қиз тутдан ўзини ташлаб қочди?

Машраб бу қизиқ лаҳзани таг-томири билан идрок этиб ололмас эди. Анча ерга боргач, яна орқасига, ўша тутта, қиз турган шохга қарғаси келди, бир нарсадан ҳаё қилгандек тортиниб қаради. Ҳеч ким йўқ. Салдан кейин яна қандайдир куч орқага ундали. Яна қаради. Бу гал ҳам ҳеч кимни кўрмади. У қидирган одамни кўрломмай энтикарди.

Машрабнинг бутун бадани мис бўлиб қизиб кеттан, назарида ловуллаб ёнарди. Куча ёқалаб оққан, қирғокларини майса-гиёҳ қоплаган ариқдан чатаногини кериб, юз-қўлини ювди. Муздай сув шундай хуш ёқардики, асти қўяберасиз! Бутун вужудига ҳузур-ҳаловат нур бўлиб унсиз тараларди. Бунга сари яна юзига сув сочар, бўйниларини қўшиб юварди. Оромбахш томчилар қизиган юз-қўзининг тафтини олиб, нурли из қолдириб пастта думаларди, хаёлидаги кимсани янада равшанроқ, янада жозибалироқ кўрсатгандек, унинг кўркини очаётгандек бўларди.

Машраб ички бир ҳаяжон ва қалбини ларзага со-
либ келган нотаниш қувонч билан сувни ҳовучлаб,
юзига сепмоқчи бўлиб эди, қўллари соҳилдаги гиёх-
ларга тегиб кетди. Ялпиз ҳиди анқиб, атроф атрга тўл-
ди. Бу унга яна ҳам хуш ёқди. Ўсиб кетган, илк баҳор-
ги кўм-кўк рангини кул тусиға алмашган, узун ва сер-
шоҳ ялпизнинг иккита нозик шохчасини тирноги би-
лан узиб, димогига тутди. Ундан тараалган ҳидга
тўймай, бармоқлари билан эркалади. Ана шунда ҳам-
маёқни тутган алламбало бўй кўнглини яшнатиб юбор-
ди. Наҳот, ялпиз шунаقا ёқимли ҳид таратса?! Шу
оддий ялпиз-а! Бу мўъжиза она тупроқнинг ҳикматими
ёки баҳорнинг кишиларга сахий инъомими? О, бу ер-
ларда не-не гул-чечак, не-не гул-лолалар бор. Ҳаммаси-
нинг ўз ҳусни-кўрки, ўз атри-анбари бор!

Машраб яна иккита ялпиз баргини узиб ҳидлади, ҳузур қилди. Шу алпозда туриб қолди. Беихтиёр белидан қийигини ечиб, бир учига бетини артди. Артарди-ю, хаёлинини яна ўша тутдан, тутда турган ўша қиздан узиб оломасди, у қуюндеңек беҳадик босиб келарди.

Машраб бошқа оламга кириб қолғанға, бу оламда ҳали хаёлиға келтирмаган ҳис-түйгулар ҳукмронға ўшшар эди.

Машраб яна орқасига қайтиб, ўша тутли ҳовлиниңг эшигида туриб қолди. Аланглаб, аллакимни қидирди. Тутнинг устларига қаради. Фарқ пишган тут марваридек йилтиллаб, күёш шуълалари тушган баланд шохлари эса, алоҳида товланади. Чумчуқлар гужгон ўйнаб, базм қурадилар, уларнинг тумшугидан узилган тутлар ерга тап-тап тушиб турибди. Бояги бижилдоқ қизлар эса, қаёққадир гумдан бўлишибди. Шу вақт бирдан нимадир даранглаб қолди-ю, юз чумчуққа бир кесак дегандек, паррандалар дув кўтарилилар. Яна ҳаммаёқ жимиб қолди.

Машраб овоз келган томонга қараса, чумчуқларнинг ўтини ёрган тутнинг баланд шохига боғланган эски чекл экан. «Ипини ким тортди экан? Ўша қизми? Исли нима эди? Ҳа, Арзигул деб эди-я! Қандай чиройли исм! Арзи гул эмиш, арзи гулга ўҳшармиш! Қизик! Бу номни қўйган одам шу маънени билармикин?»

Бу исм Машрабнинг кўнглига шунаقا яқин тушдиди, агар бирор «Бу исмни сен ҳалигина эшийтдинг» деса, асти ишонмас эди. Ўё эсини таниганидан буйён бу исмни биладигандек ва кўнда такрорлаб юрадигандек эди.

Манраб хаёл билан канча туриб колганини бил-

майды, бир вақт бундок қараса, тутни яна чумчуклар талай бошлабади. Чүгүр-чүгүри одамни бузяпти.

Йүлдө кекса бир хотин күринди. Худди Машрабнинг одига келганда у тұхтаб, бошидаги саватни ерга күйди.

—Шу ёқса кетяпсанми, болам, нарироққача элтибер. бүйнім үзилиб кетді-ку жуда.

Машраб саватни йигитчаларга хос шиддат биландаст күтариб, бошига олаётган эди, хотин 'яна гап қотди;

— Мактабдан келяпсанми, болам, қани жилдингни менга беракол! Кимда ўкийсан. Үглим?

— Мудда Бозор охундада

— Ҳай, баракалла! Катта муллада ўқир экансан-ку!
Бахтингни берсин, болам! Бозор охунд билимдан мулла,
оқни қора демайди. Баъзи бирорларга ёқмайди-ю,
ўзи покиза одам, нафси ҳам ўлик. Жойнинг тўрини
эмас, элнинг эрини хуш кўради, барака топсин.

Анча ерга боргандан кейин хотин Машрабнинг бошидаги саватга қўл чўзди:

— Қани, болам, энди ўзимга берақол. Терим анча қотди, барака топ. Мен мана бүёкқа кетаман, — деди ва саватни унинг бошидан олиб, ерга қўйди-да, бир четини титкилади. Иккита ялпиз сомса олиб, Машрабга узатди. Чўнтағига бир ҳовуч кўк султон тўқди.

— Невараларимга олган эдим, тансиқ, — деди вакыт.
Машрабни қайта-қайта дуо қилиб, бошига саватни
құяркан, яна құшди. — Яхши жойларға күёв бұлғин,
болам! Хизр назар қылсун!...

«Күёв» сўзи Машрабнинг хаёлини яна чувалатиб юборди. Чувалган хаёл эса чақмоқ тезлигида яна ўшатутли ҳовлига олиб қочди уни.

Күзининг олдидан ўша тут устидаги Арзигул кетмай қолди. У ким? Шу ҳовлида турадими ё?.. Ҳалиги ўртогига нима деди? «Ўзингга топавер, меники тайёр» дедими? Бу нима дегани? Бир айтди-қўйдимикан?

Машрабнинг бу гапларга ҳеч ишонгиси келмасди. Кўнгли «ҳазил қилиб айтди» дерди нуқул. Лекин кўнглининг аллабир бурчи хира, тўгриси, хирароқ эди. Ана шунда бирдан бошқа бир фикр, зил тош оғирлигида босиб келди: хўш, уни қаердан топади? Топганда айтадиган сўзи борми? Тошингни тер, деса нима қиласди? Эҳтимол, тенги эмасди!

Гүйн мөнгөн энэхүү уни минг күн аарын соларкан
ахийн хувь наал топчайчи, бу... кейд бир гап бүлэг

ди!» деб ўзига тасалли берди. Ана шунда «Эҳтимол, бу ерлик эмасдир, меҳмондир, бошқа шаҳарми, қишлоқдан келгандир? Унда нима бўлади, эҳтимол, мен экилмаган дараҳтнинг мевасига сават тўқиб ўтиргандирман», деб иккиланиб қолди. Лекин ичидан «Шу ерлик, шу ерлик, изла, топасан», деган товуш садо бериб турарди.

Машраб мана шу товушга қулоқ солиб, уйига кириб келди. Кичкина ҳужрасида икки букчайиб чок тикаётган отасига қўлини кўксига қўйиб, салом берди-да, жилдини қозиқقا илиб, ҳовлига сув сепишга киришди. У ҳовлининг четидаги ҳовузчадан сув олиб, чеълклаб сепаркан, хаёли аллақандай тизгинлаб бўлмас туйгулар оғушида енгил учиб юаради. Тилига нуқул оддий бўлмаган сўзлар тизими келар, газалга ўхшаб оҳанг кашф этиб, юрагини тўлқинлантириб юборарди, ҳар тўлқинлантирганда кўкси ларзага келиб, кўнгли ёришиб кетарди. Кўзига тушган оддийгина буюмлар, олисдаги дараҳтларнинг учлари, том бошидаги кечагина қовжираган гиёҳлар, осмондан гоҳ-гоҳ учиб ўтган қушлар, мусичалар ку-куси, ҳатто чеълак ботирганда тўлқинга келган ҳовузчадаги сув ҳам ажиб латофат ва гўзаллик касб этар, аллақандай бир оҳангда, галати бир тилда сўзлашаётганга ўхшарди. Шу сув, ариқда оқиб, чеълка тўлиб, ҳовлига сепилаётган, майда нурли тангалардек сочилиб кетаётган сувда ҳам бугун қандайдир ўзгачалик бор, кечаги сувга ўхшамас, жони бор, тили бор, ҳатто қалбга руҳ багишлайдиган яна алланимасидир бор эди. Лекин бу «алланима» нималигини Машрабнинг ўзи ҳам билмайди, тили билан айтиб беролмайди: аммо қалби, руҳи сезиб турибди. Ана шу ҳис-туйгу, ана шу ажиб ҳаяжон, тўлғоқ уни ҳовлига сув сепиб бўлгач, уйга, уйнинг бир бурчагига, ташқаридан кўринмас бу томонига унадади. У қозиқдаги жилдини олиб, китобининг устига бир варақ сарғимтил Самарқанд қоғозини қўйди-да, қамиш қаламини довотга аста суқиб, қиртиллатиб ёза бошлади:

Офати жоним, эй санам, қоши қаросини кўрунг,
Икки юзига чулгонур зулфи сиёсини кўрунг.

Қандайдир ички бир тугён фикрини шошириб, шиддат ғаънати, тотли гурур ва тизгинсиз сурур билан босиб келарди. Қўллари ёзишга улгурмас, улгуришга интилгани сари-хати бузилиб борарди, бўлмаса,

у жуда ҳусниҳат. Ҳатто зуккотабиат, билимдон Бозор охундек одам рамазон ва қурбон ҳайити олдидан талабаларга бериладиган илдилигларни унга кўчиртиради.

— Ҳусни хат қалбнинг мусаффолигидан, фикрининг тиниқлигидан кафолат, диққатингизни бузмасдан кўчиринг! — дейди, кўчирилганлардан баъзи бирларини томири ўйнаб кетган ориқ қўлларига олиб, ҳавас билан боқиб турари, севимли шогирдини дуо қилади, чунки унинг ўз хати хунук, чиройли ёзмоқ унинг армони эди.

Шу онда Машрабни хатнинг ҳусни эмас, фикрининг ҳаяжон билан равон тўкилиши кўпроқ қизиқтиради, у ичидан тўлқин уриб келаётган завқ-шавқнинг измида бориб, сал муддатда битта газал тутатди. Тахаллус ҳам қидириб ўтирамади, отаси севиб чақирадиган Машраб номининг ўзини қистириб қўяқолди. Унинг Бобораҳим деган чиройли исми бор, лекин эсини танибдики, ҳамма Машраб деб чақиради.

Мана у ўша қўшимча номни қўйиб, ўзининг ilk газалини ёзди-ю, юрагида аллақандай ҳузурбахш ифтихор гуркираб кетди. Газални қўлига олиб бошидан оҳангни келтириб тақрорлади. Ёмонмас! У ўқиган ва қироат қилиб юрган газалларга жуда-жуда ўхшарди. Лекин у ўша газалларга ўхшатиб эмас, бугун пайдо бўлган, қалбини ларзага соглан ўз ҳаяжонини тизиб чиқди. Унинг кўз олдида Арзигул турди, ўша тутли ҳовли турди, қизларнинг қий-чуви эшитилиб турди, ҳатто ариқ бўйидан узиб олган ялпизнинг ҳиди димогидан кетмади. Ана шу лаҳзаларнинг нурли ифодаси бўлиб, ана шу газал тугилди ва қоғозга тушди.

Машраб бу газални шундай тутатди:

Машраби бенаводурам, васлинг учун гадодурам,
Ҳажр ўтига куёдурам, ёр жафосини кўрунг.

Машраб ўз қўзларига ишонмас, лекин қалби ажиб бир ҳис билан тўлиқ, қўзлари бу таниш оламга бошқа бир назар билан боқарди. Бу оламда қўзга кўринмас оҳанг бор, ҳис-туйгу, газал бор эди. Бу газалга етгудек ҳаяжонни шу кунгача, шу он, шу дақиқагача сезмаганига, бирор марта газал машқ қилиш ҳаёлига келмаганига ажабланди.

Машраб ўрнидан туриб келиб, қўзларига мойли қоғоз ёпиштирилган деразани очиб юборди. Димогини

нечундир, олдин гарқ пишган тут ҳиди, кейин ялпиз ҳиди тўлдириди. Чўнтағига кампир солиб қўйган кўксултон эсига тушиб, биттасини олиб оғзига солди. Ўткир тишлари билан карсилатиб чайнаб, қўшни томларга, ҳув олисдаги новча теракнинг шаъмдек ёниб турган нишили учига қаради. Бирдан қўшни томига назари тушиб, қалин қамиш бўғотнинг шундоққина четида нимжонгина бўлиб, сояда очилгандек бир жуфт лолақизгалдоқни кўрди. Нимага уни шу кунгача кўрмаган экан? Бугун очилдими? Бугун очилса, иккаласи бирдан баробар очилдими? Қизиқ! Унинг назарида нозик лолақизгалдоқ ўзи билан Арзигул бўлиб кетди. «Бунча томнинг қалтис ерида унмаса!» — хаёлида чарх уриб ўтди. Кўнгли хира тортгандек бўлди. Лекин бошқа бир ҳаяжонли туйғу, янгигина биттан газал гашти ва Арзигулнинг хаёли бу хирагини ўз ўпқонига тортиб кетди. Яна кўнгли ёришди. Кечга яқин ўша лолақизгалдоққа кўзи тушганда яна кўнгли бир галати бўлиб кетди, хаёли чувалди.

II

БОЛАЛИК

Машраблар пашиша қўймас кичкинагина ҳовлида турарди. Эшиқдан тўғри ҳовлига киришар, ҳовлида эса савлатта ўсгандек бир туп япалоқ ўрик бор эди. Ёз келса, сербутоқ шохларини кўм-кўк баргларга кўмиб, бутун ҳовлини қоплаб олади. Ҳовли янада торга ўхшаб кетади. Ўрик атрофини тешалаб, Машрабнинг онаси ўсма, ҳожираҳон, кашнич экади, куз келса, рўзгорда ишлатилмаган майда нўш пиёзни суқиб қўяди. То соvuқ тушгунча униб, кўм-кўк бўлиб қор остида қолади. Қор кетиши билан ҳовлининг чиройини очгандек барқ уриб, кўм-кўк бўлиб кетади. Она уни авайлаб, кўкидан 3—4 найчасини тирноқлаб олади-да, суюқ овқатнинг юзига кертади. Остидан эса, сал ўтмай яна кўкариб чиқаверади. То кашнич сочиб, униб чиққунча эрмак. Ота ҳам «онангни деҳқончилигини кўр», деб тегишиб қўяди. Табиати равшан бўлса, баъзан раҳондан узиб, ҳидлай-ҳидлай масжидга чиқиб кетади. Бу онага жуда маъқул тушади. Чунки бу отанинг димоги чоғлиги белгиси эди. Хуллас, ҳовлининг ҳусни ўша бир туп ўрик ва бир уй, бир айвон. Тўғри, унинг қаршисида уй

билан айвон сиқиб чиқаргандек кичкинагина ним қоронги ҳужранамо жой ҳам бор, бу Валибобонинг устахонаси. Валибобо бу ерда косибчилик қилади, саҳтиён маҳсилар тикиди. Ҳовлига қараган дераза, деразанинг шундоққина остига устанинг йўғон ёнгоқ гўласидан қилинган, ҳатто пўстлоги шилинмаган иш тахтаси қўйилган. Уста унда иш бичади, чарм текислайди, ёнига пастак курси қўйиб, чок тикиди, қолип қилади, шонга тортади, пардоз беради. Каллаи саҳарлаб урилган кўванинг товуши баъзан кам уйқу ва зийрак Машрабни уйготиб юборади. У наридан-бери ювиниб келиб, отасига қараша бошлиди. Ип эшиб, мумлаб беради, баъзан қўнжалрга енгил-елпи пайванд солади. Бигиз билан сўзан унинг бармоқлари узун, тирноқлари ҳар вақт олинган (отаси мажбур қилиб туради) қўлларида енгил кўчади. Лекин бирисипи¹ тез-тез ешилиб кетавериб, қатим ипини тутмай қолади. Ана шунда отасининг раҳми келади. Ўглиниг қўлидан сўзанни олиб, пухталаб қатим ипига улар экан, ўкинади:

— Қўяқол, болам, бу касб мен билан кетсин. Сен ўқишингни қил, — дейди азбаройи косибчилик жонидан ўтиб кетганидан, — қора қозон бир амалаб қайнаб турибди.

Бу икки оғиз сўзда тонг отардан шом қоронгусигача икки букчайиб чок тикмоқ, шон-қолип қилмоқ ва бозорга элтиб, харидорга сарғаймоққача бўлган бутун азоб-уқубат, диққинафаслик жобажо бўлиб кетади.

Машрабнинг отасига раҳми келади. Чиндан ҳам падарига осонмас. Дам олиш нималигини билмайди. Жума намозига боришини ҳисобга олмаса, эрталабдан кечгача шу дўконда. Қўзининг нурини тўкиб, бир тешикдан икки ип ўтказиб чок тикиди, бармоқларини қорайтиб пардоз беради. Мум ва гулхайрининг рангидан бармоқлари қорайиб, тирноқлари ейилиб кетган. Баъзан бозордан чеҳраси очилиб келмаса, кўпинча қовогидан қор ёғиб, даргазаб қайтади.

— Эл-юртдан яна пул қочибди, харидор йўқ! — деб қўяди. Ана шу пайтда башарасига қараб бўлмайди — унниқиб кетади. Завъфарон ранги тег-тегидан кўқимтирир тортиб, шундай ҳам чуқур қўзлари ич-ичига қудуқдек ботиб кетади. Эшикка кира солиб қийиққа тугилган маҳсиларни деразадан ҳужрага отади, йигламоқдан бери

¹ Сўзан билан қатим ипини улаб турадиган мумланган, лекин тобланган қисқагина ип.

бўлиб уйга киради-ю, устки либосини ечиб чиқади. Ариқ бўйига ўтиб таҳорат олади, кейин бир томонига меҳроб нишона қилиб уч бурчак одми қийиқ ёпиштирилган бўз жойнамозни судраганча уйнинг тўрига ўтиб кетади. Уни ёзиб узоқ намоз ўқиёди, Оллоҳга ёлборади ва охири ўпкаси тўлиб, қўзида ёш билан келиб, дастурхон ёнига чўкади. Йиғтаҳаси бўғилганча қуруқ чой ҳўплаб ўтириб ўтириб, ахийри бир-икки қошиқ овқатдан тотинган бўлади-да, унга юзланади:

— Шунақа, мири кам дунё бу, ўглим. Кимлар пулнинг сассигидан ётолмайдилар, кимлардир қора чақага зор. Ҳунар рўзгор тебратмайдиган бўлиб қолди. Ўқи, зора илминг билан кун кўрсанг. Эсимни танибманки, менинг қўлимда сўзан билан бигиз, икки буқчайиб чок тикаман. Онам мени уқубатга туқдан экан! Худонинг куни кўп, менинг нолам!

Мана бугун ҳам у бозордан бўғилиб қайтди.

— Одамларда инсоф қолмади. Молга харидор йўғ-у, терининг нархи фалон пул. Бу кўнчиларнинг калондимоглиги! Ишинг косиб билан битадиган бўлгандан кейин косибининг аҳволига қарагин-да! «Нақд пулинг бўлмаса, насяга олиб тургин» эмиш! Гўё эртага бўталоқ ёнгоқ қиласидигандек. Нася сал кечикса имонинг сачраб кетади-ю! Тавба қилдим, охирзамон яқинлапиб қолдими ўзи!

Валибобо серташвиш ўз хаёллари билан бўлиб, айвоннинг бир бурчагига мукка тушиб, китоб мутолаа қилаётган ўглини кўрмади.

Машраб мактабдан келибоқ жилдни айвоннинг пеш қозигига илиб, домласидан сўраб олган Хўжа Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикмат»ини зўр иштиёқ билан ўқишига киришган эди. Шеърларнинг равонлиги, ўйноқилигини кўринг! Фикрларнинг равшан ва тиниқлиги чи? Ҳаммаси уни мафтун қилиб қўйган эди. Ўқиши жараёнида ўз-ўзидан қандайдир оҳанг ҳам пайдо бўлди. Хиргойи қисса бинойидек чиқди. Кейин билса, оҳангни бозор бошидаги дарвеш-қаландарлардан эшитган экан. Бир маҳал ўқиб туриб, ўша дарвешларнинг айтиб юрадиганини ҳам кўриб қолди. Бурда нон кутган еридан танга чиқкан тиланчикдек яшнаб кетди. Шу сабаб бўлдими, боя йўлда топиб олган чақа эсига тушиб, уни жилдидан олди, қўлларида айлантириб салмоқлади. Пулмисан пул, ярақлаб турибди! Бола эмасми, дарвешлар айтиб юрадиган шеърни топгани устига бу пулнинг севинчи қўшилиб, яшнаб кетди. Гарчанд чақани топиб олган бўлса ҳам — уники, ҳалол қилиб

оди. Уч марта аста «Кимники? Кимники? Кимники?» деб атрофга аланглаб эди, ҳеч ким индамади. Демак, ҳалол, уники бўлди! Энди бемалол чўнтағига солса, ишлатса бўлади.

Машраб пулни осмонга отиб, кафтида тутиб олди. Ана шунда дадасининг қўзи тушиб қолди:

— Қўлингдаги нима, ўглим?

— Пул.

— Пул? Қаёқдан олдинг?

— Кўчадан топиб олдим. Тепаликнинг олдида ётган экан.

Ота пулнинг қанақалиги ва неча пуллиги билан ҳам қизиқмади, куфири чиқиб кетди:

— Қани, дарров олган ерингга ташлаб кел-чи! Чоп!

— Эгаси йўқ-ку! Уч марта «Кимники?» дедим.

Ота унинг гапига қулоқ солмасди:

— Сенга айтяпман! Олган жойингга элтиб ташла!!

Машраб болалигига бориб, пулидан ажралгиси келмас, қўлидан қочиб кетаёттандек кафтига маҳкам қишиб олган эди. Отасининг эса, бозори келишмай, бу ҳафта тери ололмагани алам қилиб турган экан, устига бу чипқон бўлдими югуриб келиб, бир тарсаки тортиб юборди. Пул Машрабнинг қўлидан учиб кетди. Ота баттар жаҳдга миниб, ўдагайлади:

— Қани, элтиб ташлайсанми-йўқми?

Чеккасини чанглаб қолган Машрабнинг қўзидан тирқираб ўш оқару, ўзи отасидан кўз узолмасди. Отасининг эса, барибир раҳми келмас, тарсаки тортган мум юқи қўллари дир-дир қалтиради. Назарида, ўгли эгри йўлга кириб кетяпти-ю, бугун индамаса, эртага бировнинг чўнтағига тушадигандек, индинга бировнинг ташқарисидаги молини етаклайдигандек. Кўрибсанки, туппа-тузук ўгри-да! Бугун игна ўтираган эртага от ўтирамайди деб ким кафил туради! Ҳаром доим ширин. Охири эса,вой. Қолаверса «уста Валибобонинг ўгли фалончи ўгри бўлиб кетибди!» деган овозадан даҳшатли иснод борми оламда! У кунлардан ўзинг асрар, Худойим!

Валибобонинг хаёлидан бир афсона ўтди. Бечора ва гарип она-бала бор экан. Она ўглини ерга қўйсам — чанг, кўкка қўйсам — тўзон ўтиради, деб юмшоқ ўраб, ширин сўзлаб катта қилиби. Ҳеч сўзини қайтармабди. Бола эсини танигач, бир куни иккита тухум кўтариб келибди. Она «болам, қаердан олдинг?» демасдан, «Яхши келдинг, болам-ей», бугун қора қозонни сувга таш-

лайманми, деб ўтирувдим» дебди уни олқишилаб. Буни кўрган бола онам хурсанд бўлар экан, деб кунда бир нарса кўтариб келаверибди. Она «Қаердан оляпсан?» демабди. Ахийри бир куни қўлга тушиб, дорга осиладиган бўлибди. Шунда ҳоким «Охирги ниятингни айт!» дебди ўғилга. У «Онам билан хайрлашсам» дебди. Онаси қошига келгач, «Шу пайттacha ширин гапириб келган тилингизни бир кўрсам, она», дебди у. Она тилини чиқарган экан, у шартта тишлаб, узуб олибди. Ўз фарзандидан жабр кўрган она қон-қон йиглармиш, четдагилар эса йигитни лаънатлар эмиш. Шунда ҳалиги фарзанд:

— Мени дор тагига олиб келган мана шу ширин тилингиз, она, — деган экан.

Бу афсона Валибобонинг хаёлига Машраб боя «бу пулни топиб олдим!» дегандаёқ довулдай босиб келган ва даҳшат солган эди: наҳот, биттаю битта ўғли шунақа бўлиб кетса!

Машраб ҳамон мункайиб, йиглаб ўтирас, чақа эса қўлидан учуб кетганича ерда ётарди. Ота оёги билан чақани Машраб томонга сурди:

— Ол-да, дарров жойига ташлаб кел!

Кўз ёши сўлагига қўшилиб кетган бола инқилланча ўрнидан турди-да, пулни олиб эшик томон юрди. Умрида биринчи марта отасидан шунақа тарсаки ейиши. Наҳотки, шунақа катта айб қилган бўлса! Кўчада ётган чақани олди, холос. Бировнинг чўнтағига тушибдими ёки девор ошиб, ўғирлик қилибдими? Шунга шунақа тарсакими?

У бола эмасми, шапалоқ еган жойи қанча ачишмасин, пулни барибир кўзи қиймасди. Бир қадоқ кунжит ҳолва ёки тўртта пашмак беради. Ҳолва билан пашмак қанақа ширин нарсаки... Ўртоқларига ҳам берарди, улар хурсанд бўларди. Ҳаммасидан маҳрум бўлди. Шу нарса туфайли тарсаки егани... Ҳамон чаккаси ёнапти. Қизариб кетгандир?

Машраб «қон чиқмадимикин?» дегандек қўли билан юзини сийпаб, бармоқдарига қаради. Йўқ, қонамабди! Машрабнинг назарида, чеккаси ёрилиб кетганга ўхшар эди. Кўзларидан чақмоқ чиқиб кетгандек эди.

У пулни тепалик олдидан топиб эди. Ўша ерга бориб, аста жойига ташлади. Умидини узуб кетолмай, нарироқа бориб қараб турди. Бир-икки одам кўрмай ўтиб кетди. Ундан кейингиси олиб, чўнтағига солди.

Унинг юраги ачишиб, «Ҳой, тегманг, менинг пулим!» деб юборишига сал қолди. Уйга хомуш қайтди.

— Ташлаб келдингми? — деди ҳали ҳам қаҳридан тушмаган дадаси ва бирдан тикиб турган чокига тугун тушиб, сўқинди. Шунча унналиб ешолмади, бир силтаб узди. Машраб ўқиниб, деди:

— Барибир, битта одам олиб кетди.

— Майли, ўша одам олсин. Лекин сен ола кўрма! Ҳаромга ўрганма! — деди Валибобо қатимни текислаб, бошқатдан қулоч отар экан. — Тушиндингми?

Ночор қолган Машраб бўшашибина бош силкиб қўяқолди. Ўглининг ана шу туришини кўрган ота бир галати бўлиб кетди. Ўглини ортиқча хафа қилганини фаҳмлаб, ичида ўзини-ўзи койишга тушди: «Ўғирлаб олмабди-ку! Кўчадан топиби, шунга ҳам ота гўри — қозихонамиди! Жойига ташлаб кел, дединг, ташлаб келибди. Яна танбеҳга бало борми! Айттанингни қилмай юрган бекулоқ боламиди... Яхшиям онаси эшитмади».

Валибобонинг ўглига раҳми келиб, аста деразадан қаради. Ҳовлида йўқ. Ариқ томонга назар ташлади, у ерда ҳам кўринмади. «Хабар олай, тагин уйнинг бурчагига тикилиб, «Гарифингман» деб йиглаб ўтирган бўлмасин! Кўнгли бўш бола» деб энди ўрнидан қўзголмоқчи эди, Машрабнинг аллақаердан йўтали эшитилиб қолди. Бундоқ эгилиб қараса, ариқ лабидаги эски бўйра устида мукка тушиб, китоб ўқияпти. У дўкондан чиқиб, «Вой, жоним-еий!» деганича белини ростлаб кериши. Увишиб қолган оёқларини ёзди. «Оҳ, онажоним-а, мени меҳнатга туққанмидинг!» деб нола қилиб қўйди. Бу орада кўзига осмонда чаппор урган икки кўк каптар илинди. «Шуларнинг ҳам армони бормикин?» деб кўнглидан ўтказди у. Каптарлардан сал нарида битта варрак бўтилиб учмоқда. Каптарлар гўё у билан осмон талашаётганга ўхшайди. Ана шунда отанинг кўнглида ўглига варрак ясад бериш, шу билан уни хурсанд қилиш режаси туғилди.

У ҳовлига тушиши билан ўрикнинг пастки шохига ўтирган икки мусича олдинма-кейин париллаб кўтарилиди, сўнг томнинг четига қўниб, бир-бирига хушомад қилди, бири йўргалаб, бири қувиб кетди. Ота ўглининг диққатини тортиш, кайфиятини билиш ниятида бир-икки томоқ қирди, лекин у пайқамади. Китобга шунчалик берилиб кетибди. У тепасига бориб, елкаси оша китобга тикилгандағина сезди ва салом бериб, иргиб турди:

— Келинг, дада!

— Ҳадеб китоб ўқийверасанми, ўглим, миянгни суйилтириб? Кӯчага чиқ, ўртоқларинг билан ўйна! Мен сенинг ўрнингда кӯчадан бери келмасдим. Баҳор-а! Ўйда ўтирганинг юраги қафасга тушгандек сиқилиб кетадиган пайт-ку.

Зийрак Машраб отасининг сўзлари остида ётган маънони дарров уқди. Боя ортиқча ҳаракат қилиб юборгани эвазига энди хижолат чекяпти.

Машрабнинг кўнгли бўшашиб, ўпкаси тўлди. Буни яшириб, китобига энгашди, ўқиб келган ерига хатчўп ташлаб, уни ёпди.

— Варрак қилиб берайми? — деди дадаси, — ановини қара, зап варрак эканми, шундай шамолда қилт этмайди-я! Ўзи ҳам даканг экан. Вагиллашини кўр, осмоннинг қулогини тешиб юбораман дейди.

— Қулаҳмадники, — деди Машраб варракни таниб.

— Ўртоғинг Қулаҳмадми?

— Ҳа, ўзининг ҳам бир қалава ипи бор.

— Варрак қилишга уста экан.

— Ақаси ясаб беради.

Отанинг хаёлидан «Унинг варрак ясаб берадиган ақаси йўқ» деган фикр ўтди-ю, нобуд бўлган катта ўглини эслаб хомуш тортди. Ичидан уҳ тортиб, Машрабга:

— Бор, ўглим, аnavи бўғотдан битта яхши қамиш сугириб кел, — деди, — ўзим сенга шундай варрак қилиб берайки, кўрганларнинг оғзи очилиб қолсин!

Машраб бола эмасми, ҳалигина бўлган гина-кудуратни дарров-да унутиб, югуриб кетди.

— Китобингни қолдириб боравер, болам, — кулди дадаси.

Машраб китобини ерга қўйса увол бўлишидан, уч марта ўшиб, дадасига узатди.

У ошхона томининг бўғотидан қамиш сугириб келгунича Вали бобо устахонадан ширач билан бир чети учган сопол пиёла олиб чиқди. Ичидаги эски ва қотиб қолган ширачни кўчириб ташлаб, янгисини қорди. То маромига еттунича бармоги билан қориштириб, оз-оздан гоҳ сув, гоҳ ширач сепиб, кўнглидаги ҳолга келтирди. Машраб олиб келган қамишнинг қуриб ётган пўстини сидириб ташлаб, бўртиб чиқсан бўғинларини газан (у нечундир пичноқ ўрнига ўз косиб асбоби — эски газанни ишлатмоқда эди) билан текислади. Узунасига учга бўлди. Қоғозга мос қилиб кесиб, қамишнинг

ич томонини қоғозга яхшилаб ёпишадиган қилиб силлиқлади. Айни тобига келган ширачни яна бир марта бармоги билан аралаштириб, кейин қамишга юпқа сурди. Қамиш қоғозга яхши ёпишсин учун текис ерга қўйиб орқасидан кафти билан авайлаб силади.

— Даканг бўлсинми? Сен яхши дум топсанг... думнинг ҳам осмонда ликиллаб туриши чиройли бўлади.

— Менга барибир, учса бўлди, — деди Машраб.

— Нима, варакка ҳушинг йўқми? — унинг бепарволовигидан ажабланди у.

— Йўғ-а, нега? Яхши кўраман, — деди Машраб ва ўзининг лоқайдлигини дадаси пайқаганидан хижолат тортиб қизариб кетди. Ростини айта қолди: — Китобнинг энг қизиқ ерига келган эдим!

Валибобо ялт этиб ўғлига қаради. Унинг ёниб турган кўзларида чала қолган китобдан кўнгил узолмаслик ва яна аллақандай орзиқиши бор эди. Хаёли ўша китоб саҳифаларида узилиб қолган, қулогига ҳамма нарса киравермас эди.

— Дада-чи, дада, биласизми, — деди у ниҳоят ҳаяжонини яширолмай, — Зулайҳо бир уйда ўтириб, кўчада ўттан отлиқлар орасидан Юсуфнинг ўтганини билади-я!..

— Оти йўргадир-да.

— Ҳамма гап шунда-да! Оти бошқаларницидан фарқ қилмайди. Қаёқдан биласан, дейишса, Зулайҳо, ҳамманинг оти ерга оёқ қўйиб юрса, Юсуфники менинг кўксимдан босиб ўтади, садоси юрагимдан келади, деб жавоб қилади. Зулайҳо Юсуфнинг маъшуқаси-да!

Умрида бирон китобни охиригача ўқимаган, лекин тирикчиликдан қўли текканда озми-кўпми саводини чиқариб олган Валибобо ўғлининг фикри ва ҳиссининг барвақт уйғонганини кўриб суюнди. Унинг ошиқ-маъшуқ Юсуф ва Зулайҳо ҳақидағи китобни ўқиётганини ҳам билди. Бу китобни у кўрмаган, лекин довругини эшигтган эди.

— Китобни домланг бердими, ё ўғринча ўқияпсанми, ўглим, катталар ўқийдиган китоб-ку?

— Ўзимча ўқияпман, лекин домламдан олдим. Жуда қизиқ экан. Сиз ўқиганмисиз, дада?

— Бизнинг китоб ўқишга фурсатимиз бўлибдими, болам, кунимиз ўтганига шукр қилиб юрибмиз.

Ота ўғлининг варракка эмас, китобга ишқибозлигини кўриб турган бўлса-да, варракни қунт билан ясади. Унинг хаёлида икки фикр чарх уради: бири ўғлининг

шундай машҳур китобларни топиб ўқийдиган бўлганидан ифтихор бўлса, иккинчиси хавотир эди — ошиқматъуқлар ҳақидаги китоб унга мос келармикин? Фикрини бевақт чалгитиб қўймаса эди. Йўқ, чалгитмайди, модомики домласидан олган экан, домласи билади. Ахир, Бозор Охунд кичкина муллами?! Гапирганда оғзига эл қараб туради. Ўзи Қуръондан масалалар айтади. Шаҳарнинг манман деган казо-казолари болаларини унга таълимга беришади. Сал тезлиги, чўртке-сарлиги бор, холос. Йисофсизлару нодонларни, бидъатни кўрса қуруқ ҳазондек гуриллаб ёниб кетади. Масалан, тунов қунги ёнишини олинг. Маҳалла имомини тўгри койиб берди. Марҳумнинг ўзи бечораҳол одам бўлса-ю, унинг қирқига биттаю битта наматини сотиб бўлса-да худойисини қилинмиш, савоби улуг бўлармиш! Ўзи бўйрада ўтирадими! Охунд тўгри айтади: малол келадиган савоб хато. Марҳум сенинг ёғлиқ паловинг, безатилган дастурхонингга эмас, икки калима Қуръонингга муҳтоҷ, сендан дуо талаб. Марҳумнинг хотираси катта дастурхон ёзиб эсламмайди. Бу гуноҳ, такаббурлидан бошқа нарса эмас. Бунга йўл қўймоқ — уламонинг хатоси.

Валибобо шундай хокисор ва билимдон одамда ўғли таълим олаёттанидан, бунинг устига ўглини «зехни ўткир» деб Охунд яхши кўриб қолганидан хурсанд. Ана шунда хотини «ўглимнинг зехни ўткир бўлсин» деб гурунч ювилган сувни ичирганларини эслади. «Эҳтимол шундандир» деди-ю, лекин ишонмади ва мийигида ўзича кулиб қўйди. Ана шу ўғил мана зехни-ҳофизасини намойиш қилиб, «Юсуф ва Зулайҳо»дан гап айтаяпти. Модомики бу китобни Бозор Охундек одам берган экан, беҳикмат эмас. Ўқиши керак, билиши керак.

Ота шу ўйлар билан назарида бир погона кўтарилиб турган ўглига қаради. У, гарчанд отасининг варрак ясаёттанини кузатиб турган бўлса ҳам, қўзлари бир нуқтага тикилиб қолган, ким билади хаёли қаёқда эди. Қаёқаси нимаси? Албатта чала қолган, орасига хатчўп солинган ўша «Юсуф ва Зулайҳо»да бўлади-да.

Валибобо ўгининг диққатини тортмоқчи бўлиб, гап ташлади:

— Ҳамманикidan баланд чиқмаса, асти ҳисобмас, — у охирги бурчакка қамишини ёпишириб, қўлига олди. — Ма, тош бостириб қўй, сал қурисин. Дардарағини кейин ўзим яхшилаб тортиб бераман!

Машраб варракни дадаси кўрсатган ерга элтиб қўйди. Шу вақт намозгар азони масжид минорасидан янграб, тик турган ота дарров айвон четига ўтирида ва ўглини ҳам ундади:

— Ўтири, аzon айтиляпти!

Машраб ҳам тик турган ерида чўнқайди. Азон айтилиб бўлгач, дадаси билан баробар юзига фотиҳа тортиб турди. Ота таҳоратини янгилагани ариқ бўйига кетди. Машраб эса китобни қўлтиғига қисиб, уйга ўтди ва хонтахта ёнига мукка тушди.

Варрак эса эртасига ҳам эсиға келмади. Буни кўрган Валибобо «китоб ўқийвериб мияси суйилиб кетишидан» қўрқиб, бир томондан раҳми келиб, ўглини чалгитмоқчи бўлди. У яхши билади, ўгли жуда таъсирчан, куйинчак, бир нарсага киришса, ё ёпишиб қолиб кетади, ё узиб олади. Буни Отин ойи илгарироқ айтиб эди.

— Ўглингизнинг зехни ўткир экан, почча, каттароқ домлага беринг, мендан оладиганини олиб бўлди, — деди у. Отанинг биладигани ким — Наманганднинг катта домласи ўша машҳур Мулла Бозор Охунд-да. уни маъра-каларда кўп кўрган. Масалалар айттанини эшитган. Қашқарлик Офоқхўжа пиrimга қўл берган, азиз зотлардан. Ташқарисида мактаб тутади. Обрўйи ҳам баланд, не-не уламолар ҳурмат қиласи, нафаси ўткир. Лекин унингдек бир гарibu бенавонинг боласини шогирдликка олишга рози бўлармикан? Бўлса керак, ахир ваъзларида фуқаропарвар-ку.

Ота минг бир андиша билан бир сават иссиқ нон, устига бир кийимлик бекасам қўйиб, ўглини одига солиб олиб борди. Узоқдан икки буқчайиб салом берди. Унинг ёнида кечагина ҳаммомга тушиб, оҳорлик кийган Mashrab қоп-қора кўзларини мўлтиллатиб турарди. Ўзи бўтакўз ва серқош, устига қора чопон, бошига сўфиёна такя билан эгнига оппоқ бўз кўйлак-иштон кийган Мулла Бозор Охунд довруги шаҳарни тутганига қарамай қалондимог эмас экан.

У буларни очиқ юз билан қарши олди ва кунгай айвонга таклиф этди. Айвоннинг ёнидаги хонадан талабаларнинг бири олиб, бири қўйиб паст-баланд овоз билан қироат қилаётгандари бемалол, ҳатто шовқинга ўхшаб эшитилиб турар эди. Бу товуш Mashrabга таниш: улар Отинбибидан ҳам худди шундай ўқишарди. Ҳатто булардан ҳам шўҳроқ овоз билан ўқиши қилишарди. Отинбибининг қулоқлари сал оғирроқлиги-

данми ёки аёлликларига борибми бу шовқин-суронларга ортиқча ажамият бермас, баъзан-баъзан «Хой, зумрашалар, ўтирасанларми, йўқми?» деб узун гавронини қалтираган қўллари билан кўтариб қўярди. Лекин Машраб Отинбиининг бирон-бир болани уриб, қақшатганини билмайди. Машрабга-ку жуда меҳрибон эди, «ақлли болам, билимдон болам», деб ёнидан нари силжитмасди. Ҳатто баъзи қолоқ болаларни унинг ёнига ўтқазиб, «ўргат!» деб айтарди. У болаларнинг баъзиси Машрабдан бир ёш-яirim ёш каттароқ ёки тикроқ бўларди. Мактабда жим ўтиrsa ҳам озод бўлиб қўчага чиқишигач, «Пакана домла» деб тутиб олиб уришар, кўзи кўкариб, уйига қайтган чоғлари ҳам бўлар эди. Лекин ким урганини на Отинбиига, на дадасига айтган.

Мана, меҳрибон Отинбиби энди нариги маҳаллада қолди. Энди машҳур Бозор Охунд домланинг ҳузурида, минг бир хаёл, минг бир умидлар билан турибди. Отанинг бошида «Домла, илоҳим рад этмасин» деган андиша бўлса, Машрабнинг хаёлидан «Домланинг феъл-автори қанақа? Сержаҳл эмасмикан? Урмасмикан?» деган фикрлар ўтарди.

— Қулбаччангизни олиб келган эдим, тақсир! — деди ийманиб Валибобо.

— Кўриб турибман, кўриб турибман! — деди серсоқол ва ориқ юзларини нурга тўлдириб Охунд. — Жуда яхши-да. Бандаи мўминнинг боласи оқ-қорани таниши керак. Уларга кўмак бермак бизнинг бурчимиз.

— Қуллуқ, тақсир! Бошим осмонга етди, — яна эгилиб таъзим қиди отаси.

Охундга бу малол келдими, юзини Машрабга бурди:

— Қани, ўглим, айтинг, исмлари нима?

— Бобораҳим.

— Яна бир исми бор, тақсир, Машраб! — деб уни тўлдириди ота.

— Ҳа, ҳа, қулогимга чалингани бор. Онасининг қорнидалигидәқ гапирган бола шуми?

— Ҳовва, тақсир, ҳовва!

— Оллоҳ таолонинг шунақа мўъжизалари ҳам бўлади, биз бандалари гоғимиз, холос!

— Албатта, тақсир, албатта, — ота ҳамон қўлини кўксига қўйиб, эгилиб, кўзини домладан узмасди. Ҳатто ўзи узоқдан кўриб, ваъзини эшишиб юрган муллани ёқтириб қолган эди. Туришини қаранг: соддагина

кийинган, ҳатто қўпчилик уламо пеш қилиб ўрайдиган катта салласи ҳам йўқ. Валибобо «муллалар фақат ёт-гандагина салласини олиб қўяди» деб эшифтганидан Охунднинг чаккаларига оқ оралаган бошига алоҳида қараб қўиди. Мана бундоқ юрса ҳам бўлар экан-ку. Ёки Охунд ўзи шунақа муллаларданми?

Охунд Машрабни имо қилиб ёнига олди-да, Валибобога ижозат берди:

— Озми-кўпми таҳсил кўрган экан, энди буёгини ўзимиз сухбатлашамиз. Сиз бораверинг, тирикли-гингиздан қолманг. Бизни тилимиз, сизни қўлингиз боқади, — деди мийигида чиройли кулиб. Кейин уч энликина келадиган мумдек қоп-қора ва қалин соқолини беш панжаси билан тутамлаб силаб, яна ўша оҳангда қўшди: — биз эрталаб кеч келгандарни хуш кўрмаймиз!

Валибобо тушунмади: бу ибора унга қаратилиб айтилдими ёки Машрабга? Ҳарҳолда, маъноси аён бўлди. Ота яна пастроқ эгили.

— Албатта, тақсир, албатта! Сиз нима десангиз ҳақсиз, тақсир!

— Йўқ, йўқ, ҳеч ҳам ундаи эмас. Битта Оллоҳ таолонинг ўзи хато қилмайди. Биз бандай ожиз доимо ҳушшёру гуноҳ қилсанк узрига ҳозир туришимиз шарт. Биздан хато ўтса, кўрсатиш, бу савоб. Сиздан хато ўтса биз... Саботдан нажот, саховатдан улуғлик, адолатдан фатҳу галаба бунёдга келади, азизим! Илму маърифат ва ҳақиқатга риоя қилмаган уламою фузало чиройли ва мушки анбарини йўқотган бўстонга ўхшайди.

Охунд Валибобога ижозат бериб, Машрабни олиб қолди. Ота «Қуллук! Қулбаччангизни ихтиёрингизга топширдим, тақсир. Эти сизники, суяги бизники!» деганича одатий гапни тақрорлаб, орқаси билан тисарилуб, ковушини оёғига илди...

Варракнинг дардарагини эҳтиёткорлик билан тортаётган отанинг хаёлидан бу лавҳалар бир-бир тизилиб ўтди. Шундан бери Машраб Бозор Охундда ўқииди. Шу кейинги йили жуда китобхон бўлиб қолди. Унинг қулогига кирмаган китобларни аллақаёқлардан топиб келиб ўқигани-ўқиган, шом қоронгуси тушса ҳам кўзини узмайди. «Хой, болам, кўзининг нури ҳали сенга кўп керак бўлади» десангиз, кулиб аста ёпади. «Қоронги тушганини билмай қолибман» дейди. Наҳотки, киши китоб ўқиб туриб қоронги тушганини пайқамаса!

Валибобо дардаракни тортиб бўлиб, варракни бир айлантириб вагиллатди-да, ўглининг қўлига тутди.

— Ўзи ҳам зап варрак бўлиди. Ма, кўчага олиб чиқиб учир. Ҳамманикидан баланд учмаса, асти ҳисобмас! Шамолни қара, ўзингни ҳам қўшиб учирив кетаман деб туриби.

Машраб варракка, умуман шунга ўхшаган ўйинларга ортиқча ишқибоз бўлмаса ҳам отасининг қўлидан варракни олди. Бир қалава чийратма иш билан кўчага юрди. Унинг орқасидан ҳам фахрланиш, ҳам хавотир билан қараб қолган ота, ўзича гурурланди:

— Бу кимга ўхшайди. Худди китоб жиннисининг ўзи?! Боламас, катта одам. Ишқилиб, охири хайрли бўлсин!

Кўчага чиққан Машраб эса аллақачон варракни қўшни болага бериб, ўзи бир четда қўлтигидаги китоб билан машгул эди. Унинг на варракнинг осмонга чиққанидан, на шоҳ ташламай текис учәётганидан хабари бор эди. У китоб огушида маст-аласт, қўзи кўр, қулоги кар эди.

III

ШАЙДО КЎНГИЛ

Ёрнинг ўзидан ҳам хаёли ширин!

Машраб бу гапнинг маъносини энди яхши билади.

Арзигул ўша куни тут силкитиб берганидан бўён уни бир кўришга интизор. У қани? Қаерда юрибди? Қуш бўлиб осмонга учиб кетдими, балиқ бўлиб сувга шўнгигб кетдими?! Ҳеч ерда йўқ. Кимдан сўраб-суринтиришини билмайди. Бир неча бор ўша кўчадан ўтди. Узоқдан ўша тут шунаقا жозибадор бўлиб кўриндики, устида ҳамон Арзигул тургандек, етиб боргунча ўпкаси узилади. Борса ҳаммаёқ жимжит. Фақат тутнинг япалоқ ва қалин барглари шамолда савлат тўкиб тебранмоқда. Бу тутли ҳовлининг эшиги кўзига шунаقا чиройли кўриндики, оламда бунақаси йўқ — нурдан ясалиб, олтиндан безатилгандай! Ҳар кўрганда юраги шигиллаб, гуп-гуп уриб, кўзлари тиниб, хаёли жавлон уради. Бўлмаса кўриб туриби, эшик эскигина, тўкилиб кетай деб турган эшик, кесакилари ҳам лиқиллаб қолган. Бувасидан ҳам қаридир! Лекин уни Машрабнинг қўзи билан кўрсантиз!

Ана, тут ҳам охир бўлиб, чумчуқлар чугурлаши ҳам эшитилмай қолибди. Пана шохида қандайдир иккита ола қуш қанотларини ёзиз, ўзини офтобга солиб ўтирибди. Гоҳ-гоҳ патини чўқилаб қўяди. Ҳовли сув қуйгандек жимжит. Бу ерда одам зоти борми ўзи? Машраб бир келганида юрак ютиб, ўша кўзларига галати жозибадор бўлиб кўринган эски эшиқдан мўралади. Ҳеч кимни кўрмади. Шунда ичидан садо бериб бир товуш келди: ҳой бола, нима қиляпсан? Бирон одам кўриниб, «Хўш, келинг йигит, хизмат?» деса нима бўлади? Борди-ю Арзигулнинг ўзи кўриниш берганда унга айтадиган сўзи борми?

Машраб ҳушёр тортиб ўзини ўнглади ва эшиқдан шошиб йироқлашди. Ҳар ўтган қизни унга ўхшатиб, юраги дук-дук уриб шу атрофда юрди.

Ҳа, тўғри-да, Арзигулга айтадиган сўзи борми?

Машраб бундоқ ўйлаб кўрса, айтадиган бирон сўзи йўқ. Фақат уни кўргиси бор. Шу илинж уни етаклаб юрибди. Борди-ю учратиб қолса нима дейишини ўйлаб ҳам кўрмабди. Ёки уни кўрганда сўзининг ўзи ёғилиб келадими? Тил ўшанда пайдо бўладими? У ўқиган «Юсуф ва Зулайҳо», «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин» китобларида ҳам бу ҳақда ҳеч нарса йўқ. Лекин ҳаммаси бир-бирига интилади. Висол ҳажрида ёнади, кўрганда эса гоҳ сўз топади, гоҳ йўқотиб қўйиб, бир-бирига термулишиб қолади. Газалларда-чи? Интилади, куяди, ёнади, фарёд уради.

Бундоқ ўйлаб қараса, Машраб ҳам ўшаларга ўхшаб қолибди. Айтадиган гапини билмайди, лекин нуқул Арзигулни кўргиси келади. Шу тутли кўчага хаёли қочади. Тутли кўча эса гунг, соқов, бир нидо бермайди.

Баъзан Машраб ўйлаб қолади ва қўрқиб кетади: айтайлик, У Арзигулни учратди. Унга ўз дардини изҳор қила оладими? Қила олишга журъати етадими? Бир амаллаб, юз бир ҳаёв ва андиша билан «Мен Сизни яхши кўриб қолдим. Изингизни излаб юрибман» деса, Арзигул «Қизиқ йигит экансиз-ку, бир кўрган қизингизни яхши кўриб қолаверасизми? Менинг бошним берк. Тошингизни теринг!» деб этагини қоқиб ўтиб кетса-чи, нима бўлади? Қайси юзи ва тили билан узр сўрайди-ю, қайси оёқлари билан орқага қайтади! Оёқлари юрармикан, уни кўтариб қайтишга қуввати стармикан? Етолмас! Машраб мана шуларни ўйлаб, ташвиш дарёсига гарқ бўлиб кетди. Кўчани ёқалаб, ўзининг майингина найини чалиб оқадиган таниш

ариқ бўйига ўтиб, чўнқайиб ўтириди. Тунов кундагидан ҳам говлаб, ҳам қариб, барглари тўкила бошлаган ялпизнинг нимжон шохидан узиб ўтириди: ҳали ҳам ҳиди бор-а! — Машрабнинг кўнглидан ўтди. Севги ҳам шунақа бўлармикан — қариганда ҳам ўз лаззати ва латофатини йўқотмасмикан? Ёки баҳорда очилган бинафшага ўҳшаб, бирпасда елдек ўтиб кетармикан? Машраб ўтиб кетишига ишонмади. Севги — олов, гуриллаб ёнган оловни сўндириш ўнгайми?!

Машраб хаёли Арзигулда бўлса ҳам, сувнинг бир текисда нурли тасмадек тўлғониб оқишига қараб туриб, қўли соҳида япалоқ бўлиб ўстган, гуж отқулоққа ўҳшаш ўтнинг бир донасини узмоқчи бўлди. Унинг эти узилса ҳам орасида узун-узун иплари бор экан, ўшаниси ушлаб қолди. Уни юлқиб шартта узди-да, кафтига оди. Машраб билади: мана шу ўт дори. Онасига табиблар дамлаб ичишни буоришган. Шунда онаси анча енгил тортиб, кўзларини очди ва Машрабни бағрига босиб, «мана тузалиб қолдим, ўғлим, яқинда оёққа туриб кетаман. Сенга чиройли кўйлак-иштон тикиб бераман» дедви.

Қизиқ, шу ариқлар бўйида ўзи чиқиб, ўсиб ётадиган мана шу гиёҳнинг нимаси дори, буни кишилар қаёқдан билган? У нимага дори? Эҳтимол, мен дамлаб ичсам, Арзигулни топишимга, арзимни айтишимга нафи тегар. Эҳтимол, унинг қаердалигини, қайси йўлдан борсам топишим мумкинлигини кўнглимга солар, севгимнинг ҳамроҳи бўлар?

Шу нурли фикр Машрабнинг хаёлида бирдан чараклаб кўнглини ёритиб юборди. Томирини журъатга, вужудини умид нашидасига тўлдириди. Гиёҳнинг бир четидан оппоқ ва бир текис тишлари билан тишлаб, тиллари билан тамшаниб, тотиб кўрди, на таъми бор, на ҳиди! Онасини боққан табиб «баргизуб» деб галати бир қироат билан келиштириб айтиб эди.

Машрабнинг хаёлини оёқ товуши бузди. Бундоқ қараса, ундан беш қадам нарида тунов кунги кекса хотин келяпти. Сарпойчан, оёғида эски кавуш, кўйлаги ер супургудек узун ва нимдош, бошида кўҳнагина рўмол, рўмолининг остидан соchlари тўзиб чиқиб туриби. Ўзи терлаб, чекка соchlари ёпишиб қопти. «Саватда яна нима олиб келяпти, бу тинмаган кампир?» деб хаёлидан ўтгунча бўлмай, кампир саватни бошидан олиб ерга қўйди.

— Вой ўлсин, тинкаларим қуриб кетди. Неварала-

рим қўлимга қарайди, деб олақолган эдим, белларимни узиб юборди. Бу ерда нима қилиб ўтирибсан, болам. Шу ерда турсанми?

Машраб бу савонни кутмаган эди, шошиб қолди:

— Мана бу эшиқда битта ўртогим бор эди, — деб ўша тутли ҳовлини кўрсатди. Кампир унинг сўзини илиб кетди:

— Бу ҳовлида бола йўқ-ку, айланай, адашгандирсан. Бу ерда битта сўққабош кампир туради. Суриштириб берайми? Сен мана бу саватга қараб тур.

Кампир терини артиб, «ўртогингнинг исми нима?» деб ҳаракатга тушиб қолди. Машрабнинг капалаги учиб кетди. Жонҳолатда:

— Овора бўлманг, холажон, ўзим суриштириб оламан. Саватингизни нарироққача элтиб берайми? — деди.

Кампир Машрабнинг хатти-ҳаракати ва сўзидан «сенинг бу ҳовлида бошқа дардинг бор!» деган фикр миясига келган бўлса керак, кулиб қўйди. Саватни қўлидан олган Машрабнинг кетидан эргашиб, қувона-қувона йўлга тушди. Тутли ҳовлининг эшиги рўпарасига келганда сал тўхтаб, яна деди:

— Хўп десанг, кириб чиқаман. Сен секин-секин боравер.

— Йўқ, йўқ, холажон. Сиз овора бўлманг. Овора бўлганингизга арзийдиган иш эмас.

— Тунов куни ҳам шу ерда ўтириб эдинг. Бутун ҳам. Ишинг бордирким, бўзчининг моккисидек серқатновсан! Яширмай айтавер, болам. Кўзингдан ёмонлик қилалигидан болага ўҳшамайсан. Ўзинг кимнинг ўғлисан? Уйинг қаерда?

Машраб жавоб берди. Шунда кампир кенг енги билан иссиқдан бурқсиб турган юзини елпишга тўхтаб, кулимсиради:

— Кампирнинг чиройли-чиройли қиз набиралари кўп, ўшаларнинг дардида келиб юрган бўлма! — кампир товшини сирли пасайтириб, Машрабнинг қулоги остига бошини эгиб яна деди,— лекин биттаси бор, бай-бай! Ҳофизни ёд билади. Худди булбулигё. Ҳусни ҳам бир жаҳон. Тушган уйини яшнатади.

Машраб ўша куни чала кўрган Арзигулнинг тасвирини эшитаётгандек қизариб кетди, тер босди. Буни хола сезди. Йигитчани ортиқча хижолат қилмаслик учун саватини баҳона қилди:

— Анча оғир эканми, болам, бирпас дамингни оласанми?

— Оғирмас, йўқ, иссиқдан...
— Ҳа, кун исиб кетди. Энди буёги саратон, болам.
Ез ёзлигини қилгани яхши.

Шу маҳал баланд қайрагочнинг устига уя қурган лайлак бесўнақай тумшугини осмонга қилиб, тақиллатиб қўйди. Кампир кулди:

— Кун исигани рост, болам, ана лайлак ҳам томоги қақраб, осмонга карнай қиласпти.

Айрилишта етганда хола яна ўша гапни такрорлади:

— Мен бу ёқса кетаман, болам, беракол. Илоҳим, умр берсин, қидирганингни топтил.

Хола кўксига тушган рўмолининг учини бир силаб, орқасига ташлади-да, энгашиб, саватдан икки ҳовуч олтиңдек ўрик олиб, Машрабнинг дўпписига тўклиди. «Йўқ-йўқ»ига қарамади.

Олавер, болам, менини табаррук, менинг ёшимга етиб юр. Яхши йигитча экансан, — саватни бошига қўяркан, яна Машрабга сирли шивирлади: — агар илинжинг Тўти кампирнинг ўша жиблажибон қизида бўлса, Хайри отинда ўқийди. Чорсуда Хайри отин борку, ўша уйида мактаб тутган. Ўша ердан топасан.

Кампир кетатуриб, шунақа сирли, шунақа бир галати табассум қилдики, Машрабни сехрлаб қўйди. Унга оқар дарёга тушиб кетган антиқа узугининг кўзини топиб бергандек бўлди. Ҳозир топиб борадигандек унга раҳмат ҳам айтмай елиб қолди. Орқасидан кампир ял-ял ёниб, ўзича пичирлади:

— Йўқотган хазинасининг калитини топиб бердим шекилли!

Боя оғзининг сувини келтирган олтиңдек ўрик ҳам энди Машрабнинг кўзига кўринмай қолди, уни шартта ариққа тўкиб, дўпписини кийиб олди. Унинг хаёличувалашиб кетган, фикри жуда чаққон ишларди. Энди нима қиссин? Тўгри ўша Чорсуга бораберсинми? Борса Хайри отинникини топармикин? Топади. Топмаса, суриштиради. Отиннинг ҳовлисини ҳамма билса керак.

«Чорсу қайдасан!» деб йўлга тушди. Унинг кўзи ҳеч нарсани кўрмас, қулоги эшитмас эди. Фақат хаёли номаълум отиннинг номаълум кўчасида, у ҳали бир марта кўрмаган эшиги ва ўша эшик ичкарисида жавлон уради: Ана, қизлар чувиллашиб ўқишипти. Ҳаммаси бир-биридан чиройли қизлар. Лекин энг чиройлиси ва отиннинг меҳрини товлаган хушмуомала ва тадбиркори Арзигул. У ҳаммадан ажралиб, атрофи-

га латофат сочиб, файз киритиб ўтирибди. Отиннинг у билан ортиқча иши йўқ. Унинг отинча бўлишига шубҳа қилмайди, ўз ўқиганини ўзи билади, у йўрга, йўрга отга қамчининг зарурати йўқ.

Машраб боради. Хайри отиннинг эшигини топади. Хўш, ундан кейин нима қиласди? Чақирадими? Чақиришга журъати етадими? Борди-ю, чақирди. Арзигул кулиб-яшнаб чиқиб келармикин, ё қовогидан қор ёғиб «Сиз кимсиз ўзи?» дермикин. Унда нима бўлади? Йўқ, яххиси йўлда кутиш, йўлини пойлаш керак. Агар унинг жиндай меҳри бўлса, ўша куни кўнглига тариқдек бир нима тушиб жиз этиб кетган бўлса, белги беради: ё қизарип кетади, ё шошинқираб кетади, ё сирли бир табассум қилиб қочади. Хуллас, бир белги беради, тўргиси, бу белги унинг ихтиёридан ташқари ўзи пайдо бўлади. Шу кифоя! Отингта кейин қамчи босавер, Машраб! Марра сеники!

Бир-биридан ширин ўйлар огушида бораётган Машраб Чорсуга келиб, чорраҳада туриб қолди: «Қайси кўчада экан?» Журъат этиб, қийшиқ ҳассасини дўқиллатиб кетаётган бир чолдан сўради. У ҳассаси билан тўғридаги эшикни кўрсатди. «Омадни қара, тўгри топиб келибманми!» деб юборди кўнглида Машраб.

У чол кўрсаттан эшикка етиб бориб эди ҳамки, ичкаридан ўрта ёш-бир киши қамти чиқиб келди:

— Хизмат?

— Синглимга келувдим... — бўшашиб жавоб қилди Машраб.

— Озод бўлишгани қачонлар эди-ку.

Машраб энди билдики, Арзигулнинг дарагини топганига қувониб кетиб, уларнинг аллақачон ўқишини тутгатиб ўй-ўйларига тарқалишганини, вақт алламаҳал бўлиб қолганини ўйламабди ҳам. Ҳа, рост-а, кун оғиб қолибди-ку! Ҳадемай намозгар киради!

Машраб тарвузи қўлтигида тушса ҳам умиди чараклаб уйига қайтганида дадаси эртаги чоршонба бозорнинг ташвишида шонга урилган маҳсиларига ҳафса сала билан пардоз берар эди. Бозоролди бўлганиданми, ёки ширин хаёллар ғамгузор кўнглини ёлғончи вайдалар билан аллаляптими, аллақандай ашулани хиргойи қиласди. Ўглини кўриб:

— Келдингизми, ўғлим? Бугун кечроқ қолдингиз, тинчликми? Ўқиш кўпайиб кетдими? Майли! Майли! Овқатингиз қозонда. Кутдим-кутдим, келмадингиз, кейин... Ҳали илиқдир. Олиб еяқолинг. Бир кафтина

гурунч солиб палов қилиб эдим. Тузига сал бепарво-роқ бўлибман. Бир-икки пиёла ортиқроқ чой ичворақоласиз, — деб кулди.

Машраб билдики, отасининг кўнгли равшан, кайфияти яхши. Ана шунаقا пайтларда ўғлини сизлаб галиради. Бу сизлашда ўғлининг улғайиб қолганидан фахрланиш, ўзи кўрмаган ёруғ кунларини унга насиб этишидан умидворлик, ёнидан қаноти ўсиб чиққанидан мамнунлик, қолаверса, ошиб-тошиб кетмаса ҳам сог-саломат юрганидан, битта қора қозон бўлса қайнаб турганидан шукроналик бор. Кейин билса, дадаси жиндай наяки ҳам қилган экан! Нам ҳужрада икки буқчайиб ўтиравериб юраги сиқилиб кетса керак-да! Баъзан-баъзан шунаقا одати бор, кўп эмас, ойда, ҳафтада бир!

Машраб туни билан уйқуси ола-говур бўлиб, тини-қиб ухломади. Боши оғир бўлиб турди. Отаси бомдод намозидан қайтгунча чой дамлаб, дастурхон ёзиб турди. Юзига седана сепилган иккита иссиқ ноннинг устига бир бош оқ чиллаки қўйиб, Валибобо кириб келди.

— Барвақт туриб қолибсиз, ўглим? — деди Валибобо нонни узуми билан дастурхонга қўяркан. Кейин оппоқ салласини дўппидан ажратиб қозиққа илди.

— Билмадим, уйқум қочиб кетди, — деди Машраб ноилож.

— Тўйиб ухланг, ақлингиз тўлсин, деб уйғотмаган эдим. Кеча толиққансиз, ўглим! Киши ортиқча толиқса ҳам уйқу қочади. Ўзингизни ортиқча уринтирманг сиз, менда битгасиз-а! Сиз ҳолдан толсангиз мен йиқилиб қоламан.

Машраб, ота сўз бошлаганда сиримдан хабардорми, деб гумон қилган эди, йўқ, гап бошқа ёққа бурилиб кетди.

— Киши ўқищдан ҳам толиқадими, дада, кетмон чопмасам, қўш ҳайдамасам, — деди Машраб. Бу билан «сизни ташвишга қўядиган, номусга қолдирадиган бирон-бир иш қилмайман. Кўнглингиз тўқ бўлсин» демоқчи эди у. Дада тушунди, шундай бўлса ҳам ўқишига ўз муносабатини билдириди:

— Ўқиши — куч, болам. Кетмон чопгандан оғир. Кетмон чопган нима, бирпас чўзилса, ҳордиги чиқади-кетади. Мана сен-чи, кеча кўп мутолаа қилганингдан кечаси билан ухломабсан! Илмда гап ҳам кўп-ку, илмнинг заҳмати ҳам оғир, болам. Майли, ишқилиб, омади-

нгни берсин! Бутун умидим сендан. Биз энди теракниңг учида ялт-юлт қилиб турган бир парча нур. Ҳозир бор, сал туриб йўқ. Сен-чи, сен ҳаёт булогининг кўзини энди очипсан, болам, суви тиниқ ва тотли чиқсан.

Нима учундир дадасининг товуши титраб, кўзига ёш қалқиди. Оппоқ яктагининг учи билан мижжалари ни артди.

— Чойдан қуй, болам! — деди Валибобо. — Шу кунларда тушим бузилиб юрибди. Нуқул раҳматлик отамни кўраман, оппоқ кўйлак-иштон, лекин қоп-қора саллада бўладилар. Билмадим, нега қоп-қора саллада юрибдилар, ҳеч ўйлаб ўйимга етолмайман. Қора тугул одми салла ҳам ўраган эмаслар. Тавба! Кейинги бир кўрганимда, ҳовлидаги ўрикмиш. Энг учидаги қип-қизил битта ўрикни кўрсатиб, тез шуни олиб туш, егим келяпти, дейдилар. Мен чиқолмайман. Бир амаллаб энди ўрикнинг устига чиқувдим, уйгониб кетдим. Ишқилиб яхшиликка бўлсин!

— Ўйлаб ётсангиз керак-да, дада! Киши ўйлаб ётса, ўша нарса тушига киради, дейдилар, — Машраб дадасини ташвишли ва кўнглига гул-гула солган тушига тасалли берди ва дадасининг чойини янгилади.

— Энди, ўглим, марҳумларнинг тушга кириши бежиз эмас. Мана, сенинг ҳам бўйинг чўзилиб қолди. Бошингни иккита қилиб олсак эди, анча тинчирдик.

Машраб гапнинг бу томонга бурилишига ҳайрон қолди. Дадаси кўнглидаги ниятини айтаптими ёки унинг фикрини сўраяптими? Билолмади. Лекин хаёлига ярқ этиб, Арзигул тушди. Арзигул ҳамон тутнинг устида чиройли кулиб, «Бўлдими, ё яна қоқиб берайми?» деб турарди. Наҳотки, унинг Арзигул билан қамти келишига дадасининг нияти бир тушди?

Машраб шу ёшдаги йигитларга хос андиша ва сиполик билан дадасининг юзига аста қаради. Қаради-ю, дадасини кейинги кунлари чакак-чакак бўлиб кетганини кўрди.

Валибобо ўглидан шу онда жавоб кутмаганидай, Машраб ҳам ҳозир розилик беришни ўзига шарт билмади.

— Сизлар энди бу уйнинг чирогини ёқиб ўтирасизлар, ўглим! — деганича юзига фотиҳа тортиб, Валибобо устахонасига кириб кетди. Унинг елкаси чиқиб қолган гавдасига қараб, Машрабнинг хаёли бузилди: қачон бунаقا буқчайиб қолдилар? Ё тавба! Ҳали яқингинада бунаقا эмас эди, шекилли!

Бу гамгин фикрлар Машрабнинг хаёлида узоқ сайди килмади, ёш йигит, яна ўз ташвиши билан бўлиб кетди. Дастурхон йигиб, ушогини дадаси ўргатгандек ариққа тўкиб, ўзини айвон устунининг пешқозигига илди-да, китобларини қўлтиғига тиқиб, мактабига жўнади. Бир вақт қараса, оёғи Чорсуга бурилиб кетяпти. Анча ерга боргач, орқасига қайти. У Бозор Охунднинг ҳовли мактабига кириб борганида олди болалар келган, бўйраларда ўтириб, сабогини қироат билан такрор қиласар, бошқа бири ҳандасадан чизилган шаклнинг таъриф ва тавсифини кўздан кечирар, яна бошқаси Хўжа Ҳофиздан газал ёдлар эди. Иккита кичкина бола эса, бўйранинг чўпидан кўчқор ясад, уриштиришапти. Шовқин-сурон бемалол. Тўрда, деворга сўёглик гаврон — Охунднинг таёғи.

Бир бола бир болага мақтанаради:

- Буни қара, ақд тишим чиқяпти.
- Энди яхши ўқийман демоқчимисан?
- Бўлмасам-чи!

— Керилма, ақд тиш тентақда ҳам бор! — силтаб ташлади шериги ва чўнтағидан қурт олиб оғзига солди. Унинг ёнида ўтирган бошқа бир бола бирдан қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди ва оғзидағи каттакон қуртни лунжидан олиб, койиб берди:

— Шайтон қитиқлаяптими?

Шу маҳал Мулла Бозор Охунд эшиқда кўринди. Устига осмонранг мовутдан чакмон, бошида бежирим қилиб ўралган оппоқ салла, ёқаси йўқ сўфи кўйлагидан бўйни узун кўринади. Мумдек қоп-қора соқоли этсиз юзига ярашган, фақат чаккасига тушган оқи унинг ёши анчага бориб қолганидан далолат беради. У болаларнинг саломига қироат билан алиқ олиб, тўрга ўтиб, беқасам кўрпача солинган ўз курсисига ўтирас экан, бурчақдаги таёгини ёнига тортди.

Бугун пайшанба. Эртага дам олиш куни. Шунинг учун Охунд бир ҳафталик сабоқни якунлаб, элақдан ўтказа бошлади. Бирорвга очиқ юз билан ширин гапириб, бирорвни дангасалиги учун койиб кунни пешин қилди. Намозга чиқиши олдидан кичкиналарни озод қилиб, катталарни таҳоратта ундади. Ўзи имомликка ўтиб, айвонда намоз ўқиди. Намоздан кейин талабаларга ўтирилди. Насиҳат қилиб, инсофга чақирди. Жаҳаннам даҳшатлари билан кўрқитди, кейин илм-маърифатга ўтиб, фазлу уламолар шаънига мадҳия айтди.

— Оллоҳ таоло кўзи очиқ, оқ-корорни таниган, инсоф

ва саховат дарёсидан нўш этган бандасини яхши кўради ва ёрлақайди, азизу мукаррам тутади. Билиб қўйинг: боғбондан боғ, баҳодирдан қилич, донодан шогирда, наққошдан безак, шоирдан ашъор, меъмордан бино, муарриҳдан китоб, отадан зот қолади, — деди-ю, бирдан Машрабнинг ёнида ўтирган Эргашга кўзи тушиб қолди, — сендан эса, дод қолади, — деб сўзини якунлади. Ҳамма ҳайрон бўлиб бир чеккада бесўнақай ўтирган буқаникidek бўйни қисқа, бит кўз, бақалоқдан келган, ўртоқлари орқасидан «Эргаш калта-халта» деб лақаб олган талабага қаради. У шошиб қолган, ўпкадек қизариб кетган эди. Нима гаплигига фаҳми етмаган кишидек салласининг узун пешини ҳадеб ҳимарар эди.

— Саллани тинч кўй, тур ўрнингдан! — деди Охунд. Талмовсираб қолган Эргаш калта ўрнидан аранг турди ва Охунд кўрсатган ерга бориб тек бўлди.

— Бу жанобнинг муштлари жуда катта. Кеча мактабдан кетатутиб Мамажон бўзчининг ўтгина оғзибурнини қоп-қора қон қилган. Бу ҳам етмагандек онасини бўралаб, оғизга олиб бўлмайдиган беодоб сўзлар билан ҳақорат қилган. Тўгрими? — деди ўз оғзидан тасдиқлатмоқчи бўлиб Охунд.

— Ўзи нега сўқади? — деб тўнгиллади пакана.

— Ёш боланинг сўкиши баҳор ёмгиридай гап — ўтади-кетади. Шунга қонига белаб уриш керакми? Мен сени шунга ўқитдимми? Ноинсофликка ўргатдимми? Зўравон ва беодоб бўл дедимми, бетавфиқ. Бу беодобликни қайси китобда ўқидинг, кимдан ўргандинг? Бу зўравон, — деб яна товушини ўзгартириб талабаларга қаради Охунд, — тунов куни ҳам бир беодоблик қилганлар. Гариб бир қўшнилари бир энлик ариза ёзид беришни илтимос қилса, ҳақ талаб этганлар. Чақа берса, танга сўраганлар. Бир коса туршак чиқарсалар, ҳовлига сочиб юборганлар. «Мен пайшанбаликка домламга ўнта тухум солиб, қуймоқ олиб бориб, илм ўрганганман», дебдилар. Бир бандай мўмин, гариб бечоранинг ҳожатини чиқариб, савобга қолмайсанми, дуосини олмайсанми!

Олтин олма, дуо ол,
Дуо олтин эмасму,

деганлар машойихлар! Хазинага кирган мушукнинг олтину гавҳар билан нима иши бор, унга сичқон бўлса бас, деганларидек сенга илм юқмайди, хаёлингда шайтон васвасаси! Ана, бугун олиб келган пайшанбалиги-

нгни тугунини ҳам ечганим йўқ, олиб кет! Мен пайшанбалик учун мактаб тутган эмасман, азбаройи фуқарога, унинг гумроҳлигига раҳмим келганидан қиляпман. Оллоҳ таоло менга берган жиндай маърифатни тарқатмоқча ният қилганимдан бу мушкулу савоб ишини бўйнимга олганман. Худога шукр, муҳтоҷ эмасман, ерим бор, сувим, қўша-қўша ўғилларим бор. Зотан, одам боласи дунёга мол-дунё ортиримоқ учун эмас, Оллоҳнинг буюрганини, Пайғамбари Мустафонинг айттаниларини бажо келтиримоқ учун келгандир. Сен тентак пайшанбалигингни пеш қилиб, эл-юрт оддида ўз нодонлигингни фош этасан. Бу гап менга, иншооллоҳ малол келмайдур. Сенинг шунчалик гумроҳлигингдан ҳижолат тортамен. Мендан таълим-тарбия олаётган боланинг бунчалик бефаҳм, бефаросатлигидан ҳижолат тортамен. Менинг даргоҳимдан аҳли илм эмас, бўйни йўғон зўравон ва таъмадирнинг етишиб чиқаётганидан ҳижолат тортамен. Кел, мени ортиқча туноҳга ботирма, сеникисиз ҳам гуноҳдаримиз кўп. Оллоҳнинг Ўзи кечирсин! Эртадан бошлаб сенга жавоб!

Бозор Охунд титраган қўллари билан остидаги жойнамозни йигиб, тахмонга ташлади. Унинг чап қоши пир-пир учарди. Бу унинг ноҳақликни кўрганда, бирон-бир талабасининг ножӯя хатти-ҳаракатини сезганида пайдо бўларди. Шунинг учун болалардан биронтаси сал ҳаддан ошса, «бўлди, қуюшқондан чиқма, бўлмаса, домланинг қоши пир-пираб кетади», деб қайтаришарди.

Айвонда қуюқ туман бўлиб сукут чўқди, пашиша учгани, Эргаш қалтанинг ноҳуш нафас олиши эшитилди. Домла ковушини кийиб, ҳовлига тушиши билан ҳамма бола жойидан қўзголди. Фақат Эргаш қалта ҳамон намоз ўқиган ерида ўтирас эди. Кейин бирдан иргиб туриб, Охунднинг оёғига ташланди, ҳўнграб йиглаб юборди:

— Маъзур тутинг, тақсир! Бу нодонлик энди тақрорланмайди! Худо ҳақи тақрорланмайди!

— Худони ўртага солма, нодон. Ёлғончи қасамхўр бўлади, — Охунд орқасига қарамасдан ҳовлидаги кичкина эшиқдан боғчага чиқиб кетди. Салдан кейин унинг йўтали эшитилди. Йўтал анча олисдан келарди.

Машрабнинг Эргашга раҳми келди, унинг одига бориб, ўрнидан турғизди:

— Яхши қилмабсиз, Эргаш. Тақсиримнинг астайдил жаҳллари чиқди. Энди сабр қилинг.

Эргаш бирдан Машрабнинг яктаги баридан тортиди:

— Машраб! Сиз ўртага тушинг, сизнинг сўзингизга кирадилар, сизни яхши қўрадилар. Жон Машраб! Оллоҳ хайрингизни берсин!

Машраб нима қилишини ва нима дейишини билмай икки ўт ўртасида қолган одамдек фикр қилиб турар экан, Эргаш секин унинг қулогига деди:

— Менда қолмайди! Арзигулни биласизми?..

Машрабнинг устидан совуқ сув қўйгаңдек кўзи чарақлаб кетди: «Бу Арзигулни қаёқдан билади?»

Машраб Эргашнинг кўзига тикиди. Унинг кўзида «мен ҳаммасини биламан. Сен ишимни тўғрила, мен ҳам сенга яхшилик қиласман», деган ифода сезилиб турар эди.

Машраб аниқлагунча бўлмай, Охунд кўринди ва қўлинни талабалардан бири тутган сочиқа артиб, Машраблар турган томонга назар ташлади.

— Сизга арз қиляптими? — деди Охунд. — Бефойда. Унинг ўзи тавба қиласа ҳам, феъли тавба қилмайди.

— Астайдил ўкиняпти, тақсир! Бу галча маъзур тутинг. Мана, биз кафил! Энди бундай номақбулчилик тақрорланмайди.

Охунд унинг гапини эшитмагандек кичик ҳужралардан бирига йўл олди ва Машрабни чақирди:

— Машраб, қани, бери келинг! Бошқалар жойжойига ўтсин.

Машраб гик этолмасдан Эргашга бир қаради-ю, домланинг кетидан ҳужрага кирди. Эргаш турган ерида туриб қолди. Бақрайган кўзлари ўлик бузоқникига ўхшарди. Шу хунук қараши анча вақттacha Машрабнинг ҳаёлидан кетмади: наҳотки, унинг кўзи шунақа қаттиқ! Шу маҳалгача сезмаган эканми?

Машраб шу ҳаёл билан кириб боргандга Охунд ҳужранинг қозигига тўнини илар эди. Машрабнинг кириб, эшикни орқасидан ёпганини сезди, шу турганича салмоқлади:

— Бекорга ўртага тушяпсиз, ўглим! Эргаш қора кигиз, ювган билан оқармайди. Ахир, бу қилигини илк маротаба кўрсатаётгани йўқ.

Машрабнинг эсига ярқ этиб бир воқеа тушди. Шунда ҳам анча кўнгилсизлик бўлган, озор чеккан мактабдош ўртоги Охундга айтаман, деб анча тихир-

лик қилган, лекин Машраб уни бу ниятидан қайтарган эди.

Бу воқеага анча бўлган эди. Ўша ўртогининг акаси уйланаётган эди. Гўралар айни курсиллатиб ейдиган, олам кўм-кўк пайт эди. Эргаш совуқ тўйга чўнтагини гўрага тўлдириб келди. Болаларга улашди. «Ҳали мен айтганда ейсанлар» деди. Бир маҳал сурнай чалиши билан «қани, бўёққа келларинг», деб болаларни сурнайчининг қаршисига тўплади. Ва «қани, бошладик» деб кўм-кўк гўрани оғзига солиб, курсиллатиб чайнади. Болалар ҳам ундан кейинда қолмай, ким тез ейишга ўйнаётгандай чайнашар эди. Бир маҳал сурнайнинг оҳангি бузиди. Сурнайчи оғзини тўлдириб келган сўлакайини бир четга ташлади. Яна чалмоқчи бўлиб ўнгланди-ю, чаломади. Болаларга ҳўмрайиб, куйини бошлиди, аммо куйи қовушиб келмади. Ахийри, бўлмагач, дагал гапириб ҳайдади. Йилтироқ этик ила янги беқасам тўндағи Эргаш кийимини пеш қилгандек олдинга чиқиб, қаршилик билдири. «Биз ҳам тўйга келганимиз» деб дўқ урди-да, яна битта гўрани оғзига ташлади.

«Бор, гўрангни нарига бориб е!» деди сурнайчи. Хуллас, уялган болалар нари кетган бўлса ҳам Эргаш турган еридан қўзгалмади. Ҳамон гўрага боши қоронги хотиндеқ бирининг кетидан бирини олиб, оғзига солаверди. Унга ҳеч ким ботиниб, «кет, нари бор» дея олмасди, ахир обрўли бойнинг ўғли! Шунда бир мўисафид келиб, унга ёлворди: «Бойвачча ўглим, қўйинг, камбагалнинг не ҳасратда қилган тўйидан файз кетмасин», деб курагини силади. Кейин Машраб билса, Эргаш буни атайн қилаётганд экан. Гўрани кўрган сурнайчи оғзи сув очиб, сурнайнини пуфломас экан! Эргашнинг тўйга айтган болада қасди боракан!

Машрабнинг хаёлидан бу кўнгилсиз ҳодиса ўтган бўлса ҳам, нима учундир, барибир унинг ёнига тушди:

— Ешлик қипти, тақсир...

Охунд шарт унинг сўзини бўлди:

— Гап ёшлиқда эмас, бўтам, ҳаром-ҳариш топилган давлатда! Буларнинг эгни бутун, қорни тўқ, кучини қаёққа ташлашни билмайди. Булар саратонда эриниб, совуқ сувга бетини ювмайди. Отасининг давлати ва шу давлат туфайли ортирган обрўйга суюнади. Булар «Пулим бор — узун тилим бор — нима гамим», деган йўсиンда иш тутади. Пулнинг ҳидига семириб юрибди. Асли нодон. Нодонни ўқитмоқ — шўр ерга уруг сеп-

моқ, кар қулоққа ҳикмат айтмоқ, ўлик билан кенгашмоқ, оқар сувга хат битмоқ билан баробар, бўтам, — Охунд хомушланиб, ўйлаб қолди: — Ҳўш, қаерга келган эдик? Эътиқодига шайтон уя қурганлар билан бўлиб хаёлимдан кўтарилиди, бўтам!

Машраб Охунд қаршисига одоб билан чўкка тушиб ўтириди. Қуръони шарифнинг чўпхат солиб қўйилган саҳифасини эҳтиром билан очиб, ёстиқнинг устига қўйди. «Бошлай берайми, тақсир?» дегандай Охундга қаради. Охунд бошини силкиб ризолик бергач, уйда тайёрлаб келган сурасини қироат билан ўқий бошлиди. Охунд бошини сометъларча қуий солиб, кишини мафтун этадиган ажаб мусиқани тинглаётгандек Машрабнинг қаршисида, қалин кўрпача устида ўтиради. Машраб эса, қироатининг оҳангидаги бешиктебратардек икки ёнига тебраниб, товушининг борича ўқир эди. Охунд бирон ерида сакталик сезса, товушсиз, бир кўлини сал кўтараар, Машраб шу замон тўхтар эди:

— Нега шошасиз, бўтам, пойгага кетаётганимиз ўқ. Ё бирон ерга борадиганмидингиз? Ҳаёлингизни бузмасдан дикқатингизни бериб ўқинг!

«Бир ерга бормоқчимидингиз» жумласи Машрабнинг ёдигина хаёлидан кўтарилиган Арзигулни тушириди, кўз олдига тути ҳовли келди.

У керагидан ортиқроқ танаффус қилиб қолди шекилли, Охунд ҳуашёрикка чақириди:

— Саломатлигингиз яхшими, бўтам? Галати кўринасиз?

— Йўқ, унчаликмас, тақсир! — деди-ю, Машраб яна шоша-пиша бошидан такрорлади. Қироат Охунд куттанидек чиқмади шекилли, очигини айтди-қўйди:

— Йўқ, бўтам, бугун бошқачасиз. Ниманидир мендан яширяпсиз. Майли, қани, бошидан яна бир такрорланг-чи. Ё юзингизни совуқ сувга чайиб келасизми? Майли, боринг, бўйниларингизни қўшиб ювиб кeling.

Машраб билдики, шунча йилдан бери ихлос қўйиб келаётган, уйига кутубхонасидан китоблар бериб турган устозини хафа қилиб қўядиган. Ахир, бу ҳужрага, Охунд тили билан айтганда «қориҳона»га ҳамма таклиф этилавермайди. Бу ерга Охунднинг назарига тушган, у ихлос қўйган ва ҳурматлаган, уқуви бор, товуши яхши талабаларгина киради. Анави хонада эса, Охунд риёзиёт, фалакиёт, мантиқ ва фалсафадан қўшимча сабоқ беради. Бу ерга ҳам Машраб кириб туради. У ер

аслида Охунднинг яхши китоблар сақланадиган алоҳида уйи. Бир куни Машраб холи қолганда китобларнинг баъзи бирларини назардан ўтказган ва домланинг шунча илм билан қизиқишига ҳайрон қолган эди. Улар орасида Абу Абдулло Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг «Китоб ал-муҳтасар, фи-ҳисоб ал-жабр вал муқобала», Абурайҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Берунийнинг «Мезони ул ҳикмат», «Китоб ус-сайдана», Алишер Навоийнинг «Ҳамса» ва «Чор девон»и, Бобурнинг «Бобурнома», Абу Али ибн Синонинг «Китоб ушшифо», «Китоб ун-нажот» ва яна «Қобуснома», «Китоби Муҳсиний» каби бир талай Машраб эшитган-эшитмаган китоблар бор эди. Уларнинг ҳажмигина эмас, муқовалири ҳам ҳар хил: бири чарм муқовада, бири ишакка ўралган, биттаси эса қалин букилмас муқовада. Улар қаторида яна қанча турли-туман китоблар борки, уларга Машрабнинг қўзи ҳам тушмаган. Бу хонада эса Ҳўжа Аҳмад Яссавийнинг яхши кўчирилган чиройли «Ҳикмат»и ва Қуръоннинг Богдод нусхаси билан яна бир қанча улуми динияга хос китоблар бор. Охунд яқинда аллақаердан Ҳўжа Исмоил саҳвий-Бухорийнинг аллақандай китобини топиб, уч-тўрт кун терисига сигмай, қувониб юрди:

— Илоҳият ҳазинаси! Ёшлигимда бир ўқигандим-у, лекин ўзини қўлга туширомай юрган эдим. Жуда яхши бўлди. Буни қаранг, соҳибкорликка ўтиб бораётсан, бир хотин юз пардасининг остидан омонатгина чиқариб турибди. «Сотиладими?» десам, «Ҳа, айланай, қадрига етганга сотаман» дейди. Нима китоб экан, деб бундоқ илк саҳифасини очсан, ҳазрат Исмоил Бухорий, шунча вақтдан бери излаб юрганим! «Неча пул, онажон?» десам арзимаган пулни айтади. Билдимки, бу қадрига етмаган хонадонда узоқ ётган, сандиқзадами ёки четроқ ерда қолганми, аллақандай могор аралаш нордон ҳид келяпти. «Буни ким ўқирди, она?» десам, «Отамдан қолган ёдгор. Болалар кўзидан четроқقا олиб қўйган эдим» деди. «Отангиз ким ўтган?» дейишга тилим бормади. Бунинг устига, кишилар ўтиб турибди, йўл усти, бозор боши. Айтган нархига сал қўшиб, рози қилдим-да, қўйнимга урдим. «Она, рози бўлинг. Ҳар ўқиганимда отангизни ҳам дуо қилиб турман», деб кўнглини кўтардим. Муҳтоҷлик бозорга олиб чиқсан, бўлмаса, бозорга чиқадиган китоб эмас бу, Машрабжон, ҳазина, кўп уламоларнинг орзузи бўлган ноёб китоб!

Машраб қизиқиб қўл узатган эди, Охунд аввал бир ўпиб, кўзига суртди, кейин унга берди. Машраб илк бетини кўздан ўтказар экан, завқи ичига сигмаган Охунд ҳамон энтикиб сўзларди:

— Сал кам етти юз муқаддам тартиб берилган китоба! Бухорий ҳазратлари жуда улуғ зот ўтганлар. Ўзлари асли Бухорои Шарифдан. Кўп шуҳрат қозонгандар. Ўша пайтда ҳам бидъатпарасту ичи қора киборлар бор экан-да, шундай улуғ зотни она юртларидан чиқиб кетишига мажбур этган. Адашмасам, Бухородан кела туриб, шу Самарқанд атрофида бир қишлоқни макон туттганлар. То жон таслим қилгунча шу ерда гарифона яшаганлар. Қабрлари ўша атрофда бўлиши керак. Ҳамма азизу мукаррам кишилардек шон-шараф нима, довруғ нима, бойлик нима, роҳат, майшату рўшнолик нима билмай, катта-кичик зодагон ва таъмагир уламолардан туртки еб ўтганлар. Во дариг, бу дунё шунаقا экан! Парвардигори оламдан ўзга меҳрибон йўқ.

Ана шунда Машраб севимли устоди Мулла Бозор Охунднинг ҳам юрагида анча-мунча ғам-андуҳи борлигидан хабар тоғди ва ичиди ўқиниб қўйди. Наҳотки, шундай баобрўй одамнинг ҳам гами бўлса!

Машраб ташқарига чиқиб, юз-қўлини ариқда қайта-қайта ювди. Муздай сув унинг губори ва ҳордигини чиқаргандек бўлиб, шошимасдан артинди-да, салом бериб, яна ҳужрага кириб борди. У кириши билан Охунд кўриб ўтирган китобини аста ёпиб, ёнига қўйди. Машраб бу китобни таниди. Бу ўша қимматбаҳо Исмоил Бухорий асари. Топиб келган кундан бери домла уни еру кўкка ишонмай ардоқлаб юрибди.

Машраб бояғи сурани яна катта диққат ва ҳарорат билан такрорлади. Бу галгиси Охундга мақбул бўлди шекилли, юз-қўзи ёришиб, мийигида мамнун табассум пайдо бўлди.

— Бу бошқа гап, бўтам. Қироатингиз маромига етиб қолибди. Энди адашмас қилиб, пухталаб ёд олинг. Биласизми, буни нима учун айтяпман?

— Йўқ, тақсир!

— Шу йил рамазонда сиз билан Лутфиллани Қуръонга ўтказмоқчиман.

Бу ёш муллавачча учун катта ҳурмат ва обрўй эди. Буни яхши билган Машраб ичидан қувониб, бир томондан ваҳима босди: уддалай олармиканман? Масжид тўла аҳли мўмин қаршисида салобат босиб, дудукланиб қолмасмикинман? Қироатим мақбул тушарми-

кин? Маъқул тушарки, домлам бу ишга бошлияпти. Ахир, Охунднинг биринчи қалдиргочи эмасман-ку. Бир нарсага кўзи етадики, таклиф этяпти.

— Шундай, ўглим, ана шунга қараб тайёрланинг. Менинг хизматимни, сизнинг қобилиятингизни аҳли юрт, аҳли уламо кўрсин! — деди ишонч билан.

— Ишончингиз учун қуллуқ, устод!

— Ҳали бу бошланиши, бўтам. Сиздан менинг умидим катта. Эл аро хуш нафасдек таралиб бораётган газалларингиздан ҳам хабарим бор. Оллоҳга шукроналик ўқийман. Шояд сизнинг улугвор шоир номингиз қаторида каминанинг номлари ҳам зикр этилгудек бўлиб тарихда қолса!

— Шундай ҳам номингиз табарруқ, тақсир. Сиз туфайли севимли Намангонга қўшиб сизни ифтихор билан тилга оладилар.

— О, ўглим, бу бугун. Эртага-чи? Ўн йил кейинчи? Муаррих бўлиб китоб ёзмадим, шоир бўлиб ашъор. Фалакиёт ва риёзиётга ихлос қўйдим-у, бирон иш қилолмадим. Ахийри, мана мактабдор бўлиб ўтирибман.

— Баҳтингизга Мирзо Муҳаммад Тарагай Улугбек замони бўлармиди?

Мулло Бозор Охунд яшнаб кетди ва деди:

— Оҳ, қани эди! Тарки дунё қилиб, донишманди фалакнинг расадхонасидан ташқарига чиқмасдим. Осмон сайри билан кўнглимни яшартиб, илму маърифат билан кўзимни очардим. Минг афсус, шундай улуг зот ҳам бу феъли тор дунёга сигмадилар. Фисқу фужурни касб қилиб олган гуноҳи азимлар у тилла бошни еди. Минг афсус...

— Мирзо Улугбек туфайли ичи кибр ўғли Абдулла-тиф қотил ҳам тарихга кириб қолди, бу қизиқ! — деб ажабланди Машраб ва яна фикрини кутгандек унинг оғзига қаради.

— Ана шунга дод дейман, бўтам, водариг, бу дунё буқаламуну бевафо! Яхшининг қаторида қотил билан жоҳилу, бадбаҳт билан жаллод ҳам тарих саҳифасига кириб қолади.

— Яхшидан ибрат оладилар-у, ёмондан ҳазар қиласидилар, тақсир.

— Бу-ку, тўгри, лекин ёмонларнинг қоғоз бетига битилмоги-ю, тилга олинмогини асти истамас эдим! Ҳар тилга олганимда гуноҳи азимга ботаётганга ўхшайман! Баъзан бу бадбаҳтларга бегуноҳлик либоси-

ни кийгизмоқчи ҳам бўладилар. Бу ундан ҳам баттар!

— Бу нодонларнинг иши, тақсир!

— Нодонлар эмас, бўтам, — исботлашга киришди Охунд, — баъзан ақли расолар ҳам уриниб қолади, Шайхулислому муфти бош бўлиб, ҳамду сано ўқийди. Тавба!

— Энди, тақсир! — деб устодига тасалли бермоқчи бўлди Машраб. — Дарё ҳар маҳал лойқа оқмайди. Тиник оқса ҳам баъзан итнинг оғзи тегади, барибир ҳаром бўлмайди.

Охунд қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди:

— Топдингиз, бўтам, топдингиз! Таъма борки, ҳақиқат руҳсорига соя тушиб туради.

— Албатта!

Охунд ўзи билан сұхбат қиладиган шогирди борлигидан мамнун бўлиб, у билан яна бир неча дақиқа дардлашиб ўтирида, жавоб берди. Устига юқлатилган вазифанинг масъулиятини яна бир таъкидлаб, хайрлашди.

Бу маҳал кун оғган, кечанинг салқин шамоли туриб қолган эди. Кўчада бозор-ўчардан қайтган одамларнинг ҳаракати қизгин. Болалар уй-уйларига кириб кетиб, шовқин тинган.

Кўчага чиқиши билан Машрабнинг хаёли яна қочди. Бугун ҳам Арзигулнинг висолига етолмади, уни бир марта, фақат бир марта кўрса, майли эди! Охунднинг гапига қараганда, бу яқин кунларда қўли тегадиганга ўхшамайди. Ҳали домла сиқиб ёгини олади. Ҳар куни ҳам Охунд бугунгидек очилиб ўтиравермайди, шундай кунлар бўладики, домланинг қовогидан қор ёғиб, назаридан газаб тўклилади. Ҳар бир сўзни ўйлаб гапирансан. Оғзингга лой қопқоқ ёпса, нафасинг ичининг тушиб кетади. Хайр, Арзигул, сен билан кўришмоқ қорли чўқцига интилмоқдек бўлиб қолди. Бўлмаса, чақирса эшитилгудек оралиқдамиз. Чорсу қочиб кетидими, ана у, Масжиди жоменинг минори кўриниб туриби. Лекин ҳозир борганининг фойдаси йўқ. Мактабдан кетиб бўлган, эрталаб бўлса ким билади, қай маҳалда ўтади. Ўнлаб бола кирадиган эшикнинг қошида туриб бўлмаса! Гап-сўз, эътибор. Ким билади, тагин унинг ўзи нима дейди. Минг севгандә ҳам «хуш келибиз!» демайди. Бир қовоғини солиши бор! Шу қовоғини солишини ҳам бир назокат дейдилар. Чиндан шунақамикин? Ҳайдаса ҳам майли, бир кўрса эди!

МУЛЛА БОЗОР ОХУНДНИНГ СЕВИМЛИ ШОГИРДИ

Бозор Охунд Машрабнинг оёқ-қўлини шунаقا чандиб ташладики, қимирломай қолди. Эрталаб келиб, қош қорайганда кетади. Ўша қорихонадан чиқмайди. Бир пайтлар кўзига мўъжизадай кўринган бу хона энди уни толиқтирган, кўзи тушиши билан юраги орқасига тортиб кетади. Кечқурун ҳолдан тойиб уйига қайтади. Тайёр овқатни наридан-бери ейди-ю, ўзини ўринга ташлайди. Бир ёнида ётиб, бир ёнида туради. Алламбало тушлар кўради, лекин эрталаб туриб эслай олмайди. Арзигулни кўриш у ёқда турсин, ўйлашга ҳам вақт йўқ. У жуда узоққа кетиб қолганга, Машраб ётиб боролмайдиганга ўхшайди. Лекин ҳар эсига тушганида юраги бир ҳаприқиб кетади.

Бозор Охунд Машрабга оғир бўлаётганини билади. Лекин сир бой бермайди. Фақат ўзини оқламоқчи бўлгандек баъзан-баъзан «Домланинг талаби талабани мулла қилади», деб қўяди. Аммо ўзи ҳам ҳазилакам қийналлаётгани йўқ. Шу кунларда қовоги салқиб, сўзларида аввалги шижаот йўқ, оёқ олишлари ҳам вазминлашган, салга жаҳали чиқади.

Ҳадемай рўза ойи ҳам ётиб келди. Охунд Машраб билан Лутфиллани ҳамон сабоқдан кейин олиб қолади, одатдаги қаттиққўллик билан ҳар бир оятнинг тўгри ва оҳангдор талаффуз этилишини талаб қилгани-қилган. Қироатнинг сал бузилишта қўймайди, тинмай такрорлатиб ётиби. Баъзан асабий силтаб ташлаб, ўзи намуна кўрсатиб ўқиб беради. Чиндан ҳам Охунд Бағдодий деган усулда жуда қироатини келтириб, ҳар битта сўзни тиник талаффуз этиб ўқийди. Кишининг баданларини жимиirlатиб юборади. Бир куни Машраб домланинг кўнгли ёришиб турганда тегищи:

— Бу — сиз, тақсир, сиздек ўқишига бизга ҳали ўн қовун пишиги бор.

— Боши бузилган иш кейин тузалиб кетмайди, ўғлим, бошидан пухта қилинг, кейин довуш ҳам ўкирмайди. Таңбал бўлманг, бахтсизликнинг боши таңбаллик! Қани бошидан бошланг, — дейди ва ўзи билан уларни ифтordan кейин масжидга таровеҳга олиб чиқади. Иккаласини икки ёнига ўтқазиб, тажрибали қо-

риларнинг қироатини эшиттиради. Эртасига эса, таҳлил қилиб беради:

— Каломуллоҳи шарифни бузиб ўқиш — гуноҳи азим, Оллоҳнинг қаҳри келади, — деб таҳдид ҳам қилиб қўяди Охунд.

Оллоҳнинг сўзини бузищдан қўрқкан икки ёш яна астойдил қироатта киришадилар. Кўзни очибоқ қироатга тушадилар.

Ўглининг хатми Қуръонга ўтишини эшиттан Валибонинг боши осмонга етиб, унга маҳси-кавуш қилиб берди. Худди шундай ҳамкасабасининг қолип — шонини олиб (ўзи заифона тикмайдими!) Мулла Бозор Охундга ҳам ўз қўли билан орқа чокига дуранг ип ўраб, қўнжини узуноқ қўйиб, маҳси тикиди, бозорнинг ман-ман деган устасига ковуш буютириди. Иккаласини битта қилиб, Охунд ҳузурига ўз қўли билан олиб борди:

— Тақсир, улуг айём кунларида киярсиз!

— Ие, ие, ортиқча уринибсиз-ку, уста! Сиздан таъмамиз йўқ эди-ку! Чакки овора бўлибсиз, — деди Охунд очиқ юз билан.

— Камбагалчилик, хизматингизда бўлолмаймиз, — деди Валибобо ва бу билан шу вақтгача бирон-бир тузук совға-салом қилолмаганини айтмоқчи бўлди.

— Хизматингизга эҳтиёж йўқ, уста! Машрабжон бизга қатнаб тургани кифоя. Рўзгор важидан тортиб олиб қўясизми, деб баъзан ташвишланиб турдимиз.

— Йўқ, йўқ, тақсир! Бемалол! Чоригда юрсак ҳам изни-иҳтиёрини сизга берганмиз. Сиз жаноблари нени маъқул кўрсалар шу. Қора қозон, Худога шукр, бир амаллаб қайнаб турибди — қуюқ бўлмаса суюқ...

— Раҳмат, уста! Ўглингиздан умидим катта. Иншооллоҳ ниятимиз мустажоб бўлгай! Кариганингизда нонни ёғ билан ейсиз. Дуосини қиласверинг.

— Иншооллоҳ! Иншооллоҳ! Айтганингиз келсин, тақсир! — Устанинг кўнгли бўشاшиб, кўзига ёш келди. Ҳатто икки томчиси то артунича тиззасига оқиб тушди. Хижолат аралаш кўзларини артар экан, ачишиб келган димогини аста тортиб, қўшиб қўйди:

— Камбагалчилик ҳам жонга теккан, тақсир!

— Пешонага берсинг, уста.

— Албатта, тақсир! Нолимаймиз. Бирордан олдин, бирордан кейин яшаб турибмиз. Бой бўлмасак ҳам тани-жонимиз соғ, оёқ-қўлимиз бутун. Ногирон қи-

либ яратганда бандай ожизнинг қўлидан нима келарди!

— Албатта! Ношукрлик яхшимас. Тани соғлиқдан ортиқ давлат йўқ. Оллоҳ таолонинг ўзи шафқат қўлини чўзса, бу кунларингиз ёмон тушдек ўтиб кетади. Мана, мулла Машраб, сал кунда сизни тўрга чиқариб, етти қават кўрпачанинг устига ўтқазиб қўяди.

— Иншооллоҳ, тақсир, иншооллоҳ! Умид шу шогирдбаччангиздан, биз энди ўтдик алифни калтак деб. Неки кўрсак энди, тақсир, сизнинг марҳаматингиз туфайли бўлади, болага кўп меҳнатингиз сингди, — деди уста яна қўзига ёш олиб. Шунча ёшнинг қаёқдан келаётганини ўзи ҳам билмасди. Ахир, бунаقا йиглоқи, кўнгли бўш эмас эди-ку. Ҳа, қарий бошлабди. Ёшлигига унар-унмасга йиглаган кексалардан куларди, мана ўзининг ҳам кўзлари серёш бўлиб қолибди. Ё умрида яхши гап эшитмагандан, бирор илиқ сўзлаб кўнглини кўтартмаганидан, энди ана шундай киши топилиб, уни ҳурматлаб, яккаю ёлғиз арзандасини эъзозлаб кўкка кўтараётганидан кўнгли бузилиб кетдими?

— Меҳнатимга ачинмайман, уста! Кўп шогирдларим бор, озми-кўпми обрўй топдим. Устод зоти шундайки, қобилиятли болани ўқитишдан, таълим беришдан бениҳоя завқланади, хурсанд бўлади. Ниятига етаётгандек қувонади.

— Биз ҳам ишимиш яхши чиқса, харидорга маъқул тушса, яшнаб кетамиш, тақсир!

— Ҳа, балли! Үндай болага қувониб-қувониб сабоқ бераман. Фаҳми пўстаклардан Ҳудо асрасин. Биттаси бор, бай-бай, бети ҳам чармдан қалин. Бунинг устига, қўли югурдак.

Уста гап Эргаш калта ҳақида бораёттанини билмаса ҳам Охунднинг гапи оҳангидан унинг анча ранжиганини сезиб, ўзича тасалли бермоқчи бўлди:

— Ахир, тақсир, беш бармоқ ҳам баробар эмас.

Унинг сўзини Охунд бўлди:

— Кечагина жавобини бердик! Лекин ҳали қулогимиз тинчиганий йўқ. Яна биз айбдор.

— Юрт-элчилик — кўпчилик дегандек, тақсир, билган топиб гапиради, билмаган қопиб. Лекин, тақсир, юзингиз амри эмас, менга ўшшаган бева-бечора, айниқса, сиздан хурсанд, тани-жонингизнинг дуосини қиласди. Илоҳим, баҳтимизга узоқ йиллар соғ-саломат юринг.

Охунд ўз шаънига айтилган мадҳиядан ўнгайсиз-

ландими ёки гапни чўзиши ўзига эп билмадими, сұхбатни бўлди:

—Хўш, энди шундай қилиб, бу кавуш-маҳсининг пули қанча бўлади? Тортинмай айтаверинг.

— Йўқ, йўқ, тақсир, мени хижолат торттирманг. Ҳақига мингдан-минг розиман. Яхши кунларда кийинг. Ўз қўлим билан яхши ният қилиб тикканман. Олинг!

— Ана шу яхши ният билан тикканингизнинг ўзи бизга зўр инъом. Лекин ҳақини олинг! — Охунд bogи-чига иккита кўзмунчоқ тақилган ҳамёнини ёнидан олиб, ичига қўлини тиқди, шу тиққанича қўлини олмай туриб, яна:

— Қанча бўлди? — деди.

— Йўқ, тақсир, мени хафа қиласман, десангиз, шу ишни қиласиз.

— Ахир, хизматингизга рози бўлсангиз ҳам, терисининг ҳақини олинг. Терисини сотиб олгандирсиз?

Ноилож қолган Валибобо ҳайрон бўлиб кафти билан бўйинни уқалади, кўзини ерга тиқди. Бу орада Охунд ҳамёнидан пул олиб олдига қўйди.

— Камлик қилмайдими?

— Ортиқ! — деди Валибобо ва шундан бир озгинасини олиб, ёнига солди. Охунд эса:

— Бизни жуда сийлаб юбордингиз, уста, камига рози бўлинг, — деди.

Хурматлаган одамнинг хизматини оёги эмас, боши билан юриб қиласиган Валибобо бўш келмади:

— Мингдан-минг розиман! От миндирсам камлик қиласди, тақсир! Начора, иложимиз йўқ. Қўлимиз қисқа!

— Раҳмат, шу сўзингизнинг ўзи от миндирганингиздан аъло. Омон бўлинг. Энди Машрабнинг бошини иккита қилишни ўйласакмикин. Вақти бўлиб қолди, уста. Ўрикни ўрик пишиғида-ю, анжирни анжир пишиғида еган маъқул. Баъзан ҳаёли бўлинадиган бўлиб қолди. Шуни ўйладими, деган гумоним бор.

— Эҳтимол, тақсир! Бўйи чўзилиб қолди. Юзига алланималар тошиб юрибди.

— Пайқабсиз, уста, пайқабсиз, баъзан ёш-ялангнинг балогат белгиси шу, — кулиб деди Охунд, — ҳаракатингизни қиласверинг, биз ҳам қараб турмасмиз.

— Шундай, тақсир. — Уста яна биррас үтиргач, одоб билан товуш қилиб кетмоқча ижозат сўради. — Суҳбатингиз ва маслаҳатингиз учун раҳмат, тақсир, энди бизга жавоб берасиз.

— Марҳамат! Тирикчилик билан банд одамсиз, сизни узоқ туттган гуноҳга қолади, — Охунд мийигида чиройли кулиб, соқолини бир-икки силади. Узун фотиҳа ўқиб, жавоб берди ва эшиккача кузатиб чиқди. Хайрлашаётуб, яна таъкидади:

— Машрабжонни хатмга ўтадиган куни ёдингиздан кўтарилимасин-а. Келинг-а!

— Нега эсимдан чиқади, тақсир. Тошга битилган-дек ёдимда туради.

Валибобо у кунни орзиқиб кутди. Бу орада не-не хаёлларга борди. Мулла Бозор Охундек бир улуғ зотнинг назарига тушган ўғлини «сиз»лашга ўтди. Товушини очади ва ёқимли қолади, деб кунда наҳорга тухум илитиб ютдиради. У ёққа ўтса ҳам бўй-бастига қарайди, бу ёққа ўтса ҳам. Хурсандчилигидан ўзини қўйгани жой тополмайди. «Кимсан фалончи маҳсида ўзининг ўғли фалончи масжиди Жомеда хатми Қуръонга ўтибди! Қандай баҳти кулган оталар борки, ўглининг обрўйини кўради», деган сўз қулоги остида кечакундуз садо бериб жаранглайди. Бу, ахир, кичкина обрўйими! Бу онларни орзу қилганлар ҳанча! Ростдан ҳам ўглим Mashrab, текислиқдаги тепадек кўзга ташланадиган бўлиб қолдими? Кечагина ошиқ ўйнаб, ёнгоқ думалатиб юрган ўглим-а! Ё тавба! Худо бераман деса, ҳеч гап эмас экан! Ишқилиб омадин берсин, фалончининг ўглидек юзимни ерга қаратмади, эл-юрт олдида шарманда қилмади. Ҳаром-ҳариш едирмадим, ҳалол меҳнатим билан боқдим, ипак бўлмаса, ип кийдирдим, усти ямоқ бўлса ҳам кўнглига ямоқ туширмадим. Ҳамиша Хизр жиловдорию Оллоҳ мададкори бўлсин!

Валибобо ҳар куни беш вақт намозида «Етимнинг мушкулини ўзинг осон қил, Худойим. Шарманда қилма. Сендан битта битта илтижом шу!» деб дуо қиласиди. Бу ҳам етмагандек уни ҳеч нарсага уринтирмайди, ҳатто шамоллаб қолмасин, деб қўлини совуқ сувга урдирмайди. Туришига човгумда илиқ сув ҳозирлаб турди. Унга сари Mashrab хижолат тортади:

— Бу нима қилганингиз, дада, кўрганлар нима дейди?

— Мулла ўглига дадаси хизмат қиляпти дейди. Ўқишишли ўғил, саводсиз отадан юқори, деган машойихлар, болам. Бунинг айби ўйқ.

Орзиқиб кутилган рўза ҳам етиб келди. Кўча-кўй, гузар, бозор боши кундузлари тинч ва кам одам бўлса ҳам, кун огиши билан инига чўп тиқилган арилардай гужгон ўйнаб кетади. Кимдир шу кунларга асрар

қўйган қовун-тарвуз, олма-анор ва узумини саватларда бозорга олиб тушади, қандолатфуруш пашмак пиширади, нишолда тайёрлаб, ўткинчига кўз-кўз қилиб, қиёми келганидан дарак беради. Болалар қўлида пиёла ёки коса билан чугурашиб, уларнинг қулогини битиради. Йўл ёқасида ўтирган, раста айланган тиланчи улардан кўп. Юз-кўзига ҳаёп пардаси туттган қиз-жуонлар атторлиқда ҳина, Бухоро сақиҷи харид қиласидар, тиллаю кумуш йилтиллаган заргарлиқдан кўзлари ўйнаб ўтидилар. Бу дўконнинг соҳиблари сипо, у ерда одам кўп бўлмайди. Хуллас, рўза келибдик, шундай. Шом азони айтилиши биланоқ эса ҳаммаёқ сув қўйтандек жимиб қолади. Фақат девоналару беватанларнинг онда-сонда дайдиб юриши кўзга ташланади. Бадавлатларнинг хонаси ярақлаб, бева-бечораларнинг уйида «жинчироқ» милтиллади. Хуфтонга яқин яна кўчада ҳаракат жонланади: кимдир ифтordan қайтаяпти, кимдир ковушини шапиллатиб таровеҳга елади. Болаларнинг «Рамазон айтиб келдик эшигингизга, қўчқордай ўтил берсин бешигингизга! Ўчоқда кул, ҳамёнда пул, чиқара қолинг, жон амаки», деган шовқин-суронлари оламни тутгади. Рамазондан бўшагач, тушган нон борми, қанд-курс борми, туршак, ёнгоқ борми, чақа пул борми, ойнинг ёргуида бир четта ўтиб бўлиб олишади. Чақани чанглаб, кўчанинг бурчагидами, гузар бошидами хира чирогини ёқиб ўтирган баққолга чопадилар, қурт оладилар, обакидаон, писта оладилар. Саҳарда бундан ҳам қизиқ бўлади. Бошлаб, масжиди Жоме тепасида шаҳарнинг ман-ман деган сурнайчиси Мамажон сурнайчи ёнига ногорачи ўгли, карнайчи уласини олиб, наъра тортади, сал ўтмай унинг ёнига ҳаваскор ўсмирларнинг том бошидаги ногораси қўшилади. Кўрибсизки, оламни чилдирманинг гижбака-бангу, сурнайнинг қичқириги, карнайнинг гат-гати тутиб кетади. Ўйғонганин ҳам, уйғонмаганин ҳам саҳарликка уйготади. Фақат тун ярмигача дайдиган, ҳолдан тойган шўх болаларгина қум-тошдек қотиб ухлайдилар.

Мамажон сурнайчининг «ғийқ» этиб сурнай тортишидаёқ кўзини очган Валибобо бир чимдим ош қилиб дамладио ўғли Mashrabни аста уйготди:

— Туринг, ўглим, ошни дамлаб қўйдик. Юз-кўлингизни ювгунингизча тайёр бўлади.

Шу кунларда машқдан бироз толган ва бунинг устига, Арзигул билан учрашиш иложини тополмай хит бўлиб юрган Mashrab оғриниб бошини кўтарди

ва ўтирган ерида керишиб, устига тўнини ташлаб, ташқарига чиқди: шунаقا уйкуси келардики...

Сопол товоқнинг ўртасида дўппидеккина қилиб сизб келинган ош ейилиб бўлгач, Валибобо чой ичатуриб ўғлига раҳми келди. Шу кунларда анча ранги кетиб, ўзини олдириб қўйди. Кундан-кун саҳарга туришда қийналяпти. Бугун-ку майли, кеча қўлидан тортган дек қилиб турғизиб олди. Ҳар куни уйготишга хижолат чекади. Кўзининг киртайиб кетганини! Бу аҳвозда хатми Қуръонга етиб бормай ётиб қолади.

Ўғлига раҳми келган ота деди:

— Ўглим, шу рўза бир-икки кун қазо бўлса нима қиласди, толиқиб қоласизми, деб қўрқаман.

— Йўқ, дадажон, уят бўлади. Заҳмат чекиб тутилган рўзанинг савоби улуг дейдилар.

— Ахир, тиловатга ҳам куч керак.

— Худонинг йози куч етказади, дадажон, ташвишланманг.

— Майли, болам, майли! Азбаройи жоним ачиганидан айтяпман. Бўлмаса тилим борармиди... Узр, ўглим!

Лекин ота кеча-кундуз ўғлидан кўзини узмади. Овқатнинг тотлигини унинг олдига суради, олдидан гўштчиқса унга узатади, чойнинг қуюгини унга тутади. Унга сари Машрабни совуқ тер босарди:

— Ахир, сиз ҳам рўза тутасиз, дада, ўзингиз енг. Ёшни Худо, кексани овқат асрайди, деган сўз бор!

— Мени қўявер, болам, мен арава кўрган чайир отман. Менга ҳеч нарса қилмайди.

Баъзан Валибобо ифторликка борган еридан нолиб келади:

— Одамлар қутуриб кетган, болам. Рўзи элликбoshi ифтор қилибди, дастурхонда парранда сутидан бошқа ҳамма нарса бор, ё тавба! Бунча мақтанмаса! Бир кишининг қорнига қанча нарса керак?! Икки бурда нону бир пиёла чой, жиндай ширинлик. Йўқ, хандон пистадан тортиб, миср хурмосигача топиб келиш шарт!

— Ҳойнаҳой, бу атрофнинг казо-казолари бордир?

— Албатта, содда болам. Уларсиз ифтор бўладими! Уйнинг тўри уларга, пойгаки бизга.

— Модомики, шундай экан, чираниш керак-да! Домлам кўринмадиларми?

— Йўқ. Эшишишмга қараганда, ифтору зиёфатта кам юрадилар. Йўлдош савдогарнинг келишини эшишиб, «Менинг ўрнимга бошқани айтиқолинг, элликбо-

ши!» деб ўша заҳотиёқ жавоб беридилар. Йўлдош билан ораларидан гап ўтган шекилли-да! Йўлдош бойвачча эмиш, кечагина мишигини тортиб юрган тирриқ дўкондор эди. Одамлар ҳам қизиқ — сал жир битганга дарров ипак тўн ёпди-я! — ўпкаланди Валибобо. — Энди Охунд билан тиклашиб юрганмиш. Сен қаёқда-ю, Охунд қаёқда! Пул қутуртиради, пул!

Машраб, Йўлдош бойваччанинг кимлигини билади. У тўполончи, урушқоқ Эргаш калтанинг дадаси. Домла билан бўлган ҳангомаси эсига тушди-ю, аста «ҳмм» деб қўяқолди ва суҳбатни якунлагандек бўлди:

— Чираниб қилинган ифторнинг савоби кам дейдилар устодим.

— Шу кишининг гали тўгри, ўглим, китоб кўрган одам-да.

— Гап китоб кўрганликда эмас, дада, шу ифтор, шу зиёфат, шу хайри худойи сабаб катта-кичик кўзига ташланмоқчи. Янада мавқе қозонмоқчи, обрўй ортиromoқчи бўлади. Ҳозир «Е, тўним!» замони, дада. Бу найранглар, билмадим, қачон барҳам ейди?

— Йилдан-йил авжга миняпти-ку, ўглим, йўқоладими?

— Борникида-да, дада, ҳамма ерда эмас.

— Албатта. Камбагал битига зиёфат берадими! Борнинг юзи ёруг, қадами дадил, оти йўргалаб юради.

«Дадамнинг кексилиқдан кўзи хира бўлса ҳам, сўзитиниқ», деб билган Машраб, унинг асабийлашиб, инсофисизлик ва дабдабадан гаши келиб бораётганини кўриб, суҳбатни тутатмоқчи бўлди.

— Энди, ётайлик, ҳадемай тонг ҳам ёриб қолади. Барвақт ишга ўтирадиган одамсиз.

Валибобо индамади, дуо қилиб саҳарликка фотиҳа ўқиди. Осмонга янги чиққан ўроқ ой ўрикнинг тепасида бир тилим қовундек бўлиб турарди.

Ҳадемай, Машраб Қуръонга ўтадиган, не-не умидлар билан Валибобо кутган кун ҳам етиб келди. Шу куни Валибобо ишламади. Сартарошга чиқиб, соч-соқолини текислатиб келди, кўйлак-иштонини алмаштириди, қўлининг тирногини олди, иримини қилиб ҳовлини бир айланиб келиб, оёгининг тирногини олди. Мўм ва гулхайридан қорайган бармоқларини ариқ бўйига бориб, юмшоқ ерга ишқалаб тозалади. Ҳар куни ўраб юрадиган салласини бошқа дўшпига ўтқазиб қайта ўради. Ковушининг четларини тозалаб, ярқиратган бўлди.

Икки-уч кунки Машраб Охундницида ётиб қолади,

ўша ерда қироат қиласи. Бугун ҳам келмади. Ўша ердан Охунд билан бирга жомега чиқар экан, Валибобо эса, ўз уйидан борадиган бўлган. Шунинг учун Валибобо ифторликни наридан-бери қилиб, ўзига оро бериб, кийим-бошини тузатиб Чорсу бурчагидаги пишиқ гиштдан ишланган, кунгурали устунлари салобатли масжиди Жомеъга кириб борганда масжид одам билан тўла эди. Ҳашаматли қандиллардаги шамлар тизими ҳамма ёқни чарогон қилиб юборган. Ерга игна тушса топилади. Жомеънинг тур томонига туркман гиламира, этагида эса рангли-рангсиз наматлар тўшалган. Бирор ковушини, бирор чоригини, бирор этигини ечиб қўлига олган, четроқ жой излайди, киравериш тўлиб бўлган. Оёқ кийимидан хотиржам бўлгач, бирон танишининг ёнига ўтади, таниш-билишга салом берса туриб, салласининг пешини туширади ва чўккалайди. Ҳамманинг юзи-қўзида қандайдир мамнуният нури, ҳаракатларида сиполик, қарашида тинчлик ва хотиржамлик. Ўн бир ой мобайнида қилган катта-кичик гуноҳларидан фориг бўлгандек ўзларини эркин сезадилар. Бу вақтда кўнгиллари юмшоқ тортган, унча-мунча гапларни писанд қилмай, узр айтишга тайёр кўринадилар. Турмуш гам-андуҳдари, туганмас ташвишлари шу лаҳзада унтилгандек, энди қайтиб келмайдигандек енгил нафас оладилар, кўнгиллари нур билан тўлиқ ва равшан.

Бир вақт Жомеъ имоми бошлиқ Бозор Охунд, ундан бир қадамча орқада Машраб билан Лутфилла ва яна бир неча киши ён эшиқдан чиқиб келди. Тўпланган жамоага салом беришиб, меҳроб томонига ўтишди. Имом олдинда, бошқалар унинг кетидан бир қатор бўлиб сафга тизилиди.

Валибобонинг кўзи ўглида. У бежиримгина салла ўраган, устида қора беқасамдан урингангина чопон, оёғида шу кунга атаб ўзи тикиб берган саҳтиён маҳси. Машраб чўкка тушиб ўтирганда янги маҳсининг гирчиллаганини эшиттандек бўлди ота. Шу оннинг ўзида кўнглига армон чўқди: қурби етганида тўнини ҳам янгилаб берарди, қўли қисқалик қурсин!

Валибобо ўз хаёли билан бўлиб, таровеҳнинг бошланганини, қорилликка ким ўтганини билмай қолди. Бундай қулоқ солса бир киши қироат билан Куръон ўқияпти. «Ўглимми?» деб синчикласа, бошқа одам экан! Ўзини ўнглаб, «менинг шу ердалигимни ҳеч ким биляптими?» дегандек атрофга оҳиста назар ташлади. Унинг наздида

атрофдаги сомеълар унинг ҳаракатини кузатаётганга, бир-бирига имо-ишора билан кўрсатиб «Анови киши Охунднинг ёнида ўтирган қори йигитнинг отаси бўлади», деб тушинтираётганга ўхшайди. Ваҳоланки, уни бу ерда ҳеч ким танимас, ҳеч кимнинг у билан иши йўқ эди. Лекин, нима учундир, Валибобо ўзини ноқулай сезарди, тер босиб келарди. «Мен бундайман, Машраб ўзини қандай сезаёттаникин? Терлаб кеттандир?», деган фикрга келиб, бўйни чўзиб олдинга қаради. Машраб бемалол, кўп қатори бошини қуий солиб, сомеъларча ўтиради. «Болам пишиқ, ўз ишини билади», деб ичидаги фахрланиб қўйди.

Салдан кейин тиловатта товуши хирилдоқроқ қори ўтди, ундан кейин Машрабга навбат келди. То унга навбат етиб келгунча Валибобонинг бўладигани бўлди! Вақт ўтиб таровеҳ тугаб қолаётганга, ўғли қолиб кетаётганга ўхшарди. «Нега навбат беришмаяпти? Қолдиришдими? Тоби қочдими?» деган ташвишли фикрлар билан бошини оғротиб юборди. Мана, ўғли бошладиу шу тушса ташвишли фикрлар билан бошини оғротиб юборди. Мана, ўғли бошлади; адашиб кетмасмикин? Тутилиб қолмасмикин? Қироати уламоларга маъқул бўлармикин?

Машраб эса, дадасининг ҳаяжони ва титроғидан бехабар, қубба нусха шифтли, атрофи ажойиб бўёқлар билан келиштириб сирланган, деразалари жатта ва баланд масжиди Жомеъни ларзага келтириб, бутун қобилияти ва уқувини ишга солиб, меҳру муҳаббат билан ўз ҳиссасига тушган сурани қироатини келиштириб ўқир эди. Унинг тўлишиб келаётган, лекин ҳали ҳам болалиги нуқси уриб турган янгроқ ва ширали товуши сукут денгизида балиқдек сузиб, жавлон уриб юрарди. Сомеълар оппоқ саллали бошларини қуий солиб, қироатига маҳлиё бўлиб тинглардилар. Лекин барибир унда-бунда семизроқ одамнинг пишиллагани ёки касалванд кишининг ҳаё билан йўталган бўғиқ товуши эшитилиб қолмаса, ташқаридан кузатган одамга Жомеъда ҳеч ким йўқдек туюларди. Қандайдир сирли ва муazzзам оҳант масжид бўшлиғини тўлдириб одамларга файзу ҳаловат уфуарди, кўнгилларини сокин туйгу ва илтижоларга тўлдириб, мўминликка, саботга, сабру қаноатга, шукроналикка ундарди.

Бирдан Валибобонинг кўнгли хира тортди. Ёнига қараб ўзидан уч киши нарида ўтирган бирорининг мудраб қолганини, пастки лабининг осилиб «пиши-пиши» деб силкинаёттанини кўрди. Ундан нариги яна биттага

сини уйқу босиб қалқиб бориб келади, ўзини шунча қилади, тутиб ололмайди. Ёнидаги ҳамроҳи «Ўзингни тут!» дегандек биқинига туртади. Шериги бирдан кўзи ни очиб, ҳечким сезмадими дегандек атрофга аланглайди, «тирикчилик, кундузи қаттиқроқ ишлаган эдим» деб ўзини оқлади.

Валибобо ўз хаёллари билан бўлиб, Машрабнинг тутгаттанини, бошқа бир қорининг янги суро бошлаганини билмай қолди. Бу ҳолидан ичида ранжиди: хаёлини чалғитмаса нима қилас экан? Унга деса одамлар мудрамай тош қотиб ухлаб қолмайдими! Мана шунча кун интиқиб кутган ўғлининг қироатини охиригача эшитолмай қолди, эҳ, аттанг!

У бошини кўтариб, бўйини чўзиб ўғлига қаради. Машраб боягидек яна сомеълар қаторида ўтирибди. Унга орқа бўлганидан бўйини аниқ кўрди. Қизариб кетган, терлаган. Ҳаяжонланиб, фикри-зикрини йигиб қироат қилганидан бўлса керак. Ўғлимизнинг баҳти очилгани шу. Энди бошини иккита қилиб қўйсак эди...

Валибобонинг ширин хаёлларини одамларнинг дув этиб қўзгалгани бузди. Таровех тугаган эди. У ҳам одамларга қўшилиб ташқарига чиқди. Кимнингдир «Ҳой, биродарлар, ковушинглар адашгани йўқми?» деган ташвишли овозини эшилди, ёнидан ўтаётуб ўша одамнинг қўлида бир жуфт чакаги узилган эски кавушни кўрди. Кўнглидан «Ўз ковуши янгига ўҳшайди, бечорани қўлга туширибди-ку» деган фикр ўтди. Бечора камбагалнинг қўзи жиққа ёш эди!..

Валибобонинг ясаниб-тусаниб, не-не умидлар билан масжиди Жомеъга келганини, ҳаяжон билан ўғлининг қироатини тинглаганини ҳеч ким пайқагани йўқ. У одамларнинг муборакбод қилишини, унинг қўлини олиб «яхши фарзанд катта қилибсиз. Қироати жуда яхши, баҳтини берсин, роҳатини кўринг» дейишини кутган эди. Йўқ, ҳеч кимнинг у билан иши бўлгани йўқ. Фақат масжиднинг нақшдор эшиги тагида бир кишининг «Ҳалиги ёш қорининг дадаси анови бўз чопонлик» деб шивирлаганини эшилди. Ибо-эҳтиёт билан бошини кўтариб қўзининг қирини ташласа, ўзининг дурадгор ён қўшниси. Кўз-кўзга тушганда юмшоқ табассумда сўрашган бўлди, охирида мамнуният билан қўшиб қўйди:

— Товуши яхши, уста! Роҳатини кўринг!

Ана шунда шу атрофдагилар ялт этиб унга қаради. Баъзи бирорининг қўзида қизиқиш ва иштиёқ бўлма-

са, кўпчилик парвойи фалак эди. Лекин Валибобонинг наздида ҳамма уни қўлини ниш қилиб кўрсатаётгандек бир зумда қизариб кетди, муздай тер босди. «Қуллуқ, қуллуқ!» дегандек қўлини кўксига қўйиб турарди. Шу онда қаёқдандир пайдо бўлган Машраб:

— Дада, кетиб қолмадингизми? — деди.

— Йўқ, болам, сенсиз қаёқса бораман! — деган Валибобо фахрланиб кўзини унга қадади.

Осмон тиник. Юлдузлар чамани тўқис, яқин юлдузлар чараклайди. Лекин осмоннинг бурчини қалин булат босиб келарди.

Эртасига Машраб мактабга бориши билан Охунд яна қориҳонага чақириб қолди. Яна нима гап, деб кириб борса, хонанинг ўртасида Охунд турибди. Дераза рапидасида рўмолчага тугилган бир-иккита тугунча. Машраб кириши билан уларнинг бирини Машрабнинг қўлига тутган Охунд алоҳида таъкидлади:

— Бунинг ичида кўйлак-иштонлик бўз бор. Уни Тошпўлат ҳаммолнинг болаларига берасан, етимчалар улуг айём — ҳайитда оҳорликсиз қолмасин. Ковушни эса, Ойша буви бор-ку, кампир, қўйи маҳаллали, ўша кишининг ўз қўлларига тутгин. Дуоларини ол! Тўқсондан ошдилар, табаррук она! Мана бу тангани эса, мозор бошига ташлаб ўт... Уқдингизми, ўғлим?

— Хўп, тақсир.

— Сизга жавоб. Ўшанақаси уйингизга кирсангиз ҳам майли, бугун сиз озодсиз!

— Қуллуқ, тақсир!

Машраб тугунчани қўлтигига босди.

V

ВИСОЛ ОНЛАРИ

Машрабнинг кўз олдида ҳамон ўша Арзигул турарди. У олтин узугининг йўқолган гавҳар кўзи бўлиб ҳеч хаёлидан кетмайди. Охунднинг қисигидан сал қутулиб, эркин нафас олиши билан яна баҳорнинг пага-пага оппоқ булатларидек босиб келаверди. Шунча вақт қандай сабр қилиб юрганига ўзи ҳайрон қолди. Хаёлида суратини солади, гойибона сұҳбатлашади, тўё уни яхши билади-ю, у қочиб кетганга ўҳшайди. Баъзан узоқдан, қандайдир туманлик орасидан «Ҳа, ваъдаси ёлғон!» деб тургандек кўринади. Ана шунда Машраб-

нинг юрак-багри тутдек тўқилиб, энтикиб қолади. Ўша тутли ҳовли эшиги тагига айланиб бораверади. Ўқиши тугаб, қизлар тарқалиб кетган бўлса-да, у ерда Арзигулнинг йўқлигини билса-да, мактаби атрофида айланниб юради. Мўъжиза рўй бериб, рўпарадан чиқиб қоладигандай юраги ҳаприқаверади.

Хайит қилиб келган холаси яна бир гапни жиддиюроқ қилиб ташлаб кетди. Хайрлашаётуб Валибобога таъкидлади:

— Энди, Машрабжоннинг тўйи шу ёздан қолмасин, почча!

Валибобо йўқ демаган бўлса ҳам ўз вазминлиги билан:

— Яхши, — деди ю, кун бўйи хаёл суреб юриб, кечки пайт Охундга йўлиқди:

— Ўша куни ўғилнинг бошини иккита қилиб қўйишдан гап очиб эдингиз, тақсир, маслаҳатга келдим, — деди, — тўйлар жуда мен сендан ўтаман бўлиб кеттан.

Валибобо ўёгини қанақа қилиб тутатишни билолмай турган эди, Охунд мийигида кулиб ҳазиллашди:

— Битта ўғлингиз, чидайсиз-да, уста!

— Бор бўлса, юз-кўзидан садақа, тақсир, йигит бир уйланади, қиз бир эрга тегади. Қўл ўлгур қисқа-да!

Унинг олдида ўша табассумида боқиб турган Охунд бирдан қаҳ-қаҳ уриб юборди. Унинг кулгусидан шундай жавоб куттганлиги, бунинг учун куйиб-пишишнинг ноўринлиги сезилиб турарди.

— Улар «мен сендан ўтаман» тарзида тўй қиласа, сизга нима, уста?! Сизнинг Чорсуда қатор-қатор дўконнингиз бормики, қирда ботмон-ботмон ерингиз бормики! Ё Хитойга қатнайдиган карвонингиз борми? Ўз кўрпангизга қараб оёқ узатаверасиз-да.

— Энди эл-юртчилик... — адуугланди Валибобо.

— Эл-юрт катта тўй қилинг, деб ёқангиздан тутяптими? Йўқ, ўзингиз ёқангизни мақтандоқ, тақаббурлар қўлига тутиб беряпсиз. Эл ҳеч нарса демайди, оғзига кучи етмаган калондимоглар гапиради. Бир кун гапиради, икки кун гапиради, кейин эсдан чиқарди.

— Шундайку-я, тақсир...

Охунднинг серсоқол бежирим юзига яна табассум тараалди, тишининг оқи кўринди:

— Шаҳар ҳокимининг қизига совчи қўймоқчимасдирсиз, ахир!

— Йўқ, албатта, тақсир.

— Ҳа, бўпти-да, — деди Охунд ва гўё фикрини йигаётгандек ўйланиб қолди. — Аслида-ку, уста, никоҳ бир коса сув билан икки кишининг гувоҳлигида ўқила-диган нарса. Қариндошу қўни-қўшни билса кифоя. Етти маҳаллага жар солиш, тонготар базм, қўшалоқ карнай-сурнайю ногора, ҳаммаси кейин чиқсан. На Худои таолога маъқул, на исломи шаърийга тўгри. Тушунтирсанг эл қулоқ солмайди. Элни-ку қайириб олса бўлади, лекин чала мулла билан бўйни йўғонни тавба қилдириб бўлмайди. Соқов гапирадигон, чўлоқ юрадиган бўлади, дегандек чала мулла билан пулдор бойвачча йўлда тўғаноқ. Дарров қаёқданdir фатво топишади, орзуҳавасни пеш қилишади.

— Бева-бечоранинг бели чиқиб кетгани билан ишлари йўқ, — мамнун бўлиб гап қўшди Валибобо ва «Камбагалга қайишидиган, ҳақ гапни айтадиган ҳам бор экан-ку. Шунинг учун бечора Охундни шаҳарнинг казо-казолари унча хуш кўрмас экан-да! Тўгри сўз тукқанингта ёқмайди!» деб хаёлидан ўтказди. Охунд кўзига янада улуғвор, янада меҳрибонроқ кўринди. Нега шундай шариатпарвар, эл ғамини ейдиган кишилар турган ҳолда, бу оми ҳалқ эгри йўлга кириб кетган? Рост гапни маъқуллаш шунчалик мушкулми? Бир маҳал, йигитлигида, «шундай ер-суви, давлати бўла туриб, кимсан фалончи деган мактабдор Охунд ўрта-миёна тўй қилиб, ўғлини уйлантириди» деган гапни Валибобо эшитган эди. Демак ўшандәёқ бу ишларнинг ортиқчалигини, исломи шаърийга хилоф эканини билган, оми эл йўлини эмас, шариат йўлини тутган экан. Балли-ей, Охунд, чийратма, пишиқ экан!

Охунд Валибобонинг фикрини маъқуллаб деди:

— Ҳа, балли, уста. Бева-бечорага қийин бўляпти. «Қўтанг бўри кирса, битта қўйликка қийин» дегандек, камбагалга жабр.

— Тўгри, тақсир, гапингиз жуда тўгри! Кишиларда инсоф қолмади. Ўзим бўлсам дейди.

— Охирзамон — қиёмат қойим яқинлашиб қолдими, деб қўрқаман, уста. Худонинг бу осий бандаларига раҳми келсин, бўлмаса, шариатдан жуда тойиб кетдик.

— Биз омилар буни билмаймиз, тақсир, сизга аён. Сиз китоб кўрасиз.

Охунд, устани жуда олиста, ваҳимали йўлга бошлаб кетганини билиб қолдими, ёки айтадиган фикри тамом бўлдими, гапни яна айлантириб Машрабжоннинг уйланишига тақади:

— Кўркманг, уста, тўйни бошлайверинг. Худонинг ўзи етказади, Омлоҳ таоло «бандам, эзгу ишингни бошлайвер, мен борман» деган. Ўзи ҳозир-нозир!

Охундинг олдидан кўнгли тўлиб, руҳи ёришиб чиққан Валибобо тўйнинг енгил кўчишига имони комил бўлгандан ниятининг отини йўргалатиб қолди. Шу вақтгача қаттиқ туриб олмаган бўлса ҳам, ўғлини кўндиrolмаган уста, энди жиiddийроқ киришади. «Хўп де, болам, айни уйланадиган вақтинг» деб қисталанг қилалиди. Кечаси яна холаси келиб кўз ёши қилиб кетди. «Кўнглингда кишинг бўлса, уни айт, кўрайлик, суринтирайлик. Ҳар ким кўнгли тусаган ошни ичади», деди.

«Оҳ, — деди ўшанда Машраб ичи зил кетиб, — кўнглимдаги кишини жон деб айтардим, ўша кўнглимдаги киши қани? Бир кўрдиму йўқотдим. Лочин бўлиб кўкка учдими, балиқ бўлиб сувга кириб кетдими — билмайман, билмасдан армондаман, холажон!»

Машраб билдики, дадаси билан холаси энди қаттиқ олди, кўйиб юбормайди. Тиш билан ечиладиган тутун пайдо бўлди. Демак, Арзигул билан учрашувни қандай бўлмасин йўлини топши керак, лочин бўлса осмонга чиқиб, балиқ бўлса, дарёга шўнгиб. Бошқа илож йўқ. Шу холаси бўладиган бўлса, ҳали биттасини топиб келадида, «Мана шу сенбоп. Қаламдек қоши бор, юлдузdek кўзи бор, қадди-қомати келишган, оёқ-қўли чаққон», деб бошини қотиради. Хола билмайдики, ҳали яхши кўрмаган бўлса ҳам, у мақтаган ҳурилиқдан яхши, оламда тенги йўқ, ҳар қарашидан эзгулик ёғадиган ўз кишиси бор.

Куни кеча Охунд ҳам сабоқдан кейин Машрабни яна қориҳонага таклиф қилиб қолди. «Яна нима ишни бошламоқчи» деб Машраб кириб борса, кулиб қарши олди. Ҳар вақтидагидан кўриниши, чеҳраси очик, кўзлари ёниб турибди.

— Ўтириинг, ўглим, — деди мулоиймлик билан Охунд ва Машрабни бошдан-оёқ қараб чиқди. Унинг бўйи чўзилиб, йигит тусига кирганига қаноат ҳосил қилдими ёки кўнглидаги аллақандай саволига жавоб топдими, салмоқлаб гап бошлади:

— Бўтам, тунов куни падари бузрукворингиз келиб эдилар, кеча яна масжидда йўлиқдилар. У киши бир эзгу ишни бошлаш ниятида юрибдилар. Оқ-қорани танинган, эсли-хушли йигитсиз, танангизга ўйлаб кўринг. Ортиқча гожликка ўрин йўқ, бўтам. Модомики, пайти келган экан, рози бўлмоқ керак. Бу иш Парвардигори

оламга кўп хуш келади. Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳам ҳадисларида бу ишни улуғлаб, бандай мусулмоннинг фарзанди қанча кўп бўлса, шунча маъқул деганлар. Зотан, уйланишдан мақсад фарзанд кўрмоқ. Муҳаммад умматининг сонини кўпайтироқдир. Сизнинг бу эзгу ишдан бош тортишингиздан бироз ранжиридим, бўтам!

Шунча йил таълим олиб, унинг бир сўзини иккита қилмаган, ўзининг итоаткорлиги билан домланинг ҳурматини қозонган Машраб, бу хилдаги сухбатни кутмаган эди. Уни тер босди, қизариб кетди. Устоди қошида бошини яна қуий туширди, ахийри «Домламни чиндан ҳам ранжитиб қўйибман шекилли» деган андишага бориб, аста деди:

— Бош тортганим йўқ, устод!

Шогирдининг эзилиб кетганини кўрган Охунд оҳиста сийпалади:

— Демак, биз падари бузрукворингиз сўзларини гализ тушунибмиз-да, бўтам. Бош тортмаган бўлсангиз яна яхши. Шошмай, албатта яхши қиласиз, аввал суриштириинг, узук бармоқقا, ёр кўнгилга ярашиқ бўлмоғи керак. Мехрибон хотин меҳрибон биродари-қариндошдан, меҳрибон дўст ҳамдамдан ортиқ. Яхши хотин нақд олтин, деган машойихлар. Шайх Саъдий ҳазратлари бундай лутф этмишлар:

Хотин бўлса қобибу ақли расо
Эрин шоҳ этар, гарчи бўлса гадо.

Охунд бу форсий байтни келишитириб, қироати билан ўқиб бўлгач, мийигида сипо қулди ва аста қўшди:

— Тўгри, бир хотиннинг макри қирқта эшакка юқ бўлади, деган мақол ҳам бор. Лекин бунисини ноқобил, бефаросат одам айттан, бундай тўзон гапларга қулоқ солманг. Китоб кўрган, ҳатто газаллар ёзив юрган идрокли йигитсиз. Отангизни норози қилиб галга солманг. Отанинг кўнгли ўксиса, армонли иш бўлади, ота рози — Оллоҳ рози. Ҳар ишнинг ўз вақти ва ўз гашти бор. Ўттизга кирган йигитнинг ўтин терадиган ўғли бўлсин, деганлар. Қатиқни ҳам узоқ тутилса, суви ажралиб қолади, бўтам. Донолар «қирқ йил умр кўрган одам дунёнинг аччиқ-чучугини тотиган бўлади» деганлар. Бизга ишонсангиз бўлади!

Охунд охирги сўзини ҳазилнамолик билан айтди.

Аммо Машраб «Домлам ишонтиrolмапти» деб ўйлаб хижолат тортди, жавобга шошилди:

— Албатта, тақсир, сизнинг ўзингизга ишонмасак... Сўзингиз амри вожиб.

— Ҳа, балли, бўтам, — Охунд Машрабнинг ризолигини олганига имони комил бўлиб ибраторумуз насиҳатга ўтди. Унинг пайти келганда шогирдларга шундай гаплар қилиб туриш одати бор эди.

— Бу олами мунавварда беш мўътабар зот бор, бўтам. Бири исм қўйган ота, бири аллалаган она, бири таълим берган устод, бири вафодор хотин ва яна бири қадрдан дўстdir. Беш нарсадан одам зотига зиён-заҳмат етади. Бири ёлғончилик, бири бевафолик, бири тилни тиймаслик, бири хасислик ва яна бири сабртоқатсизлик. Унутманг, бўтам, улуғликка эришмоқ учун йиллар керак бўлса, пасткашлик учун лаҳза кифоя! Илм одоб билан, бойлик саҳоват билан, куч-қудрат баҳодирлик билан қадрланади. Ҳаёсизлик билан кўп сўзлаш, кибрланиш билан бойлик кишини бебурда қиласди. Чиройли кийим-бош кишининг ҳуснини очса ҳам, ақдга зийнат бўлмайди, бўтам. Нафсини тия билган, ҳаром-ҳаришдан ҳазар қила олган одам энг кучли ва доно одам. Бир нодон дарёга сочган марваридни юз доно териб ололмайди. Ақл-фаросат билан иш тутиб, мулоҳаза билан яшамоқ керак. Идроксиз бош — суви қуриган булоқ, ахлоқсиз йигит — эгар жабдуқсиз от, ҳаёсиз хотин — тузсиз таом, имига амал қилмаган уламойи фозил — ҳиди йўқ савлаттул. Жоҳилнинг дўсти, ҳасадчининг роҳати, фириғарнинг муруввати бўлмайди. Саҳоватлик зотнинг қозони музда ҳам қайнайди, бўтам! Кўзингизни очиб, феълингизни кенг тутиб яшасангиз, бўтам, иншооллоҳ бирордан кам бўлмайсиз. Қани, қўлингизни очинг, омин!

Бозор Охунд қўлини очиб узоқ дуо қиди. Ўрнидан қўзгалар экан, Машрабнинг елкасига қоқди:

— Боринг, бўтам, яхши ерлардан ато қилсин. Бу хушхабар билан отангизни хурсанд этинг.

Машраб Охунднинг ҳузуридан чиққач, дадасини хурсанд қилгани эмас, бирдан-бир умиди бўлган Эргаш калтани қидириб кетди. Энди астойдил Арзигулнинг кетидан тушмаса, уни топиб, кўнглига қўл солиб кўрмаса бўлмасди. Охунд билан шу дадаси бўладиган бўлса, уни энди тинч қўймайдилар.

Эргаш калта Охунддан дакки еган кунлари бироз уқиниб, кутимаган зарбага йўлиқкан полvonдек тан-

гиб юрди. Бу орада савдодан қайтган отаси Йўлдош бойвачча Охундга учради. Охунднинг кўнгли совға-салом тилаганми, деб инъом юборди. Лекин домла совғани очиб ҳам кўрмади. Пешиндан кейин Машрабни чақириб, совғани қўлига тутди:

— Айтинг, бу совға-саломга лойиқ таҳсил бериш домланинг қўлларидан келмасмиш. Кейин кўнгилингиз ранжиб юармиш, дент. Ҳа, худди шундай дент, бўтам!

Машраб инъомни қайтариб олиб борганда Йўлдош бойвачча ганч билан нақшланган, токчаларига рангли бўёқ билан гул солинган меҳмонхонада, етти қават якандоз-кўрпача устида ниманингдир ҳисоб-китобини қилиб ўтиради. Машрабни кўриши билан бошини кўтариб саломига алик олди. Қўлтиғидаги тугунчани таниди-ю:

— Тушунарли! Мана бундоқ қўяқолинг. Домлангизнинг қоринлари тўйибдими, устлари энди бутун бўлибдими? Жуда яхши! Ортиқаси сассиқ-кеқиртак қилармишми? Жуда яхши. Кўчада қолган давлатим йўқ! — деди дабдурустдан.

Машраб рўмолга тугилган совғани уй соҳиби кўрсатган ерга астагина қўйди.

— Кетсам ижозатми?

— Бораверинг, бораверинг! Домлангизга айтингки, бу қилиқларидан жуда миннатдор бўлдик.

Машраб орқаси билан юриб ташқарига чиққанда Эргаш йўғон ва нақшдор устуннинг орқасида ўгри мушукдек пусиб, ранги оқариб турарди. Машрабни кўриши билан бир четга тортди.

— Отам нима деди? Уришиб бердими? Домланг ҳам қизиқ-да, ўқитмаса ҳам совгаларни олиб қолавермайдими! Отам энди менга ҳам, унга ҳам кун бермайди.

Эргаш калта дир-дир титрагди. Гўштдор қўлининг қисқа бармоқлари ҳадеб очилиб-ёпиларди. Икки кўзи отаси ўтирган меҳмонхонада. Бирдан Йўлдош бойваччанинг товуши келиб қолди:

— Эргаш! Ҳо, Эргаш!

Унинг кўзлари ола-кула бўлиб, Машраб билан наридан-бери хайрлашди.

— Энди мен ўлдим! — деди отасининг қошига кириш учун у ёқ-бу ёғини тузатар экан.

Машраб кўча-кўйда гўдайиб юрадиган Эргашнинг чумчукдек кичик тортиб кетганига, овсар кишидек

довдираб қолганига ажабланди. У оёқлари чалишиб боради!

Эртасига хабар олгани борса, йўқ, жин ҳам урмабди. У яна ўзига келиб қолган, гаплари бурро эди. Кечаси кўрган тушини ҳикоя қилиб бериб, Машрабнинг ўпкасини узди.

— Отанг қаттиқ хафа қилмадими? — деб сўрашга мажбур бўлди Машраб.

— Кечами? Роса койиди, пўстагимни қоқди. Домланг совга-саломни қайтариб юборганига отам ҳеч чидомаяпти! Куфри чиқиб ётиби.

— Нуқул «домланг, домланг» дейсан, нима, сени ўқитмаганми? — деди зарда билан Машраб.

— Биз энди озод, Эркин қуш!

— Энди нима қиласан? Бошқа домлада ўқийсанми?

— Ўқиш энди тамом-вассалом. Отам атлас дўкони очиб берармиш. Ўқимаган очидан ўлибдими?

— Қани энди бизнинг ҳам дўкон очиб берадиган азамат отамиз бўлса! Дўппини осмонга отиб, ялло қилиб юрардик, — деди Машраб жўрттага ва Эргашнинг қўлтиғига сув уфурди. Эргаш яшина бетди:

— Бормисан, ўртоқ! Домлангнинг бўйрасида ўтиравериб остимдан зах ўтиб кетди. Энди бундоқ кўкракка шамол тегсин. Пул топайлик. А, лаббай! Ҳар дардга даво пул, бўстонларда савти-наво пул. Хунукни чиройлик, қарини ёш кўрсатадиган пул.

Эргаш калтанинг очилиб кетганини Машраб кулагида олди.

— Шунақами?

— Бўлмасам-чи! Бизнинг бобойни кўрдингми, олтмишдан ўтганда ўн ети яшар соҳибжамолни олиб ўтириби. Гули бўлмаса, шарти кетиб, парти қолган чолга ким ҳам қиз беради! Ўзи ҳам бир қоп пулга тушгандир...

— Ваҳима қилма! — ажабланди Машраб. — Битта тўйга шунча пул керак эканми? — Машрабнинг хаёлига ўзининг бўлажак тўйи келиб чиндан ҳам ваҳимага тушган эди.

— Қанақа гўлсан! Китоб ўқийвериб миянг суйилиб кетиби, тентак. Тўйдан олдинги ҳангома-чи? Қалин пули-чи! Ўртада турганларнинг хизмати-чи! Ишонмайди-я! Бир қоп бўлмаса, бир тўрва кетгандир. Дўстим, пул жуда қудратли куч, тегирмон тошини тескарисига айлантиради. Пул бўлса Арзигулнинг қўйнингда, — деб куљи у ва қақажон синглисининг гапларини айтиб берди.

Арзигулни ўша тут устида учратган куни Эргашнинг ерга урсанг кўкка сакрайдиган, «минг яшар» қақажон синглиси ҳам бор экан ҳовлида. Эшиқдан қараб жўрттага «Вой, ёш бола-ку!» дегани ўша экан. Ўша кундан бошлаб Арзигулдаги ўзгаришни ҳам бошлаб шу «минг яшар» сезган ва «Ўла, жигарингдан урдими?» деб тегишган экан. Содда Арзигул «Билмасам, нуқул ўша бувимниги боргим келаверади» дебди. «Минг яшар» эса хандон солиб кулиб, уни қучоқлаб, ҳазиллашиб «Бўпти, тайёрсан! Ошиқи шайдо бўлибсан! Энди нима қилдик?!» дебди. «Энди ошиқни қаёқдан топдик?! У ҳам сени излаб юрган бўлса-я!» деб тегишибди. Ўз ич-этини ўзи еб, берк кўчага кириб қолган кишидек ҳайрон содда Арзигул қип-қизариб, терга ботиб «Бўлди, бўлди, ўз куйганим ўзимга етади, мазах қилма!» деганиши. Шунда «минг яшар» қулогига аста «Иложи бор» дебди ва бир четга олиб «ўша йигит» акаси билан Охундда бирга ўқишини пичирлабди. Арзигул «Вой, шунақами» деб йиглаб юборганимиш. Бу қанақа йиги эканини дугонаси ҳам билмасмиш.

Бу гапларни дўлвор Эргаш кўтариб келдию Машраб чувалган қалавасининг учини топиб олгандай шошиб қолди. Энди уни учратишгина, ўша йиги билан жовдираган кўзларига бир боқиши ва юрагини ўқишигина қолган эди.

Ажабо, наҳот бир кўрганда икки томон «шунақа» бўлса! Гаплашиб, юрак ёзишгани ҳам йўқ, фақат тут ҳақида икки оғиз ҳазил-мутойиба бўлди, холос. Наҳотки, шунинг ўзи икки кўнгилни бир-бирига боғлаш учун кифоя қиласа! Қизиқ, бир лаҳза-я! Фақат бир лаҳза!

Бирдан Машрабни шубҳа гирдоби ўраб олди: Эргаш калтанинг навбатдаги ҳазили эмасмикин? Мени мазах қилаётган бўлса-чи! У бунақа қўпол ҳазиллардан тоймайди. Унга кулаги бўлса бас.

Машраб иккиланиб қолди ва юрагидаги бу сирни ҳеч кимга ошкор қилмай, таваккал мактабига бормоқчи бўлди.

— Яширма, Машраб, ҳаммасини кўзингдан кўриб турибман. Ҳали менга кўп ишинг тушади! — деб тегишганича қолди Эргаш.

Бу лаҳзада Машрабнинг қулоги том битган, унинг хаёли бутқул бошқа оламда. Арзигул юрган йўлларда, тутли ҳовлида, у ҳали қўрмаган мактаб ва унинг остонаси атрофида эди. У ўзича бир ажойиб паризод яра-

тиб олган, бу паризод уни қаердадир кутиб турарди, унга интизор, баъзан қон йиглаб, баъзан осмонга нола қиларди. Машраб эса, буни билгани ҳолда нуқул галга солади. Шу яхшими? Албатта, ёмон, катта гуноҳ! Наҳот, шундай бир паризод кун бўйи йўлларига кўзини тикиб ўтиrsa-ю, Машраб гоҳ вақт баҳона, гоҳ яна нимадир баҳона галга солаверса! Йўқ, бу яхшимас. Бугун топади, нима бўлса бўлсин, бугун топади. Дардини аритиб, унинг кўз ёшларини артади. «Қўйинг, Арзигул, йигламанг, мана ман келдим. Нега йиглайсиз? Олоҳга шукронга айтинг!» дейди.

Машраб Арзигулнинг шу куни мактабдан қайтар йўлини пойлавериб кўзлари сарғайиб кетди. Кутишнинг бунчалик қийин эканини билмаган экан, ҳар дақиқаси бир соат бўлиб ўтарди, бунинг устига бирор келиб «Ҳа, Машраб, бу ерда нима қилиб турибсиз?» деяётганга ўхшайди. Ҳатто кечагина бир газалини куйга солиб айтган ашулачи йигит «Эртага яна бир газал тайёр бўларкан-да, Машрабжон!» деб сирли кулиб ўтиб кетди. Нарироқ бориб, кўрсаткич бармогини кўтариб таҳдид қилди. Машраб, нима мақсадда тургани сезилиб қолгандай сесканиб кетди.

«Қизиқ, — деди кўнглида Машраб, — кишилар муҳаббат ҳақидаги, ошиқ-маъшуқлар ҳақидаги достонларни севишиб, талашиб-тортишиб ўқишиди. Жудоликка йўлиққан ошиқнинг тақдиридан аччиқ-аччиқ йиглашади, раҳмлари келиб, фалақдан дод солишади. Улар тақдири ва кўз ёши ҳақидаги ашулаарни мароқ билан тинглашади, ашулачиларга офаринлар айтишади, ошиқона газалларни ёдлаб юришади. Лекин ҳаётда эса муҳаббатни айб санашади, севиб қолган қизни беномус, ҳаёси йўқ, беандиша дейишади. Ўз ишқи туфайли, поқиза ва бегубор севгиси туфайли сўйилиб кетган, зўрлаб эрга берилган ва баҳтсиз қилинган қизлар қанча! Ажабо, нега шунаقا? Наҳотки, китоб ва достонлардаги севги бошқа-ю, ҳаётдаги бошқа! Нега эл-юрт севган-севилган қизни таъқиб қилади? Баҳтига гов ташлаб, таҳқирайди? Мана мен жон-дилимдан севган кишимни интизор кутиб турибман. Уни кўришга, у билан суҳбат қилишга мунтазирман. Хўш, бунинг нимаси айб? Нечун кишилар бунга галати қарайдилар? Нечун ваъдалар пинҳон ва чекка-чеккада бўлади? Ахир, бир жинойи иш бўлаётгани йўқ-ку! Наҳотки, камдан-кам одамга насиб қиласиган севги, олижаноб ва улугвор севги шунчалар таҳқиранса, таъна тошлари остида

ётса! Севган ва севилган бечора минг бир андиша ва қўрқув билан яшаса! Юраги талпинса, кўзлари тинса-ю, севгани билан яйраб кўришолмаса! Учрашганда кўзи олазарак бўлиб, доим хавотирда юрса! Ажабо! Ҳаёт шунчалар галати!

Машраб ана шундай түгёнли фикрлар, мулоҳазалар, андишалар билан боши қотиб, Арзигул ўқийдиган мактабнинг қаршисида, кўчанинг бу бетида, анча олисда турарди. Бирдан мактаб эшиги очилиб, ичкаридан «Зот-зот, домла, озод» деган шовқин-сурон билан ёш-ёш қизлар кўчага отилди. Булар орасида Арзигул йўқ эди. Машрабнинг юраги ҳаприқиб, орқасига тортиб кетди. «Шу ерда ўқийдими, балки мактабда ёмасми?» деган фикр хаёлида чарх уриб, кўз олди қоронгилашиб, кўнгли алланечук ноҳушланди. «Ё бугун келмаганмикин?» деган хаёл билан ўзини босиб турганда бирдан эшикнинг ҳалигина гийқиллаб ёпилган бир табақаси ҳам очилиб, учта қиз кўринди. Шулардан биттаси у интизор бўлиб кутган Арзигул эди! Машраб бу кутилмаган баҳтдан эсанкираган кишидек талмовсираб, ўзини қаёққа қўйишини билмай қолди, кўзи аланглади. Ана шунда Арзигул уни кўриб қолди ва қип-қизариб кетди. Бирор кўкрагидан итаргандек бир онгина тўхтаб қолди. Шу онда уларнинг мунтазир кўзлари учрашган, ўртадаги масофада муҳаббат шуълалари ловиллаб турарди. Улар бир-бирининг қаравшига бардош беролмай, ҳаёданми, хижолатданми кўзларини четга олиб қочдилар.

Машрабдан олдинроқ ўзини тутиб олган Арзигул ўртоқларини тўхтатиб, уларнинг қулогига нимадир шивирлади. Ўртоқлари уни диққат билан тинглаши-ю, Арзигулни ёлгиз қолдириб, йўлларида давом этдилар. Арзигул эса, сиполик билан ён кўчага бурилди. Уни тушунган Машраб, билмаган кишидек орқасидан эргашди. Арзигулнинг ўртоқларидан бири Машрабга қамти келишганда, ўтиб кетатуриб, «пиқ» этиб кулиди, оғзини қўли билан тўсиб чопиб кетди. «Ўл, нега қочасан?» деган дугонаси ҳам унинг кетидан чопди. Нарироқ бориб яна орқаларига сирли қараб, бир-бирларини туртиб қўйишиди.

Бу маҳалда Машраб Арзигул бурилган кўчага кирган, унинг орқасидан изма-из борарди. Арзигул эса, кетига қарамас, лекин бутун диққати ва хаёли шу ёқда эди. Машрабнинг этиб келишини кутгандек битта-битта қадам ташлаб борарди. Машраб қадамиғи тезлата

бориб, киши йўқ, камқатнов ерда аста салом берди. Қиз лабини астагина қимирлатиб, овозини чиқармасдан алик олди, унинг биринчи сўзи:

— Шу ерда кутасизми? — бўлди.

— Қаерда туриш им керак эди? — кулгига олди Машраб. — Мана бундандан кейин айттган ерингизда кутаман.

— Вой, бу нима деганингиз?

— Ўзингиз ноқулай ерда турибсан, деяпсиз-ку.

Шу билан гап тамом бўлди, на қиздан, на йигитдан садо чиқарди. Шунда ўқиган китоблару ёд олган газалларидағи сўзлардан биронтаси ҳеч эсига келмаганидан Машраб ҳайрон қолди. Хўш, нега унинг тили тутилиб қолди, нега? Наҳот, шунча вақт энтикиб кутиб, энди учрашганда, ниятига етганда, юрагини очиб қоладиган бир пайтда тили калимага келмаса! Чор-ночор деди:

— Ўқишиларингиз яхшими, Арзигул?

— Вой, менинг исмимни қаёқдан биласиз?

— Сиз меникини қанақа қилиб билиб олган бўлсангиз, мен ҳам худди шундай... Ё исмингиз бошқами? Меникига ўхшаган иккитами?

— Сизники иккитами? Яна қанақа исмингиз бор?

— Бобораҳим.

— Йўқ, Машраб яхши. Шу билан юраверинг.

— Сизга шуниси маъқул бўлса бўпти, унисини айтмаймиз энди...

— Йўқ, нега! Яна ўзингиз биласиз, «Бобораҳим» газалга тушмасмикан?

Машраб ўзининг газаллар машқ қилиб юришидан Арзигулнинг хабардорлигига ишониб:

— Газал қоидасидан яхши хабарингиз борми? — деди.

— Кўп эмас, озроқ. Кеча отинбибим Мирзо Бобурнинг мусофирилик соғинчи ҳақидаги бир газалини ўқиб бердилар. Одамнинг бадани жимирлаб кетди. Олтин таҳтда ўтирган, бутун Ҳиндистонни сўраб турган бир подшоҳнинг мусофириликда шунча нолиши, ғам-андуҳи бўлса, гарибликка тушган йўлсиз бева-бечоранинг аҳволи нима кечаркин? Ўйлаб ўйимга етолмадим.

— Мусофириликда бирорвингиз борми? — қизиқиб сўради Машраб.

— Йўқ, ўзим айтаман-да, — деди Арзигул, лекин хаёлидан Офоқхўжага назир қилингани ўтди.

Кеча отинбибим Бобурнинг ўша газалини ўқибдики, мусофириликнинг алам тўла ташвишлари, ўқинчлари, охири кўринимас соғинчлари хаёлидан нари кетмайди. Хаёли-

дан ҳайдашга шундай уринади, ҳаракат қиласи, қани қутулса! Баттар босиб келади. Мана ҳозир унинг ала-мини, изтиробини яна янгилади. Олис, бегона юрт... Нотаниш ва носинашта кишилар... Соғинч... Қўз ёши... Ҳаммадан ҳам тутқунлик...

— Мирзо Бобурнинг шоҳлигидан... — деб Машраб фикрини давом эттириши билан бошқа бир даҳшатли оламда кезиб юрган Арзигул овсарга ўхшаб, паришон хотирлик билан:

— Нима?.. — деди.

Машраб ялт этиб унинг чиройли, қоп-қора кўзларига боқди. Унинг киприклари қуюқ шаҳдо кўзларида қандайдир нотинч ва номаълум ҳаяжон ва ташвиш галаён қилиб турарди. Машраб ажабланди:

— Тобингиз қочдими, Арзигул?

Улар Намангандан сойига чиқсан, соҳил бўйлаб оҳиста боришаради. Одам сийрак. Сой бу ерда ортиқча тўлқин урмас, фақат тия тошлар устидан ҳатлаб ўтолмай, ёнидан айланар, ана шунда оқимлар бир-бирига урилиб, майнин товуш чиқараради.

— Бир ерга ўтирайлик! — деди Арзигул оёқ-қўли бўшашиб бораётган кишидек бир тусда.

— Майли! — деди Машраб ва уни бошлаб, хилватроқ ерга ўтди. Арзигул узоқдан кўзлаб, бошлаб келган тошга ўтиришдан олдин, сойда муздек сувда юзини ювиб олди. Кўнгли ёришиб, бояги ҳаяжонли қарашларида осойишталик пайдо бўлди. Аста келиб, Машраб тайёрлаб турган ёнидаги тошга эмас, бошқа бирига, ундан нарироқча ўтириди. Ердан униб чиқиб, куз салқинида саргайган қандайдир бир гиёҳни юлқиб узиб, бармоқдари узун ва ингичка кафтида ўйнади.

— Гапираверинг, боя нима деяётган эдингиз? — деди Арзигул чиройли кулиб. Унинг садафдек оппоқ, бир текис тишлари порлаб кетди, кулча юзига кулги чиқди. Унинг кулгиси жуда чиройли экан, кулганда дўндиққина юзида кулгич пайдо бўлиб, кўзлари яна ҳам чарақлаб кетар экан. Машраб «ўзидан ҳам кулгиси чиройли экан» деб кўнглидан ўтказди. Арзигул ўзини жуда эркин, эндигина учрашган йигит олдида ўтирган қиздай эмас, балки кўпдан бери таниш ва синашта бўлган кишининг навбатдаги мулоқотида бўлаётгандек тутарди. Машраб унинг шаддодлигини, шўхлигини, кескинлигини боя илк кўрган ондаёқ сезган эди, бўлмаса, энди учрашган кишисига даб-дурустдан «Шу ерда кутасизми?» дермиди! Қиз бола учун бу жуда катта журъат эди!

«Чиндан ҳам бу чийратма» деб кўнглидан ўтказган
Машраб сўрашга мажбур бўлди:

— Бошингиз айландими?

— Бошимнинг мурвати қаттиқ, айланмайди, — деди
Арзигул шўхлик билан, — кейин айтиб бераман. Бу
узун достон.

— Бир куни маза қилиб эшитар эканмиз-да! — деб
ичидан қувонди Машраб. У яна бир учрашувга ваъда
олган ошиқдек хурсанд эди.

— Эшитамиз... — деди хуш ёқмагандек Арзигул ва
жонланиб қўшди, — бояги гапингизни айтинг.

— Мирзо Бобурнинг шоҳлигидан шоирлиги улуг,
демоқчи эдим, — деди Машраб, — мана шоҳлиги ўтди-
кетди, шоирлиги ҳамон эл-юрт тилида достон.

— Мен билмайман, газаллари кўпми? Бизга отин-
биби доим ўқийвермайдилар. Кеча Ҳудо ярлақаб ўқиб
қолдилар. Китоблари орасидан чиқиб қолдими?

— Бобурнинг жуда ажойиб газаллари кўп. Тилининг
соддалигини, ўйноқилигини айтмайсизми? Тойчоқдай
ўйноқлаб туради, чашманинг сувидек тиниқ. Ўтиргани
тургизиб, турганни юргизиб юборади.

— Юргани эса, чопқиллатади, денг! — луқма таш-
лади оппоқ садаф тишларини кўрсатиб, кўзлари ёниб
Арзигул.

— Эҳтимол! Кеча отинбибингиз ўқиганларида сиз
чопиб кетмадингизми?

— Чопиб кеттандирманки, сизнинг олдингизга ке-
либ қолдим!

— Шундайми, — деди табассум билан очилиб
Машраб ва Арзигулнинг қошига бориб, одига тушиб
турган иккита сочидан биттасини аста ушламоқчи
бўлган эди. Арзигул ундан олдинроқ олиб, орқасига
ташлади:

— Бу сичқоннинг думидай калта бўлмай қолгур ли-
киллаб олдимга тушаверади. Жойида турса-ку бўлади.
Сиз ҳам яхши йигит бўлиб жойингизда ўтириңг!

— Борди-ю, шу ёнингизга ўтиргим келаётган бўлса-
чи!

— Бу ерга сигмайсиз. Ўзим зўрга ўтирибман.

— Феълингизни кенг қилсангиз ҳали яна икки ки-
ши сигади.

— Вой, икки кишини нима қиласман! — деди бир-
дан Арзигул ва бу эҳтиётсиз сўзидан ўзи уялиб, қиза-
риб кетди.

— Бўлмаса, мен битта ўзим ёғиз ўтира қолай! —

деган Машраб бутун вужуди симдай қизиб, қиздан
аста сўраган бўлиб, ёнига тиқилди, — мана, сигдим-
қўйдим.

Лекин Арзигул ёнига бегона йигитнинг ўтиргани-
данми ёки чиндан ҳам ҳарсанг тош кичиклик қилиб
қолдими, иргиб туриб кетди.

— Сизсиз менга бу ернинг кераги йўқ, Арзигул! —
деган Машраб ўтирган еридан туриб қизнинг рўпара-
сига қамти келди. Нечундир Арзигулнинг яна икки
ўрим сочи шиддат билан бўртиб чиққан тўшининг уст-
тида иккита қора илондек тўлганиб турарди. Тўдаси-
дан ажралган бу ўрим соч соҳибаси айтгандай, «сич-
қоннинг думидай калта эмас», яхшигина узун, бунинг
устига лосдай қоп-қора ва қалин эди. «Ҳа, қув қиз,
атайин шундай деган экансан-а» деб кўнглидан ўтказ-
ган Машраб, унинг сарвдай самбит қоматига, қомати-
ни яна ҳам очиб, белини хипча қилиб турган тўқ қиз-
зил духоба нимчасига, узун бўз кўйлагига қараб қол-
ган эди. Унинг кўзига қиз оламда танҳо, тенги йўқ
мехрибон бўлиб кўринди. Ўша куни, тутли ҳовлида
чала кўрган экан, мана энди уни расо кўрди. Битта қиз
бўлса шунчалик бўлар-да!

— Сизда Бобурнинг ўша газали борми? — деб Маш-
рабнинг хаёлини бўлди Арзигул, — кўчириб беринг.

— Сизга керак экан, топамиз, ернинг остида бўлса
ҳам топамиз, Арзигул. Сиз илтимос қиласиз-у, бажо
келтирмаймизми! Шахсан ўзингизга айтилганини ҳам
топамиз.

— Йўғ-е!

— Мана, сизнинг ўзингизга бағишлиангани! — Маш-
раб завқда тўлган, журъати тез йигитларга хос чақон-
лик ва таваккал қилиб чўнтағидан тўрт букланган қо-
гоз олди. — Ўқиб берайми?

— Майли!

— Йўқ, уйда ўзингиз ўқиб оласиз! — Шу ерга кел-
ганда Машрабнинг журъати етмади. Қатини очган қо-
гозни яна буқлади. — Үядим!

— Кимдан?

— Сиздан-да! Ким бор бу ерда сиздан бошқа!

— Қани бўлмаса, менга беринг, ўзим ўқийман, —
деди қиз бармоқлари узун қўлларини узатиб. Машраб
газални унга тутар экан таъкиддади:

— Бераман. Лекин бу ерда ўқимайсиз. Уйда...

— Майли!

Машраб қоғозни узатди. Арзигул буқлоғлиқ қоғоз-

ни очмоқчи бўлган эди, Машраб унга ташланиб, қизнинг буғдойранг билакларидан ушлади. Ушлади-ю, бутун вужудига нур таралгандек бўлди, майин бир ором руҳини қамраб олди. Кўзлар кўзларга қадалди, узоқ тикилиб қолди. Иккаласининг кўзларида ҳам ҳаётнинг энг totли онларида бўладиган мамнунлик ва самимият барқ урди, умид тўлқинлари жавлон урар, онлар завқ шавқ баҳш этиб, елиб ўтарди.

— Майли, ўқимайман, қўлимни қўйиб юборинг. Қўлингиз қаттиқ экан, — деди Арзигул ўзини орқага ташлаб.

— Қўлим қаттиқ бўлгани билан кўнглим юмшоқ.

— Билмадим, — деди «ҳали шунақами?» деган маъно да Арзигул қўзини сузиб.

— Ишонинг! — қатъий деди Машраб.

— Ишонмасам-чи?

— Зорим бор, зўрим йўқ.

— Хафа бўлманг, ишонаман. Тошдек қаттиқ юрақдан газал оқадими?

Севгилисининг бундай илиқ гапидан эриб кетган Машраб деди:

— Сиз яхши кўриб қолган Бобурдан битта газал ўқиб берайми?

— Қани эди!

— Лекин шартим бор: қўлингиздаги газални уйингизда ўқиганингизда ёқмаса орқамдан кулмайсиз. Кейин юзимга солмайсиз!

— Шуми шартингиз?

— Шу!

— Бўлти. Қани, Бобурдан ўқинг.

Машраб газални хаёлидан ўтказиб олаётгандек бир оз сукутта чўмди. Кейин ўқиди, бутун ҳунари ва муҳаббати билан ўқиди, ҳар бир сўзни дона-дона қилиб, яширин маъноси бору уни ҳам бўрттириб чиқармоқчи бўлиб, қоидаси билан ўқиди. Ўқиб бўлгач, охирги икки сатрни алоҳида таъкидлаб, яна такрорлади:

Муяссар бўлмаса бошимни қўймоқлик оёгингга,
Бошимни олиб, эй Бобур, оёқ етгунча кетгаймен...

Бу икки сатр билан Машраб ўзининг Арзигулга бўлган муносабатини билдиromoқчи бўлгани ошкор кўриниб турарди. Буни пайқаган Арзигул мийигида маъноли кулиб, бошини қуий солди. Бу имо-ишора Машраб учун етарли эди. У ўз тадбиридан мамнун бўлиб, гапни яна Бобурнинг ўзига бурди:

— Бобурнинг яна битта китоби бор, «Бобурнома» деган. Домламнинг кутубхонасидан олиб, икки кунда ўқиб чиқдим. Бошидан кечиргандарини ёзади. Ҳа, ростданам Бобур ҳақида бир афсонанамо ҳақиқат бор. Бобурга она юртидан иккита қовун келтирадилар. Биттасини атрофидағи катта-кичикка карчлаб бериб, биттасини ўзига олиб қолади. Бир неча кунгача бир тилим-бир тилим ўзи еб юради. «Интизор юртимнинг нафаси, боғ-рогларнинг атри келиб турибди», деб пўчогини ҳидлайди, кўзларига суртади.

— Бечора! Подшоҳ одам-а? — деди Арзигулнинг раҳми қелиб.

— Ўзи подшоҳ бўлгани билан юраги шоир-да! — деди Машраб шоир сўзига алоҳида ургу бериб. Бу билан «мен ҳам шоирман, менинг ҳам юрагимда ардоқласа бўладиган ҳислар бор» деган маънони сездирмоқчи эди. Арзигул фаҳмлади шекилли тегищи:

— Шоирларнинг юраги шунақа бўладими?

— Шубҳаланмаслигингиз мумкин! — деди Машраб «менинг севишимга шак келтирманг» деган маънони чиқармоқчи бўлиб.

Арзигул иргиб ўрнидан турди:

— Ҳой, инсофингиз борми, вақт алламаҳал бўлиб кетди-ку. Уйдагиларга нима дейман?

— Машраб деган йигит тутиб қолди, дейсиз-да!

— Олинг-а! Анави кишини қаранг? Мен кетдим, — деди Арзигул ва хилватдан чиқди, йўргалаб қолди.

— Яна бирпас ўтиринг, — ёлворди Машраб.

— Болнинг ози ширин!

— Энди қачон учрашамиз, Арзигул? — деди висолга тўймаган кўзлари порлаб Машраб.

Арзигул ўша шўхлигига жавоб қилди:

— Қизил қор ёққанда!

VI

ҚАЙФУ ВА ҲИЖРОН

Арзигул уйига қанақа қилиб келганини билмади. Баҳтига уйда отаси йўқ экан, онасига юмшоққина салом бериб, хонага ўтди. Жилдини қозиқда илиб, Машраб «уйингизда ўқийсиз» деб берган буклоғлиқ қоғозга ёпиши. Эшиқдан онасининг:

— Шу вақтгача қаёқда қолдинг? — деган овози келди. Арзигул бепарволярча:

— Отинбибининг уйларини супуриб-сидириб бердик. Кирларини ювдик, — деганича қоғозга кўз юргуртириди. Кўз юргуртириди-ю, деразадан келиб қараб турган онасини ҳам кўрмади, унинг «у қоғоз нима?» дегани қулогига ҳам кирмади. У шу заҳоти бошқа бир илоҳий оламга, хаёл қилмаган ва бу оламнинг борлигини билмаган бир руҳий чаманга сайр қилиб кетганди.

Қоғозга Машраб қора сиёҳда чиройли қилиб бир газал ёзган эди, хат жуда чиройли, ҳар сатри чўт бўлиб қизнинг қалбига тўкилар, вужудига ҳаяжон тўла титроқ бўлиб таралар эди. Қиз ўз кўзларига ишонмас, кўзлари сатрлар устида қайта-қайта югуради! Бу унинг ўзига, унинг шахсига аталиб ёзилган, йигит қалбининг баёни ва изҳори муҳаббати эди. Газал шундай бошланарди ва ўша тутли ҳовлини Арзигулнинг кўз одига ялт этиб келтиради:

Ўшал кун сенга, эй шўхи ситамгар, ошно бўлдим,
Жамолингни кўрай деб, орзу бирлан адо бўлдим.

Қаландарвор ҳажрингдан навою нолалар қилдим,
Сени дарди гамингдан, эй пари пайкар, адо бўлдим.

Муҳаббат ўти куйдирди юрак-багримни, эй Машраб,
Куюб кул бўлди жисмим, нес бўлдим, зери по бўлдим!

Газал охирлагунчаёқ Арзигулни нечундир безгак титроги босиб, бутун баданини тер қоплади. Қаерда турганини унуди. Димоги куйиб, кўзига ёш қалқиди. Бу бечора ошиқ йигитга раҳм ёшлими ёки уни шу кўйларга соганидан хижолатми?! — шу онда англаб бўлмас эди. «Ўшал кун» тутхўрликка борган бувисининг каталақдайгина ҳовлисини яна хаёлига келтирди. Ана Арзигул тутнинг устида. Пастда у! Бирдан кўзига оловдек иссиқ кўринган йигит! Унинг чўгдек кўзлари ёнади. Арзигул ҳеч қачон ва ҳеч қаерда эшитмаган ёқимли овози билан «Тутингиз ширин экан. Сиз қанча қоқсангиз ҳаммасини еганим бўлсин!» дейди. Арзигул шошиб қолди, тутдан ўзини отди. Шу-шу хаёлида галаён қилиб, ҳар эсига тушганда юраги ҳаприқиб юрган эди. Мана бугун йўлини пойлаб чиқиби. Учрашдилар. Арзигул у бошлаган йўлга ювош қўзичоқдай кетаверди. Кимсиз? Нима ишингиз бор менда демади. Дейишга мадори етмади. Эски та-

нишлардек, синашта киши билан навбатдаги учрашувга келгандай ёнида бора берди. Хилватта ўтди, тўйиб сұхбатлашди. Ўйлаб ўйида, ухлаб тушида кўрмаган бир шоир йигит унга атаб газал ёзибди, багри гирён, кўзи бирён бўлиб газал битибди. Газал битишининг ўзи бўладими? Юрак-багри ўртаниб, дарди тўфон урмаса, димоги куйиб, кўнгли орзиқмаса газал келадими? Ҳар байтидан поклик ва самимият барқ уриб турибди.

Арзигул дунёда энг меҳрибон кишисини топгандек энтикиб кетди. Ҳаёли чувалди. Уни шунчалар ташвишга солиб қўйганидан ўкинди. Бечора! Уни деб балки неча кунлаб ухламагандир, балки кунда йўлига илҳақ бўлгану учратолмай қайтиб кетгандир. Бу бўлса бехабару бепарво. Тўгри, анави куни узоқдан бир кўрди, унга ўхшатди. Қалби бир қалқигандек бўлса ҳам, кўриниш беришга журъят этолмади. Қизлик ҳаёси билан ўзини ундан олиб қочди, «балки у эмасдир» деган эди. Машраб эса, уни пайқамади. Балки ўшанда учрашганда дардини кўзидан ўқиган бўларди, уни бунчалик куйдирмасди.

Арзигулнинг Машрабга раҳми келди. Бу меҳрибонлик чин севгининг элчиси эканидан ҳали ўзининг ҳам хабари йўқ эди. Бир вақт қалбига бундоқ қулоқ солса, кимнидир соғинади, кимгадир интилади. Бу интилгани ва соғингани ҳалигина кўриб келган тимқора жоду кўзлари жовдираф турган, хушбичим, хуштабиат, хушфеъл ўша Машраб эканини сезиб қолди-ю, бу олам кўзига ҳам ёришиб, ҳам ваҳима тўла чоҳ бўлиб кўринди. Наҳот, уни шунчалик севиб қолди. Ҳалигина кўриб келди, наҳот, яна энтикиб соғинса! Ҳаёли бетўхтов қанотланди. Уни илк кўрган бувисиники, ҳалигина кўришиб келган камқатнов кўча, ўша харсанг тош, ўша сой қирғогига қанотланади. Уни кўргиси, унинг бир оғиз сўзини, фақат бир оғиз сўзини, жилла бўлмаса, мана шу олов газалнинг бирон сатрини ўз оғзидан эшитса! Ҳеч бўлмаганда бир онгина, фақат бир онгина қошида турса. Туришни лозим топмаса, майли, қошидан ўзига хос бир сиполик билан қалбини ларзага соладиган ўша қарashi билан чақмоқдек ўтиб кетсин. Шу онда, шу соғинчида шунга ҳам шукр қиласди. Газал, ошиқ йигитнинг қиёфасини жуда ўзгача, бир тусда қиз кўзи одига келтиради. У бояги Машрабга ўхшамас, бошқача, жуда ўзгача, сўзлари ҳам ўзгача, ҳатто туриши сал

ўзгача бўлиб хаёлида гавдаланаарди. Чиндан шу газални у ёзганми?

Арзигул саргайиб кеттан қозозга кўндаланг қилиб ёзилган олов газалга яна кўз юргутириди. Энди газални қайта ўқий туриб, уни кўргандек бўлди, бутун вужуди билан ёниб, бу ёниш нечундир хўрлигини келтириди. Димоги ачишиб келиб, интизор кўзларига ёш қалқди. Бу муҳаббат ёши, кутилмаган ердан балқиган баҳт ёши эди. Бу ёнда ҳам ёниқ умид-орзу билан шукроналик, ҳам қандайдир ваҳима бор эди. Бу ваҳима устун келиб, юратини гижимлаётгандек бўлди-ю, қўлидаги қозозни кимдантир аста яшириди, атрофга аланглаб қаради. Барibir у ер эмас, осмонда, бошқа оламда оёғи ерга тегмай учиб юради. Хаёл тизимчалари унинг оёқ-қўлинингина эмас, фикри-ўйини чандиб ташлаган эди.

Арзигул қанақа қилиб кўчага чиқиб қолганини билмади. Кўзи ҳеч кимни кўрмайди, ўтиб бораётган кишилар бамисоли жонсиз соялар, уларнинг кўзи йўқ, тили йўқ — ҳеч нарсани кўрмайди ва унга ҳеч нарса демайди. Арзигулнинг интизор кўзлари кимнидир изларди. Лекин у излаган одам кўринмас, шу атрофда юрганга ўхшарди, ҳатто товуши келаётганга ўхшарди-ю, ўзи кўринмасди. Гўё анави йўғон бақатеракнинг орқасида уни зимдан кузатиб турибди. Йўқ, у ерда эмас, анови йўл узра чодирини ёйган улкан толнинг панасида. Ҳа, ўша ерда! Йўқ, у ерда ҳам эмас, у худди тунов куни бир кўриниш берган хиёбонда газал ёзиб ўтириби. Унга атаб газал ёзаяпти, ёниб-куйиб дардини газалга соляпти. Шунинг учун уни кўрмаяпти. Уни қидириб чиқсан-у, тополмаганидан аламини газалга соляпти, бутун фикри-хаёли газалда-ю, кўз олдида мен турибман. Мени кўз олдига келтириб, лекин дийдоримга етолмасдан ичида фарёд уриб, қалби ўртаниб газал тўқияпти. Бундай пайтларда у тепасига келган одамни ҳатто кўрмаса керак, ҳатто эшитмаса керак. Шунака пайтда шунча сўз қаёқдан келаркин-а! Қанақа қилиб газалга айланаркин? Қизиқ, бу ҳам бир мўъжиза! Бўлмаса шеърхон кишилар қанча, газалга шайдо бўлиб юрганлар қанча, барibir газал ёзолмайдилар, шунча қилсин уddyаломмайдилар. Битта у, ўша қоши қоп-қора, кўзлари йирик, ҳаммадан ақлли ва чиройли йигит ёза олади. Ёзганда ҳам бутун вужуди билан куйиб, қойил қилиб ёзади. «Жамолингни кўрай деб, орзу бирлан адо бўлдим» деб самимий айтади. Бу Оллоҳ берган инъом, ҳаммада бўлавермас!

Арзигул ҳардамхаёл кимсадек ўз ўйи билан бўлиб, атрофни айланиб чиқди. У излаган Машраб, уни мадҳ этган шоир ҳеч ерда йўқ эди. Бундоқ қараб турса, узоқдан кимдир «ўша» бўлиб кўринади, лекин яқин келгач, бошқа бўлиб чиқади. Ана шунда унинг аҳволини кўрсангиз! Гўё Машраб узоқдан ўзи бўлиб кўринади-ю, уни куйдириш ниятида яқин келгач, бошқа тусга кириб олади, уни баттар куйдираётганга, бир ўтдан олиб бошқа ўтта solaётганга ўҳшайди!

Арзигулни ҳозиргина уйгонган кечки шаббода ҳушиёр тортиридими ёки ўзининг телбанамо иш тутаётганини идрок этиб қолдими, ариқ ёқасига қараб юрди. Унинг сувида юзини пишиб-пишиб ювди. Бошидан дуррасининг бир учини тортиб артинди. Муздай сувдан кўзи чарақлаб очилди, фикри тиниқ тортди, бағри совигандек енгил нафас олди. Тиниқиб ухлаб турган кишидек тетикланиб, бир иш билан кўчага чиқсан одамдек уйига кириб келди.

— Ҳа, қизим, қаёқларда юрибсан? Чиқиб кеттанингни ҳам билмай қолибмиз! — деб қарши олди онаси ва қизининг турқи-атворида қандайдир ўзгариш борлигини сезса-да, бу ўзгаришнинг нимадан бўлиши мумкинлигини хаёлига келтиромади. Чиндан ҳам қизи алланимадан куйиб-ёнган, ҳаяжонланган, ўкинган кўринди-ю, юзларининг қизиб-бўртиб туриши, кўзларининг хаёлчан порлаши уни чўчитиб юборди:

— Соғмисан, қизим? Йигладингми?

— Нега йиглайман, онажон? Кўчада хазон куйдиришаётган экан, тутуни кўзимга кирди.

— Ҳа, ундай бўлса майли-я! — деди содда она бечора ва бир четда ётган супургини қўлига олди. — Ишқилиб, тинч бўлсанг бўлди, қизим. Ўқишингга тўгри бориб, тўгри кел!

Бу сўнгти жумла Арзигулни чўчитиб юборди. Гўё онасининг ҳамма гапдан хабари бор-у, оналик меҳри билан юзига солмасдан фақат сездириб қўйяпти, қизини инсофга чақиряпти.

Арзигул бошини кўтариб онасига қаради, унинг хомуш кўзларига, ой-куни яқинлашиб қолган қорнига қаради. Йўқ, онаси хотиржам, Арзигул шубҳа қиладиган бирон-бир ҳис-ҳаяжон кўринмайди, шунчаки айтганга ўҳшайди. Шундай бўлиб чиқсанидан хурсанд бўлган Арзигул югуриб бориб онасининг қўлидан чўлтоқ супургини олди:

— Қўйинг, ўзим супураман. Бу супуришингизда ҳаммаёқни чангтўзон босиб кетади.

— Бўлмаса, сал сув сеп! Шундоққина ҳовли юзини чалиб олақолай деб эдим, — дея супургини қизига тутди ва ўзи ошхонага ўтиб кетди.

Арзигул нечундир челақда эмас, ўзи новча, жўмраги ингичка, гулдор мис обдастада ҳовлининг ўёғидан-буёғига чизиқ ташлаб сув сенди. Сув селгишини пойлаб, уйга ўтиб газални бир четта яшириб чиқди. «Дадасининг қўлига тушса борми, терисини тирик шилади! Қанақа дадаси борки!..»

Арзигул ҳеч нарса қилмаган кишидек ҳафсала билан ҳовлини супурди. Унинг хаёлига газал қўшиқ бўлиб келарди. Беихтиёр лабига хиргойи чиқди, шу хиргойининг оҳангидан шошмасдан, тозалаб супурарди. Ерга қапишиб қолган япроқми ёки ўтнинг чала юлинган илдизиними, нимаики, супургига чиқмаса қўли билан олиб ташлаб, ўрнини оёғи билан босиб, текислаб борарди. Бу ишларни унинг қўлигина қилар, хаёли эса, ҳамон Машрабда, боя учрашган ерда, қолаверса ҳозиргина яшириб чиққан, ҳар сатри қалбига чўғ бўлиб тўкилган газалда эди. Бир маҳал бундоқ қараса, ўпкаси тўлиб, кўзига ёш қуйилиб келяпти. Ҳовлида, онасининг қошида, ҳали замон дадасининг эшикдан кириб келиб қолишидан бехабардек ўзига эрк бериб қўйибди. Бирдан у бепарволигини англади-ю, ўзини зўрлаб бошқа нарсаларни ўйлай бошлади. Барибир булар рангиз соялардек дарров йўқолиб, яна ўрнини «Ўша» босиб келарди...

Арзигулнинг кечқурунти овқатда иштаҳаси бўлмади. Кечаси ёмон ухлади. Алламбало тушлар кўрди: ча-калакзорларда юрибдими-ей, осмонда қўлини қанотдек қоқиб учадими-ей! Шулар орасида Машрабга ўхшаган бирор кўрингандек бўлади-ю, яхши фаҳмлаб олгунча уйгониб кетади. Алла-маҳалгача уйқуси қочди. Кўзи илинса, яна шунақа тушлар...

Хуллас, гангигансимон бўлиб, боши оғир тортиб уйгонди. Масчитта чиқиб кетган отаси қайттунча қумғон остига ўт қалади. Кечаси билан ҳовлига тушган япроқларни супургининг учи билан илиб-илиб, бир ерга тўплади. Супага жой тайёрлади. Пиёлаларни ариқ бўйида лой билан ишқалаб ювиб, супанинг бир четига қўйди, устига оппоқ сочиқ ёпди.

Нечундир бугун гафлат босиб ухлаб қолган онаси қорнини дўппайтириб уйдан чиқиб қелди. Ой-куни

яқинлашган сари, бу гал негадир хавотирда. Алламбало тушлар кўради. Ўнгиди ҳам туш кўраётгандек хаёлга кетиб қолади, нечундир баъзан-баъзан юраги орқасига тортиб кетади. «Ишқилиб яхшиликка кўринисин» деб тасалли беради. Бундан олдинги боласи бир ойга етмай нобуд бўлган, ундан олдингиси эса, энди «дадда»га тили келганда ҳовлидан ўтадиган ариқнинг ҳозвузчасига тушиб, ҳалок бўлган эди. Эр хотиннинг бутун умиди дунёга келадиган шу болада. Отанинг нияти ўтил, она бечорага эса барибир, омон-эсон қутулиб олса бас! Ота икки гапнинг бирида:

— Ўгил тут! — деб дағдага қиласи. — Менга чироқчи керак.

— Қиз одаммасми? — хўрлиги келиб қўзига ёш олади она. Унинг қўзига жони кўриняпти-ку, эри бўлса ўгил-қизлигини ажратади! Эркак зотида инсоф бўлмас экан-да. «Олдин омон-эсон қутул!» дегин, кейин ўгилни гапир. Йўқ, ўласанми-қоласанми, бу билан иши йўқ, унга ўгил бўлса, бас!

— Қиз ҳам одам-ку, лекин ўгилнинг йўли бошика, хотин. Қўлингдан ишингни олади, сендан кейин уйингда чирогингни ёқиб, дуойи фотиҳа қилиб ўтиради. Қиз бола нима, — ҳазилга айлантирмоқчи бўлди ота, — бир қуш, қанот чиқаради, учди-кетди. Бозорга олиб чиқсанг ўттиз иккита тиши бор деб бирор бир чақага олмайди. Ўгил-чи! О, ўгил!

Бу гап болани (қизми, ўгилми) тўққиз ой қорнида кўтариб, тўлгоқнинг ўлимга teng, не-не азобларига бардош берадиган онанинг жон-жонидан ўтиб кетади, шунда ҳам чидайди! Бундай гапларни ундан олдин ўтган, кетма-кет қиз туққан ёки ўғли турмаган оналар кўп эшитганлар, бу ҳам эшитади. Малол келса, алам қилса ҳам чидайди, аччиқ-аччиқ йиглаб, ўкинса ҳам чидайди. Эркак зоти шунақа, ўгилни ортиқ кўради, орзу-умидини унга боғлади, ярашадиган кийимларни унга олиб келади. Сал улгайди, елкасига миндириб гузарга олиб чиқади. Қиз нима, бирорнинг хасми, улгайди биттаси олади-кетади...

Бир маҳал иккита иссиқ нонни қўлтигига қисиб, оппоқ саллали, уйгур башара отаси кириб келди. Ҳовлини чиннидай қилиб тозалаб, чой тайёрлаб турган қизини кўриб, мақтади:

— Баракалла, она қизим!

— Қизим қўлимдан ишимни олиб қолди, дадаси, — деб керилиди қумғондан чой дамлаётган онаси ҳомила-

дорлик доги босган юзини йилтиллатиб. Отанинг бу тапи бечора она учун катта мукофот эди!

Бу гапнинг тагида бошқа гап ётарди. Қиздан олдинги икки боласи нобуд бўлди. Отанинг тенгқурлари, улфатлари боласини елкасига миндириб, кўча бошига олиб чиқадиган бўлганда бу ҳовлидан бола йигиси келмайди. Не-не умидлар билан қилинган қурбонлик, жўжа қучоқлатиб ўқитишлар, Шоҳимардан пирамига аталган жонлиқ, турли-туман хайри-худойилар наф бермади. Бирор «ҳовлингни сот, файзи йўқ экан» деди. Бирор яна алланима деди. Ана шунда Наманганинг баобру мулласи, Офоқхўжанинг содиқ муриди Бозор Охунд фарзанд догида бош ургани жой тополмай юрган отани бир куни, жума намозидан кейин аста ёнига чақириди ва шундай маслаҳат берди:

— Бу барчаси Парвардигори оламнинг иродаси, унинг лутфи карамига тараф йўқ. Жабрига чидамоқ, жудосига сабр қилмоқ биз осий бандаларининг бурчи. На чора! Ўзи шуни лозим кўрибди, чидаймиз! Энди сизга бир маслаҳат, иним, бу нолиш, надоматни тарк этинг. Яхши ният билан эндиғи фарзандингизни Оллоҳ таолонинг севимли бандаси Офоқхўжа пирам ҳазратларига назир қилинг. Шояд, бу ишингиз лутфи-карами бекиёс Худога манзур бўлса-ю, кетма-кет фарзандлар берса ва умрини бокий қилса! Ҳеч гапмас, бизга оғир, Худо таолонинг Ўзига енгил.

Бу маслаҳат отанинг куйиб турган ярасига малҳам бўлди-ю, сал ўтмасдан шу қиз, Арзигул туғилди. Гарчанд Охунднинг маслаҳатини таъкидлаб хотинига айтмаган бўлса ҳам, гап орасида сездирган эди. Аммо қизнинг ширин тили чиқиб, суюкли бўлгани сари ота уни бегона эшикка элтиб ташлашга кўзи қиймади. Кундан-кун янги-янги қилиги билан ота-онанинг меҳрини чулғаб бораётган қизни ҳар кўрганда отанинг юраги бир ачишиб, қизнинг олдида гуноҳкордек уни багрига босар, бошини силаб эркаларди, чиройли кийимликлар олиб келиб берарди. Сўнг ўғил болага ўҳшатиб этик кийгизди, етаклаб гузарга олиб чиқди. Баққолдан обакидандонми, яхши сузма қуртми олиб берди. Бозор кунлари унга атаб пашмак ҳолвалар, дўланалар, «чайнамай шиминг»лар, ҳуштаклар олиб келди. Бўш пайти қўлидан қўймади. Қизи тушкур ўзи ҳам жуда қақилдоқ, зийрак ва «билимдон» эди, қатталарга ўҳшаб гапиради, отаси бозордан келгунча қизиқ-қизиқ гаплар топиб қўярди.

Бир куни ажиб воқеа бўлиб ўтди. У пайтда Арзигул қўрқиши нималигини билмайдиган пайт эди. Боққа чиқишиди. Меҳмонлар билан бўлиб, қизининг олдига «ичиб ўтири» деб бир пиёлада қатиқ қўйиб кетган она бир айланиб келса, қизнинг қўлида илон, унинг томогидан хиппа бўгиб олган, бошини қатиқقا тикиб ялаб ўтирибди. Она додлаб юборди. Фарёдга етиб келган ота қизининг қўлидан икки қарич келадиган илонни аранг ажратиб олди. Ҳамма ҳаяжон-ҳайратда-ю, қиз илонни бермайман деб унга ёпишар, илон думини жилпанглатарди. Ана шунда ота «Ўғил бўлиб туғиладиган экан-у, қиз бўлиб қолибди» деб унинг юрагига қойил қолган, «илонбоз қизим», «лашкарбоши бўладиган қизим» деб мақтаниб юрди. Олдинига қизининг тақдирига ичида йиглаган она, отанинг бу меҳрибонликларини кўриб «Худога шукр, ниятидан қайтди, эсидан чиқди» деб ўлади. Унга қўшилиб ортиқчароқ эркалади, ювди-таради, емаганини едириб, киймагани кийдириб катта қилди. Лекин... Лекин бу орада дунёга келган икки фарзанд (иккаласти ҳам ўғил эди) нобуд бўлгач, отанинг қалбига армон тоши чўқди: «Ваъда қилган назиримни бермаганим учун Оллоҳнинг қаҳри келди» деди. Иккала боланинг бевақт ўлимини шундан кўрди. Бу ҳақда она бечорага неча марта айтиб, қон йиглатди. Кундан кун улгайиб, кўркига кўрк, ақлига ақл қўшилиб бораётган қизидан меҳри совиди, унга ўтайдан баттар тўнг муомала қиласидиган бўлди. Энди бутун умиди мана шу туғиладиган болада. Баъзан хаёлини вассваса босиб келганда «Уни тезроқ Офоқхўжа пирамига топширсак бўлармиди, болага касри урмасмиди», деб кўнглидан ўтказади. Лекин хотинига оғиз очгани ботинмайди. Ой-куни яқин, айтишни лозим топмайди. «Омон-эсон қутулсин-чи, кейин...» дейди.

Буларнинг ҳаммасини сезиб юрган она учун отанинг эшиқдан кириб келиб, қизига ширин муомалада бўлиши ва олқишлиб қўйиши, хира бўлиб турган кўнгил ойнасини ярқиратиб юборди. Эрининг сўзига «қизим қўлимдан ишимни олиб қолди, дадаси», деб хушомадомуз сўз қотиши «Энди у ножӯя аҳдингиздан қайtingиз, кўрдингизми, қандай чаққон қизимиз бор», деган маънони ҳам англатарди.

Буни ота ҳам тушунди, мийигида кулиб, гап чалгитди:

— Она-бала икковингнинг қовоғинг керккан, кечаси билан йигладиларингми?

Арзигул сири очилиб қолгандек кўзини олиб қочди, бошини қўйи туширди, она жавоб қайтарди:

— Нега йиглар эканмиз, Худога шукр, сомгиз, саломатмиз, яхши умидлар билан кечқурун бисмиллоҳ айтиб ёстиққа бош қўйиб, эрталаб омон-эсон турдик.

Ота бўш келмади:

— Йўқ, сеникини-ку сабаби ошкор. Лекин қизинг нега йиглайди?

Она ялт этиб қизига қаради. Чиндан ҳам унинг қовоқлари йиглаган кишиникига ўшшар, мижжаларида қизил аломатлар бор эди. Она ўз кўзларига ишонмагандек, қизини ўзига қаратди!

— Қани, менга қара-чи, қизим!

Арзигул қип-қизариб бошини кўтарди.

— Ҳа, тинчликми? — яна сўроққа тутди она. Чиндан ҳам қизининг кечаси йиглагани ошкор эди.

— Кечаги тутунданми, кечаси билан кўзим ачишиб чиқди, — деди Арзигул ўзини оқлаб. Яхши кайфиятдаги ота бунга парво қилмади.

— Ҳа, нодон қизим, кўзингга тутун киргунча турдинми, ўт-кет!

Арзигул ҳеч нарса деёлмай қолди. Чор-ночор:

— Ойи, чойингиз совиб қолмадими? — деб онаси-нинг олдидағи пиёлага қўл узатди.

Ота ҳайратдан бир қошини учирди: ўзи нима гап?

Шу куннинг эртаси Арзигул яна Машраб билан учрашди, бу гал гадой топмас яширин ерни суҳбат макони тутишди. Арзигул гапни «Сал бўлса дадамнинг қўлига тушай дедим»дан бошлади.

— Йўғе! — деб ажабланди Машраб.

— Ишонаверинг! — деди қиз, кейин эркаланиш оҳангини берди. — Ҳаммасига сиз айбор, газалингиз айбор. Шунаقا газал ёзасизми, кечаси билан йиглаб чиқдим.

— Нега йиглайсиз энди?

— Билмасам. Нуқул йиглагим келаверди, йигладим.

— Ёстиқ жилди ҳам ҳали ҳўл денг!

— Мен рост гап айтсан, бу киши ҳазилга оладилар. Бирор ўламан деса, бу киши кулади...

— Нега сиз ўларкансизу мен кулар эканман. Иккимиз қўшмозор бўламиш.

Арзигулнинг хаёлига ҳаётда ўлим борлиги, бу ўлим кишиларни бир-биридан жудо қилиши тушди-ю, бирдан ўзини ўнглаб олди:

— Қўйинг, ўлманг, отангизнинг битта ўғли экансиз.

— Сизга майлими? Анойини қаранг! — деди Машраб.

— Меникининг йўли бошқа. Мен қиз боламан.

— Қиз бола одаммасми?

— Одам-ку, лекин дадамлар «аёлдан пайгамбар чиқмаган» дейдилар. Хотин кишидан, жила бўлмаса, сўфи чиқиб, қайси масчитни обод қилибди, деб куладилар.

— Пайгамбар чиқмаган бўлса, ана шу пайгамбарларни аёллар тукқан!

Бу кутилмаган жавобдан ҳайратда қолган Арзигул ялт этиб Машрабга қаради.

— Бу гапларни қаёқдан биласиз, Машраб ака? — деб қиз эркаланди.

Унинг қўлларини кафтига олиб ўтирган Машраб, секин тортиди. Кўнгли эриб турган Арзигул самбит гулнинг новдасидек беозор этилиб келди. Сўнг бирдан ўзини тортиб деди:

— Мени йўқотиб қўйсангиз ажабмас!

— Нима? Қаёққа кетяпсиз?

— Қаёқкалигини ўзим ҳам билмайман, — деди-ю, у ёгини айтмади. Рости айтгиси келиб турса-да, айтмади. Айтсаёқ йиглаб юборадиган бир алпозга тушиб бораради.

VII

ТАҚДИР ЁЗУФИ

Омади қочганнинг челягига қудуқдан сув ўрнига балчиқ чиқади.

Машраб ўзида йўқ беҳад хурсанд эди. Арзигул билан учрашиб, ҳар учрашув завқи-шавқини газалга солиб, ип кийса ҳам ипак кийгандек қувониб юрган эди, бир куни Бозор Охунд болалардан ажратиб қорихонага чақириб қолди. Машраб тортиниброқ кириб борса, Охунд юзи тўла мамнун табассум, бошида салласиз узунчоқ оппоқ такя, (шу узун такя туфайли серсоқол юзи чўзилиб кетганга ўхшарди) одатдаги ерида чордана қуриб ўтирибди. Одидда катта китоб, ўқилган бети очилганича турибди. У Машрабга «Келинг, бўтам!» деб жой кўрсатди-да, китобнинг орасига хатчўп солиб ёпди. Ёнига қўйиш олдидан кўзига суртиб, ўпид қўйди.

Охунд Машрабни куттириб, илҳақ қилмади.

— Бўтам, — деди салмоқлаб, — менинг сизга бери-

шим мумкин бўлган илму маърифатим ниҳоясига етди. Неки илкимда бўлса, сиздан дариг тутмадим. Иншооллоҳ, эзгу кунларингизга шафиқ бўлгай! Кўнглинигизда илм иштиёқи бўлса, Бухори шарифгами, Богоди муборакками, Қашқарга, ҳазрати пирим Оғоҳхўжа ҳузурларигами ихтиёр этгайсиз. Аҳли мўъмин сиздек заковатли, иқтидорли йигитта доим муҳтоҷ. Мен шуни сизга маслаҳат кўрардим-ку, бузрукворингиздан жиндай андишам бор.

— У киши йўқ демагайлар, устод! — деди Машраб.

— Йўқ, йўқ, бўтам. Мен бу ишга журъат этолмагайман. Тунов кунги суҳбатимида сездимки, падари бузрукворингизнинг ниятлари бошқа.

Машраб тушунмади.

— Яъни, тақсир?

— У киши сизни уйлантироқчилар, — деди Охунд табассум билан ва юз-кўзини мамнуният шуъласига тўлдириб, — бу ҳам фарзанди мўъминнинг зарур вазифаси, кўзи очигида фарзандларини уйлантироқ ёки эрга бермоқ ота-онанинг Худои таоло олдидағи шарафли бурчи. Отангиз бу бурчларини ўтамоқчи эканлар, сизни таҳсилга юбориш баҳонаси билан менинг монеъ бўлишим одобдан эмас. Аввало отангизни рози қилинг. Ота рози — Оллоҳ рози, бўтам.

Машраб бундай далиллар олдида миқ этолмай қолди, бошини қуий эгди. Унинг хаёлига уйланиш сўзи билан баробар Арзигул келган, у эса, «Хўш нега индамайсиз? Ёки менга кўнглингиз йўқми? Ҳамма ваъдаларингиз ёлгонмиди?» дегандек кўзига қараб турарди. Машраб дош беролмади. «Йўқ, нега шубҳа қиласан, эркам. Дунёда сендан бошқа менинг кимим бор! Сен мен учун, мен сен учун яратилганимиз. Тақдирнинг ҳукми шу!» деган фикр кўнглидан елдек ўтди-ю, табиати ёриди. Шу вақт:

— Бўтам, — деди унинг хаёлини бузиб Охунд, — мен сизга яна бир маслаҳатли иш топиб қўйдим.

— Қулогим сизда, устод.

— Агар ихтиёр этсангиз, розилингиз бўлса, шу ерда, шу кунжакда қолинг. Ҳамсуҳбатим бўлиб юргайсиз.

Машраб севикили устодининг нимага ишора қилаётганини фаҳмлаб етмай, сўрашга мажбур бўлди:

— Яъни?..

— Ниятим шулки, мана шу ҳужра сизга. Истаган фурсатингизда келинг, китоб мутолаа қилинг. Наза-

римда, анча-мунча ашъор битдингиз, тартибга солинг. Менинг ҳам сизга озми-кўпми хизматим, илтимосларим бўлгай. Баъзи бир улуғ зотларинг ноёб китобларидан нусха кўчиригайсиз. Бир томони савоб, бир томони толиби илм топилса, инъом этгайсиз. Ахир, саховатли эл, илм қадрини билган инсон хизматингизни қуруқ қўймайди. Иншооллоҳ ҳусниҳатсиз, фаҳмимда хаттотлиқдан сал бўлса ҳам таълим беролдик, шекили.

Шу сўз ила Охунднинг лабига мамнунлик нишонаси бўлиб кулаги ёйиди. Бу ифтихор табассуми Машрабга ҳам юқди.

— Шубҳага ўрин йўқ, тақсир. Миннатдорлигимни изҳор этишдан ожизман. Бу қарзингизни қачон узурмен деган ташвишу андишадамен, кечакундуз, устод!

— Ўглим! — деди ўпкаси тўлиб, димоги ачиб келган Охунд. — Бу сўзларингиздан бошим осмонга етди. Лекин билиб қўйинг, таълиму илм қарзга берилмайди. Бу озми-кўпми билими бор бандай мўминнинг Оллоҳ таоло олдидағи, ислом бандаси олдидағи қутлуг бурчи. Бас, шундай экан, мен фалончига фалон илм бердим деб керилмоқ куфр! Ўзингизга аёп, бўтам, мен шу ёшга келиб, масчit-мадраса солдирмадим, азиз-авлиёлар шавқи-шукӯҳига мақбара бино қилмадим, Маккан мукаррамага азият чекиб бориб, пайгамбаримиз босган хоки-тупроқларни кўзимга суртмадим. Қўнимиздан келгани ёлғиз сизга ўхшаган беш-ўнтага оқ-қорани таниммоқ, ҳақ ўйланин кўрсатмоқ бўлди. Шунга ҳам ҳар кечакундуз Парвардиgorи оламнинг Ўзига беҳад шуқроналик ўқиймен. Илмим бор, деб керилиб юра-берганимда Оллоҳнинг даргоҳи мукаррамасига не билан борардим? Берган билимимга розиман, бўтам!

Шу кундан бошлаб, Машраб эркин қуш бўлди. Аммо Охунд уни бир дақиқа бекор қўймас эди. Кимларданdir китоб олиб келиб, нусха кўчиритирди, ўзидағи китоблардан нусха олдириб, кимларгадир совға қилди. Яна китоблар, қўлёзмалар топиб келди. Буюк ифтихор ва шукуҳ билан Машрабнинг қўлига тутар экан:

— Сизнинг ҳусниҳатлигингиз, қолаверса, шу ишга журъат этганингиз кўп яхши бўлди-да, бўтам. Ўзимда йўқ китобларнинг нусхаларига эга бўлдим. Иншооллоҳ, савобдан сиз ҳам бебаҳра бўлмагайсиз. Ариқни бир киши қазииди, минг киши сув ичади. Савобга дохил бўляпсиз, бўтам! — деб мамнун ва масрур бўларди у. Машрабнинг бу машақкатли хизматини назал-

ридан қочирмас ва қуруқ қўймас, тоҳ ақча, тоҳ кийим-кечаклик билан сийлаб турарди, узундан-узун дуо қиласди.

Бир куни нариги хонага чиқиб кетган Охунд кўзларига суртиб қалин чарм муқовалик китоб кўтариб чиқди. Кўзлари мамнуният билан чақнаб, китобни Машрабга тутар экан, тарихини таъкидлади:

— Йигитлигимда отам раҳматликка илтимос қилиб, Боғдоддан келган бир муллага кўчиритириб олган эдим. Энди сизга бўлсин.

— Жуда табаррук экан-ку, тақсир, қандоқ бўлди?

Машрабнинг ийманиб қолганини кўрган Охунд дарров чорасини топди:

— Кўнглингиз хотиржам бўлсин. Мен мингдан-минг розиман. Сиздек шоирнинг мулкида ҳазрат Навоийнинг китоблари бўлмаслиги номақбул, бўтам. Китоб энди соҳибини топяпти. Бемалол олаверинг. Мабодо кўнглингизга фикр келиб «Устодни мен нима билан хушнуд эттум?» десангиз бир илтимос: ўз газалларингиздан бир дафтар тушиб беринг. Хонамнинг безаги бўлиб турсин, токи меҳмонларга кўрсатиб фаҳрланиб юргаймен!

Бозор Охунддек устодининг бу ҳиммат ва саховатидан кейин, унинг газалларига шунча ихлос қўйиб, уйида сақлашга ният билдириши Машрабни шошириб қўйди, кўз олди ёришиб, қувонч ва фаҳрланиш ичидан тўлқин уриб келди.

— Жоним билан, устод! — деди Машраб қўлини кўксига қўйиб.

— Агар малол келмаса! — деди Охунд мийигида кулимсираб. Унинг мийигини қоплаган қора ва қалин соқоллари ўзгача бир ранг ва салобат билан Машрабнинг назаридан ўтди. Шу вақтгача анча олиса бўлиб кўринган, унинг хатти-ҳаракатларидан чўчинқираб, ўзини олиб қочиброқ юрган Машрабга бу улуғвор, фикри равон, хокисор одам жуда яқин келиб қолгандек, унинг қаторидан жой олиб, манглайини силаб, баҳт тилаб, йўлга солиб тургандек бўлди. Китоб инъом қилган чоқда шошинқирагани ҳам гап бўлмай, энди эсанкираб қолди, вужудини ҳаяжон тери босди. Титраганнамо товуш билан жавоб айтди:

— Нега малол келсин, устод! Билъакс, камина учун улуғ эҳтиром. Лекин битикларимни бунчалик улуғлаб, дафтар шаклида кўрмоқчи экансиз, бу менинг хаёлимга келмаган шараф! Жоним билан адо этурмен!

Ана шу кунларда Машрабнинг холаси дагдага билан келиб қолди. Эшиқдан кириши билан карнайини тортди:

— Хўш, айт, нима муддаонг бор? Қачонгача сургайсан тўй жавобини? Ё домлангнинг бир муддаоси борми — нега сени йўлга солмайди?

— Домлам билан гаплашганман — у киши рози.

— Хўш, бўлмаса нега галга соласан?

— Галга солаётганим йўқ-ку, холажон...

Хола оғзидагини оғзида, бўтзидагини бўғзида қолдириб юлиб кетди:

— Галга солмаганинг шуми? Сенга оғиз очганимдан бери уйланганлар битта болалик бўлди?

Машрабнинг ичини бир нима тилиб ўтди ва индамай эшикка қараб юрди. Арзигулни тополмаётгани, йўқотиб қўйгани камдай...

Неча гал эшиги тагидан, мактабининг олдидан ўтди. Арзигул осмонга учгандек ерда ҳам, кўкда ҳам йўқ эди. Энди нима қилди? У тентирай-тентирай ахийри дўсти Эргаш калтага учрамоқчи бўлди. У девонаи понсадга икки оғиз ширин сўз қилса, синглиси орқали билиб берармикин?

Машраб минг бир ҳаё билан Эргашнинг тепалик кўчасига бурилса, унинг ўзи қаршисидан келяпти. Шундай. Касал тузаламан деса, табиб ўз оёғи билан эшиқдан кириб келади. Машраб йўқотган матоҳини топиб олган одамдек қувониб кетди. Кўнгли ёришиб, қаршисига қараб бораверди. Кўчада ҳеч ким йўқ. Кеч кузнинг салқин шамоли кўча супуради. Йўл ёқасидаги дараҳтлар япроқларини тўкиб, ихчам тортиб қолган. Чанг ётган. Бундан беш-үн кун олдинги илиқ ҳавода алданган ариқ бўйидаги гиёҳлар кўм-кўк ниш уриб, энди нима қилишини билмагандек дириллаб турибди, шафқат куттгандек хийра осмонга термулади. Қуёш эса, тафтидан тушган, саргимтил бўзга ўралгандек осмондан аrimайдиган исқирилт булутлар орқасидан аранг кўринади — на яллиги бор, на ёруги!

Чуст дўпписи чеккасига сурилган Эргаш калта Машрабни кўриши билан очилиб кетди. Улар анчадан бери кўришмаган эди. Эргаш калта чор-пахил бўлиб ёнига семирибди, бит кўзлари яна йилтиллаб, бўйи қисқа тортганга ўхшаб кетибди. Устида янги либос, талабалик йилларининг нуқси қарашларидан кўтарилиган, иши юришиб кетган қишилардек ўзга ҳаяжон, ўзгача завқ-шавқ.

Машраб у яқин келиши билан бўзахўрликдан келайтганини билди, умид косаси чил-чил синди: бу маҳалда ундан гап сўраб бўлармиди!

Эргаш калта эса узоқдан кўрган онидагидек тасалтанг юриш қилиб, оғзининг танобини қочириб келаберди.

— Ҳа, шоир! Арзигул қалай? Йўқотиб қўйибсан, бу қандоқ бўлди. Йигит ҳам қўлидан кабутарини олдириб қўядими? Йигитнинг ёнида мана бундан бўлса, севганини бирор ўғирламайди, — Эргаш калта беқасам чопонининг барини шиддат билан орқасига қайириб, садаф сопли, қинларига кумуш қуббачалар ёпиштирилган ханжарни кўрсатди. — Кўрдингми, исфаҳоний. Пўлати асиљ, тошни кесади. Арзигулни тополмаяпсанми? Тополмайсан! У олисада! Ит эмган отаси сухсурдай қизини Офоқхўжага элтиб ташлабди. Назр эмиш! Худо олдидағи бурчи эмиш!

— Нима деяпсан ўзи, Эргаш? Менга қара! — деди Машраб кўзларидан олов сачраб. Унинг вужудини соvuқ тер босган эди.

— Ҳали хабаринг йўқми? Димогинг китобнинг чангидан бошқа нарсани айирмайди шекилли. Арзигул кетди! Ушиб кетди! — Осмонни кўрсатди Эргаш калта бармоқларини ёзиб.

— Қаёққа?

— Қашқарга! Бир ҳафта, йўқ, икки ҳафтача бўлди. Кечаси дадаси қайтиб келибдимиш. «Худога шукр, қарзимдан қутулдим» деб юрганмиш!

— Шу чин гапми?

— Худо урсин! Нима ёмонлик қилибсанки, сени алдайман?!

Машрабнинг қўз олди қоронгилашиб, тиззаларидан мадор кетди. Тақдирнинг шундай ёзуқлари бор эканми ҳали?» — деб пичирлади ич-эти қақшаб.

